


**ЖККККК**

**«Одамийлик мулки»га  
доир сұхбаттар**

LESS

ЮХИР МАЛИК

ОПЕРИ  
БУДІВЛІ  
...



42.3/541

ТОХИР МАЛИК

**ОЛИМ  
БЎЛИШ...  
ҚИЙИН**

«Одамийлик мулки»га  
доир сұхбатлар

ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS» НМУ  
2014

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг мазкур китобига илм ва ақлга доир суҳбатлари жамланган. Аввал эълон қилинган суҳбатлар янги ҳикматлар билан тўлдирилган, қайта таҳрир қилинган ҳолда сиз — азиз китоб муҳибларига тақдим этиляпти.

*Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.*

*"DAVR PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрия қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрони ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.*

ISBN 978-9943-4311-0-2

© Тоҳир МАЛИК, 2014  
© "DAVR PRESS" НМУ, 2014

**Бисмиллаңир Роҳманир Родийм!**

**«Биладиган зотлар билан билмайдиган  
кимсалар баробар бўлурми?»**

(Зумар сурасидан)

**«Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим  
қайда бўлса, буюклик бўлар».**

(Юсуф Хос Ҳожиб)

## **ГАФЛАТ УЙҚУСИ**

Бахтиёрлик — осойишта қалбга эга бўлиш билан вужудга келади. Қалб осойишталиги эса илм олиш билан вужудга келади. Ҳозир «бахт» деб ўйланётган бойлик, мансаб, ҳатто ҳою ҳавас — барчаси ўткинчиdir. Ёшлик кунларини илм олишга сарф этаётган кишининг баҳтигина боқийдир. Илм олиш баҳтига етган одамнинг келгуси ишлари уни саодатга етаклайди.

Суҳбатимизни бир ибратли мақолни ёдга олишдан бошласак: «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин». Одам бўлиш қийин эканлигига шак келтирмайман. Икки оёқда юриб, озгина фикрлай олган билан одам қаторига қўшилиш мушкул. Одам бўлиш учун не-не хислатларга эришиш лозимлигини алломаю донишмандлар минг йиллардан бери уқтириб келадилар. Бу ўтитларга, ҳикматларга бирон янги фикр қўшишга жазм эта олмайман. Мен илм ҳикматига доир фикрлар баёнини бошлашдан аввал мақолнинг биринчи қисмига озгина эътиroz билдириб, шу масалага тааллуқли фикрларимни ўртоқлашмоқчиман.

Чиндан ҳам олим бўлиш осонми?

Түккіз йил мактабда, уч йил лицей-колледже, сұнг олий үқув юртида үчиш, кейин магистратура, ниҳоят диссертация ҳимояси... Шу пиллапояларни босиб үтиб, қулинг үргилсін олимга айланасан-қоласан. Шундайми? Янги тартиб-қоидаларға биноан магистратура таълимидан сұнг гайрат қылсанг, докторлик унвони ҳам қочиб кетмайды. Диссертация ёзишга ҳаракат қилиб, мақсадға етолмай дөгде қоладиганлари кам. “Сендан — ҳаракат, мендан — ба-рокат” деганларидай, гайрат бұлса, бас!

Республикамизда ҳозир минглаб фан номзодлари, фан докторлари бор. Бу құпми, ё озми? Соң жиҳатдан олиб қаралса, давр талабига нисбатан кам. Фан-техника асри одамлар олдига катта мажбуриятлар юкляяпты. Ишлаб чиқарищдаги янги-янги ускуналар ишчидан баъзан олий маълумотта эга бўлишни, хўжаликни бошқариш эса камида фан номзоди, ҳатто докторлик даражасидаги билим ва малакани тақозо қилмоқда. Давр олга босгани сайин бу талаблар ошиб бораверади. Демак, ўз-ўзидан олимларга белгиланган вазифалар ҳам ортади. Йигирма йил аввал диссертациясини ҳимоя қилиб олиб, шу билан «олим бўлдим» деб ўсишдан тўхтаган фан номзоди даражаси бутунги олий маълумотли мутахассисдан паст экани сир эмас.

Ҳозирги кунда Ватан иқболини белгиловчи жуда муҳим масалалар кун тартибида турибди. Фан-техникани янги талаблар даражасида тараққий эттирмасдан туриб, мамлакат келажагини тасаввур этиш қийин. Хўш, сафимизда минг-минглаб олимлар бўла туриб, нима учун фан-техника тараққиётида давр талабига жавоб беришда

сусткашлигимиз сезилиб қоляпти? Нима учун кибернетикага асос солинган ўлкада, табобати, фалакиёт илми, ал-кимёси дунёни лол қолдирган халқнинг бугунги олимлари жаҳон миқёсида донг таратмай қўйдилар? Бу ўринда икки нарсани эътироф этиш керак: Ўзбекистон олимларининг кибернетика, ядро физикаси, кимё каби соҳаларидағи фахрланса арзигулик ютуқлари мавжуд. Бундан кўз юммаган ҳолда ютуқларнинг давр зарбига нисбатан сустроқ эканини айтмоқчиман. Иккинчидан, бугуннинг Хоразмий, Беруний, Форобий, Фаргонийларини тарбиялашни ҳам жадаллаштириш лозим.

Илк асарларимни машқ қилиб юрган кезларимда келажақдаги, яъни юз, икки юз йил кейинги ўзбеклар туриш-турмуши ҳақида мунозарали фикрларга банди бўлар эдим. Узоқ сайёralарга учувчи фазо кемаларининг байнамилал аъзолари орасида ўзбекни ҳам кўришни умид қиласдим. Ҳозирги пайтдаги аниқ фан асосларига минг йиллар бурун пойдевор қўйган ўзбек, наҳот келажакда олис юлдузларга парвоз этувчи фазо кемаларини бошқара олмаса?!

Масковдаги бир баҳс ёдимдан чиқмайди. Ҳамкасб дўстим, руснинг инсофли, билимли ёзувчиси бўлган йигит билан суҳбатимиз мозий хусусида кечган эди. «Сизнинг (яъни, биз ўзбекларнинг – Т.М.) ўтмишда буюкларингиз кўп эди. Хоразмий, Беруний, Фаргоний, Ибн Сино, Форобий, Мирзо Улугбек, Али Қушчи... Дунё тараққиётини бу зотлар заковатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Аммо Улутбекнинг ўлимидан сўнг сиз уйқута берилдингиз, ҳануз уйгонганингиз йўқ...»

Бошқа миллат вакилидан буңдай танбек әшият-  
гаңдан кўра ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолсам!  
Аммо начора, у ҳақ гапни айтди. Тўгри, буюк  
зотлар ҳар йили тугилавермайди. Худо қайси  
халқни алқаса, унга аллома фарзандлар беради.  
Бироқ, Худодан яхшилик тиловчилар фақат дуо  
билан кифояланмай, ҳаракат ҳам қилишлари  
керак-да! Биз гафлат уйқусига берилиб, Худо  
берган неча-неча аллома даҳоларни менсимай,  
тириклайн кўмган бўлсак-чи?

Узоқ йиллар давомида ўтмишга қора лой чап-  
лаб, фесдал тузумнинг ичак-чавогини ағдариб  
ташладик. Кейин «етмиш йил»ни қоралашга  
киришиб кетдик. Ўтган кунларни қаргаш би-  
лан ёругликка чиқиш мумкинми? Балки уй-  
қудан уйгонишнинг тўғрироқ бошқа йўли  
бордир? Ўтмишни қоралаш — уйқусирашдан,  
алжирашдан бошқа нарса эмас. Ёругликка  
етиш учун ўриндан туриш керак, бет-қўлни  
ювиб, покизаланиб, сўнг остона ҳатлаб кўчага  
чиқиш керак. Чиққанда ҳам «Кечаги кунимга  
минг лаънат» демай, «Бугунги куним нурли,  
барокатли бўлсин» деган яхши ният, яхши ихлос  
билан қадам босилади. Менимча, ўтмишни қо-  
ралаш ўрнига чуқур таҳлил қилмоқ лозим.  
Фақат ёмон ёки фақат яхши ўтмиш бўлмайди.  
Яхшими, ёмонми — кечаги кун бизники. Эрта  
ҳам бизники. Эртага яхшироқ яшаш учун кечаги  
кундан сабоқ олиш зарурроқ эмасми?

Бугун Ўзбекистонимиз мустақиллиги ҳақида  
фаҳр билан сўз юритяпмиз. Сиёсий мустақил-  
ликка эрищдик, Худога шукур! Энди иқтисодий  
соҳалардаги мустақиллик йўлидамиз. Аммо на-  
заримда, бу муҳим масалага андак юзакироқ  
қарайапмиз. Қонунлар қабул қилган билан,

депутатлар минбарда нутқ ирод эттәнләри билан, борингки, хориж күмак бергани билан бу мустақилликка эришиш осон бўлмайди, халқа фаровонлик бериш ҳам қуруқ гапга айланади. Хорижликлар ажойиб корхоналар қуриб, хомашё ўзимизда қайта ишланса ҳам мустақиллик йўли тўла очилмайди. Таъбир жоиз бўлса, мустақиллик — бир муazzам бино. Унинг пойдевори — иқтисодий мустақиллик, деворлари — сиёсий, томи эса маънавий мустақиллик. Том мустаҳкам бўлмаса, чакка ўтади, деворлар нурайди, пойдевор зах тортиб, иморат енгил зилзилага ҳам дош беролмай қолади.

Шу муazzам иморат пойдеворига тош қўйилди. Мустақиллик саройини биз эмас, келажак авлод қуриб битиради. Неча йилда қуриб битиради, қай аҳволда қуради — чиройли, мустаҳкам бўладими бу бино, ё деворлари қийшиқ, томлари тешикми — бу бизнинг бугун фарзандларимизга бўлган муносабатимизга bogлиқ. Биз «болажон ҳалқмиз» деб фаҳрланишни яхши кўрамиз. Серфарзандлик ҳали «болажон» деган гап эмас. Мен «болажон» деганда фарзандига беқиёс меҳр кўргазишни тушунаман. Ҳар бир инсон фарзандини сужди. Лекин яхши кўриш ҳам турлича. Фарзандини чинакамига суйган ота-она уни зарли либосларга ўрашни ўйламай, балки ҳали покиза, булғанмаган болалик онгига илмларни сингдиришни биринчи даражали вазифа деб билади. Энг сара либослар ҳам вақт ўтиб эскиради, титилади. Мияга жойланган илм эса умр бўйи асқотади, болани келажақда кимхоб чопонга ҳам ўрайди, олий мартабага ҳам эриштиради.

1945 йил Япония урушда маглуб бўлди. Икки шаҳри бутунлай вайрон этилди. Одатда маглуб халқлар узоқ йиллар мобайнида қад кўтаришмайдилар. Япония урушда енгилди, бироқ қисқа муддатда қад ростлаб, голиб мамлакатларни иқтисодий, илмий кўтарилиш жиҳатидан сиқиб қўйди. Бу нима, Худонинг мўъжизасими? Ростми, ёлғонми, билмайман: урушдан кейин бир одам Японияга фақат бир кун раҳбар бўлган экан. Эрталаб сайланганида у мамлакатдаги барча бойларни тўплаб, «Болаларни ўқитиш, яхши боқиши учун пул беринглар», дебди. Бойлар миллионлаб пул беришибди. Кечқурунги мажлисда у одам ишдан олинибди. Шунда бойлар «пулдан айрилдик» деб ташвишга тушганида собиқ раҳбар «Сизлар ачинмай туринглар, бугун яхши дараҳт экдинглар, мевасини ўн йиллардан кейин териб ейсизлар», деган экан. Биз ҳавас қилаётган Япония бу даражага айнан болаларга кўрсатган меҳри туфайли эришган, десам янгишмайман. Биз япон магнитофонларига, автомобилларига ишқибозмиз. Японияга бориб келганлардан нарх-навони суриштирамиз, лекин «Японлар болаларига қандай тарбия берар эканлар?» деб зинҳор сўрамаймиз. Янада аччиқ ҳақиқатни айтсам, у ёқка борган биродарларимиз бу масалага қизиқиб ҳам кўришмайди. Бу юртта шўро даврида борган ёзувчи акаларимиз эса япон болаларининг «аччиқ қисматлари»дан ҳикоя қилдилар. Ажабки, «болаларга шароит яратиб бермаган» Япония гуллаб-яшнаса-ю, «Бахтили болалик учун партияга минг раҳмат!» деб қўшиқ куйловчи юрт тобора қашшоқлашса?! Бу тушунарсиз ва мантиқсиз бир ҳол эмасми?

Гап Япония ҳақида кеттанды бўлиб ўтган ийлиги цунами фожиаси пайтидаги бир воқеани эслайман: зилзила ва цунами офати кўп жонларни олди. Тирик қолганлар спорт залида жон сақлаяптилар. Бир йигит жун чойшабга ўраниб ётибди. Қўлида... китоб. Бу онда Япония императори жабрдийдаларнинг зиёратига келди. Китоб ўқиб ётган йигит қаршисига келганда унга қараб эгилиб таъзим қилди. Йигит оғир шароитда ҳам илм билан банд бўлгани сабабли император унинг илмга бўлган ихлоси, зеҳни қаршисида таъзим бажо келтирди. Чунки император шу илмли йигит тимсолида ўз мамлакатининг келажагини кўрди.

Ҳозир хорижга бориб келиш осон бўлиб қолди. Мен Хитойга бориб келаётганлардан у ердаги китоб дўконларининг қандайлиги ҳақида сўрадим. Латта-путта дўконларининг аҳволини тўла билиб қайтганлари ҳолда китоб дўкони ҳақида тасаввур ҳам йўқ эди. Бир зиёли хизмат сафарига кетаётганида мен ундан китоб дўконига мўралаб ўтишни илтимос қилдим. У қайтгач, ҳаяжонланиб ҳикоя қилиб берди: китоб дўкони кенг бўларкан, ёшлар келиб, янги чиққан китобни сотиб олишга пули етмаса, бир четда ўтириб, уйидан олволган нонини еб, китобни ўқиб оларкан. Дўкон ходимлари уларга монелик қилишмас экан... Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустақилликка эришган, аҳолиси бир миллиардан ошадиган Хитой бугун дунёдаги тараққий этган мамлакатлар пешқадами мартабасига қандай қилиб эришди, деган саволга китоб дўконидаги ҳолат жавоб берга олади.

Навбатдаги сатрларни ўқиганингиздан сўнг балки мендан ранжирсиз, ҳатто нафратланарсиз, аммо на илож, мен ўзим учун ҳақиқат бўлиб туюлаётган гапни айтишга мажбурман: болаларимизга бўлган муносабатимиз яхши эмас. Биз бу муносабатни тубдан ўзгартирмас эканмиз, келажакда буюк давлат мартабасига ета олмаймиз. Катта минбарлардаги гаплар, қарорлар, декларациялар осмонда дириллаётган чиройли варракдек кўзни қувонтиришдан бошқа нарсага ярамай қолади.

Гафлат уйқуси — тун белгиси. Буни «савод» дейдилар. Савод — қоронгилик демак. Саводни, яъни қоронгиликни ёргулик, зиё қувиб чиқаради. (Биз сўз маъносини англамай, «Саводхон бўламиш!» деб юриб, яқин ўтмишимизда чиндан савод бағрига — зулмат ва жаҳолат салтанатига сингиб бордик). Ҳарф таниш ҳали зиё деган гап эмас. Биз ёппасига ҳарф танишга берилдик. Ҳарф таниш — зиёнинг ибтидоси. Интиҳоси — илм эгаси, ориф бўлмоқдик. Аксар одамлар ибтидода тўхтайдилар. Улар газета ўқий олишса бас, пул санаш учун карра жадвалини билишса бас. Англамайдиларки, бу билан инсон вужудидаги, дилидаги, онгидаги зулматни қувиб чиқариш мумкин эмас. Халқимизнинг оз қисми ибтидо довонидан ўтиб, интиҳо — зиё сари юради. Сизга қандай туюлади, билмадим, бироқ ўтган асрда Иттифоқ миқёсидаги академиклар орасида аҳолиси бир-икки миллионли арман ёки гуржи вакилларининг кўплиги, йигирма миллионли ўзбекдан эса Иттифоқ академиясида битта ҳам йўқлиги мени руҳан эзар эди. Биламан, сиз бунга бошқа сабаб ахтарасиз. Ўзбек боласининг куни далада ўтарди, дейсиз,

ўзбек олимларини чиқиширишмас эди, дейсиз. Бу даъвода ҳам жон бордир. Аммо асосий сабаб бошқа, бунга кўпроқ ўзимиз айблимиз.

Тўгри, Ўзбекистон фани сўнгти юз йиллар ичида йўқ даражага тушиб қолган эди. Неча юз йиллар жаҳолат мутлақ ҳукмрон бўлиб келгани ҳам ҳақиқат. Жаҳолат Мирзо Улугбек бошини эмас, тафаккур бошини танидан жудо қилгандай бўлди. Алломалар солиб кеттан сўқмоқлардаги гард йигирманчи аср аввалида жадидлар ҳаракати туфайли қўтарила бошлади. Қадимда Европа Шарқдан илм олган эди. Энди чархпалак айланиб, ўзбек ёшлари Гарбдан ўргандилар. Қори-Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев сингари олимлар фан тарихининг янги саҳифаларини очдилар.

Асримиз аввалида Туркистон ўлкасида жадидлар яхши ният билан ҳаракат бошлаган эдилар. Улар ҳалқни гафлат уйқусидан уйготиш болаларга билим бериш орқалигина амалга оширилиши мумкин, деб ишондилар. Жадидлар мактабларга ислоҳ кирита бордилар. Иқтидорли ёшларни Оврўпо мактабларига юборишга даъват этдилар. Шу ўринда улуг инсон Исмоилбей Гаспиралининг доно сўзларини ёдга олиш жоиз: «Биз — туркийлар ўз қонунлари ва турмуш одатлари ила бир кўп салтанатлар майдонга келтирган қавм ўлароқ яшаб келдик ва бундан сўнг ҳам шундай яшаяжакмиз. Биз ўз тарихи тонгигдаёқ ёзувига эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшаяжакмиз. Агар муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа ҳалқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали бизни миллий-маданий инкишоф ҳукуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада катта гайрат билан интилишга

мажбур этади... Буни биздан ҳалқимизнинг тарихи, тақдирни талаб этади. Улуг вазифалардан ва улуг интилишлардан қўрқманг! Улар улуг воқеаларни тайёрлайди ва улуг шахсларни етказади!»

Бу чақириққа Абдулҳамид Чўлпоннинг аламили ноласи уланади: «Миллат хароб бўлди! Унинг энг муқаддас нарсалари: ҳурлиги, шаъни, шарафи қўлдан кетди! Ҳар қадамда юрагимиз қуш ҳадиги билан уради. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси — миллатни шарманда یарча қулликдан, ҳақорат ва хўрликдан қутқазиш бўлиши керак».

Ўтмишдаги гафлат уйқуси хусусида фикр юритган айрим дўстларимиз ўзбек зиёлилари ҳамма вақт кўзларини юмиб юрган эканлар-да, деган хато хуносага келиб қолишлари мумкин. Биз барча масалаларга бутунги кун назари билан қараб, ўтган даврлардаги ўзбек зиёлилари аланга бўлиб ёнишлари шарт эди, деган талабни қўямиз. Алангани кўрмагач, ҳафсаласизлик, ҳатто аlam билан қўл силтаймиз. Тўгри, аланга йўқ эди, аммо чўт бор эди-ку?! Чўт бор жойда аланга олдириш мумкин-ку?

Ўтмишдаги хасталикни зиёлилар тўгри пай-қашган эди. Хасталикни кўриб туриб, дардларини, ҳасратларини йиглаб-йиглаб қогозга туширишган. Сиёҳ билан эмас, юрак қони билан ёзилган сатрлар озми? Мумтоз адабиётимизни варақласак, қулогимиз остида улувларимизнинг назмга кўчган оҳу фарёди жаранглайди.

*Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг,  
кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бовли ўзбек ютидур,  
тengлиқ қилинг...*

Шоир Турди бу сатрларни уч юз йил илгари эмас, бугун ёзғандай туюлмаяптыми? Бу-ку узоқроқ үтмиш. Яқын тарихимизга қарайлик, Абдулла Авлоний сатрларини эслайлик. Бу сатрларнинг магзини чаққан кимса сизни кескин кетишида айбламас деб үйлайман: «Хонумони хароб, бойкушларга ҳамдам, фарзандлари ҳайкалдек жонсиз, вайронা Туркистан! Йўқ-йўқ, саҳни жонлик жаноза бирла тўлган буюк мозор! Унга ўлик кимсалар — мадфун зиндалар қўйилган. Бу тирик ўликлар — Туркистоннинг бу кунти ноқобил авлодлариdir. Унинг аҳволига Ер ҳам, Осмон ҳам йиглайди. У ҳам фақир, ҳам ҳақир. Унинг аҳволи чиндан-да оғир. Бир тарафдан беҳад ёмон дардга гирифтторлик, иккинчи томондан хорлик.

*Маризинг бир тарафдан,  
бир тарафдан хорсан — миллат,  
Бадаңдан доимо қон олдурап  
беморсан — миллат!  
Унинг на тили, на қулоги бор.  
У — сурат, девор! Мудҳиш ҳол!»*

Бу сатрларни йигламай ёзиш мумкинми?!  
Хўш, нима учун ҳалқ бу қадар гафлатда, зиё аҳли бунинг боисини билармиди? Биларди. Энди Дилафгорни ўқийлик:

*Аҳбоблар, миллат учун биз шаҳд  
этолмаймиз ҳануз,  
Гафлат тўшагида ётиб, кўзни  
очолмаймиз ҳануз...  
Инсоф-у гайрат ўрнига аҳбоблар шому саҳар,  
Бизлар этиб бугзу ҳасад, ўзга  
билолмаймиз ҳануз.*

*Тун кечалар чойхонада айтиб  
ҳамиша сафсата,  
Кўк чой ичиб, шилқиллашиб,  
ҳеч иш қилолмаймиз ҳануз...*

Шундай экан, Мискин нола қилишга ҳақли эди:

*Оҳ! Миллат, деб гамингдан куйди  
жоним, кимга дей!  
Бир эшийтмайсан фигоним, бу фигоним  
кимга дей!  
Дарди ҳажринг торта-торта тархи  
рангим ўлди зард,  
Мен сенинг қайгунгда доим, бағри  
қоним кимга дей!*

ХХ аср дебочасидаги бу аламли фигонлар сўнгра бориб «Тириксан, ўлмагансан, сен-да одам, сен-да инсонсан: Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан!» (Чўлпон) деган ҳайқириққа уланди. Натижа эса маълум: ҳақ сўзни сўзлаган маърифатпарварлар қора ер остида чиришга маҳкум этилди.

Бу ҳаракатни ўша дамларда аҳли дин орасидаги айрим жоҳил кимсалар ҳам англаб етмадилар. Чор ҳукумати, Бухоро амири жадидларни таъқиб остига олди, қувди, ўлдириди. Октябрь тўнтаришидан сўнг эса жадидлар буржуя ҳаракати сифатида бутунлай ботқоққа ботирилди. Қарангки, ҳалқни гафлат уйқусидан уйғотиш фикри у томонга ҳам, бу томонга ҳам мақбул келмади. Шу зайлда маърифатпарварлик илдизи қурий бошлади. Ҳозир Ўзбекистонда муаллимлар кўп, педагогика фани номзодлари,

докторлари кўп, аммо Бекбутий, Мунавварқори, Авлоний сингари маърифатпарварлар йўқ дараражада.

Шу сабабли мустақилликнинг илк йиларидаёқ таълим соҳасидаги ислоҳотларга эҳтиёж сезилди. Биз нурли келажакка бориш учун аввало мактабларимиз қаддини кўтариш зарур эди, шундай қилингани ҳам. Йигирма йил аввалги мактаблар (айниқса, қишлоқ мактаблари) биносининг хароблиги, замонавий техника, компьютерлардан бебаҳралиги ёдингиздадир. (Тўқсонинчи йилларда Қўқон атрофидаги қишлоқлардан бирида аянчли воқеага дуч келган эдик. Қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан иккита синф хонаси қурибди. Орадан икки йил ўтибдики, стол-стул йўқлиги учун синфлар бўш турган эмиш...) Мустақилликни ўйлаётган юртнинг, аввало, мактаби мустақил бўлмоги, ўқув қўлланмалари ўзиники бўлиши, муаллимлари миллий анъана ва қадриятларни улуглайдиган, мустақил фикрлай оладиган бўлмоги зарур эди. Муаллим — фақат ҳарф ўргатувчи эмас, балки болани фикрлашга ўргатувчи табаррук зот. Муаллим мустақил фикрлай олмаса, болада қандай қилиб бу хусусиятни тарбиялади? Физика, кимё, алгебра ўқув қўлланмалари Москвада, Киевдами ёзиларди. Уни Иттифоқдаги барча бола ўқирди. Украинадаги мактаб билан Ўзбекистондаги мактабнинг фарқи йўқ. Ҳолбуки, ўзбекларнинг мактаби бошқалардан ажralиб туриши керак. Фалакиетни бизнинг фарзандларимиз кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишлари лозим. Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Румий, Улугбек, Али Қушчи... каби улугларимизнинг илмий меросларидан

баҳраманд бўлишлари шарт. Ҳолбуки, украин ҳам, эстон, қозоқ ҳам Коперник ва Галилейни сув қилиб ичади. Берунийнинг глобус ясаганини, ўзбек алломалари Коперникдан минг йил аввалроқ Ернинг тухум шаклида эканлигини айтганларини украин у ёқда турсин, ўзбек боласи ҳам билмайди. Ёки тарихда малика Тамарани, Богдан Хмельницкийни, Долгорукийни билишлари шарт. Петр I қачон тугилганини аниқ айтиб беролмаса, баҳоси пастлайди, «Темур Малик билан Амир Темур бир одам» деса, танбеҳ эшитмайди. Жуғрофиядан Бобурнома ёки Маҳмуд ибн Вали, тарихдан «Абдулланома», «Зафарнома», «Шайбонийнома», «Ҳумоюннома»ларни ўқитиш муҳимлиги яқин ўтмишдаги «маърифатпарвар»ларимиз хаёлига келмади. Келса ҳам, тилга чиқаришга журъатлари етмади. Ҳозир янги ўқув қўлланмалари устидаги ишлар давом этяпти. Ўтмишдаги бир қанча хатоликларга барҳам ҳам берилди. Бироқ қўлланмани ўзгартириш билан олам дарровгина гулистонга айлана қолмайди.

Илмни болага илмли одам бера олади. Ҳўш, муаллимларимизнинг илми, савияси, фикрлаш қобилияти қай даражада? Ҳар ҳолда бир хил эмас. Назаримда, паст савияли муаллимлар кўпроққа ўхшайди. Улар болаларга яхши билим беролмаганлари етмаганидек, илғор фикрли муаллимларни чалгитишади, уларнинг эркин юришларига халақит беришади. Мен аниқ ғанлар муаллимларига баҳо бера олмайман. Бироқ тарих, она тили, адабиёт муаллимлари орасида билимсизларини кўп учратганман. Мени даҳшатта соглугчи нарса шуки, бу му-

аллимларда илм билан бирга рагбат, гайрат ҳам йўқ. Мақол билан шеърнинг фарқига бормайдиган адабиёт муаллимлари йиллар мобайнида фарзандларимизга дарс бериб, тирикчилик ўтказадилар. Бир мисол айтай: бир йили республикадаги адабиёт муаллимлари пойтахтга чорланиб, таниқли навоийшунос олимлар иштирокида илмий анжуман ўтказилди. Олимлар дарслеридан ўрин олмаган ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид муҳим мавзуларда маъruzalар бошлилди. Иккинчи-учинчи маъruzадан сўнг узоқ йўл босиб келган муаллимлар аста-аста чиқиб кетавердилар. Улар аввало, бу қилиқлари билан маданиятсиз эканликларини намойиш этдилар. Бу ҳолни фақат олимларга, ҳазратта эмас, балки ўз касбларига нисбатан бўлган беҳурматлик деб баҳо бериш мумкин. Бу воқеа баёнидан муддо шуки, барча муаллимларни йирик олимлар, ёзувчилар, жамоатчилик иштирокида синовдан ўтказиш керакмикин? Муаллимлар зиммасидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этайлик, ахир келажагимиз тақдирни кўп ҳолларда уларга боғлиқку? Келажакни кимларга ишониб топширишни аниқ билиб олишимиз шарт эмасми?

Бугун мактабларда ҳал этиладиган муаммолар кўп. Олий ўқув даргоҳлари-чи? У ерда аҳвол қандай? Олий билим бериши лозим бўлган қутлуг даргоҳлардан битирувчи қай даражада мутахассис бўлиб чиқяпти? Пора билан ўқишига киритиш, пора билан имтиҳонлар топшириш аслида сир эмас, бироқ буни сезмагандай юрамиз. Мен айнан шу нуқтада ~~миллат~~ фаржисини кўраман. Биз норози

бұлаёттан мактабда оз бұлса-да, илмли болалар етишиб чиқади. Лекин уларнинг янада оз қисми олий ўқув даргоҳларидағи түсиқларни еңгіб ўта олади. Кириш имтиҳонларидағи муттағамгарчилларга барҳам бериш, илмли болаларнинг йўлини очиш мақсадыда тест синовлари ташкил этилди. Лекин бу ҳам муаммони тұла ҳал қила олаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам бутун бизда олий маълумотлилар кўп, аммо дунё билан беллаша оловчи олий даражали иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар кам, жуда кам.

Ҳар бир ота-она (жумладан ўзим ҳам) фарзандининг олий даргоҳларда илм олишини истайди. Катта мансаблар, марҳаматлар эгаси бўлишни орзу қиласи. Бу худбин орзулар ҳеч қачон улугт орзу — юрт равнақи эвазига яшамаслиги зарур. Биз буни англамаган, ўйлагман ҳолда ҳалқ келажагини ўз нафсимиз йўлида қурбон қиляпмиз. Мен бу сатрларни ўқиган одамларда ватанпарварлик ҳисси уйғонади, илмсиз фарзандини пора эвазига ўқишига киритиш фикридан қайтади, деёлмайман. Энди минг оҳ урайлик, фойдасиз. Яра мадда боғлаган. Нафс аждаҳосининг боши мингта, бирини кессангиз, иккинчиси билан ўт пуркайверади. Бизни хатардан фақат амалдаги ислоҳотларнинг давомийлиги қутқаради.

«Ҳамонки пора бериб ўқишига киритишта қурбимиз етар экан, олий ўқув даргоҳларни пуллик қилайлик, ўртада турадиган даллол, имтиҳон оладиган домла қидириб овора бўлиб юрмай, истаган ўқув даргоҳига бориб пул тўлайлик, тамом-вассалом! Пул бир одамнинг

чүнтагига тушмай, ўқув муассасалари аҳволини яхшилашга хизмат қылсın. Мактабда дуруст илм олган, илмга рагбати бор болалар эса имтиҳон билан ўтсın, давлат уларни бепул ўқитсın», дедик. Бу масала ҳам ҳал этилди. Лекин күзланган мақсадға ҳали эришилгани йўқ.

Ҳар ҳолда чидаб бўлмас иллатлар ҳозир ҳам учраб турибди. Илмсиз бола тўрт йил пулга ўқиб ёки домлалар хизматини қилиб, «олий маълумотли мутахассис» бўляпти. Баҳоларини қарасангиз, «уч»дан юқорисини кўрмайсиз. Илм даражаси уч баҳога лойиқ «олий маълумотли мутахассис» қандай қилиб юқори малакали ишчига ақл ўргатсın? Бундай мутахассис соясалқинда кунини кўриб юраверади. Ишлаб чиқаришда техниканинг ўсмаслиги, алмисоқдан қолган машиналарга қаноат қилиниши ўшандай «мутахассислар»нинг илмсизлиги туфайлидир. Одатда бундай тоифалар билимсизликларини яшириш учун кўп гапирадилар, мажлисларда ваъзхонликлар қиласадилар, амалга интиладилар. Ҳатто катта мансабларга эришадилар ҳам. Мансабдорда илм бўлса, у техникани тараққий эттиришни ўйлади. Биз тилга олган уч баҳога арзир-арзимас «мутахассислар» эса илгор техниканинг нима эканини билишармикин?

Жарроҳ ёки табиб янглишса, бир ёки бир неча одам жабр кўради. Бу хато учун улар жазоланадилар. Илмсиз мутахассислар чиқишига йўл очиб берган олий ўқув даргоҳларининг айrim домлалари келажагимиз кўксига ханжар санчишаётганини билишармикин? Уларнинг бу гуноҳлари қандай жазога лойиқ экан? Пора олаётib қўлга тушгани бир неча йилга қамалар.

Пихини ёрганлари-чи? Уларни Худонинг ўзи урмаса, бандасининг қўли калталик қилар дейман-ов...

Ҳозир фан асосларини эгаллаш учун барча шароитлар мавжуд. Ўтган аср биринчи чорагидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг талабалари билан ҳозирги Миллий университетимиз талабаларини солиштириб кўрайлик: ҳам моддий, ҳам амалий жиҳатдан бугунги ёшларга яхши шароитлар яратилган. Ўқув даргоҳлари жойлашган иморатларнинг кўрки, тажрибахоналардаги ашёлар, талабаларнинг ажойиб ётоқхоналари... Илм олиш учун давлат томонидан яратилган мукаммал шароитлар — масаланинг сирти, зоҳири ҳисобланади. Ичи, ботини эса талабаларнинг гайрати ва зеҳни, устозларнинг инсофи ва вижданни даражаси билан белгиланади. Демак, биз бугунги олимларимизга, устозларга энг юқори талаблар асосида даъво қилсак арзиди.

Айтмоқчи бўлганларимни «даъво» дейиш балки жоиз эмасдир. Чунки мен олимларни бирваракайига айбситмоқчи эмасман. Мен фақат олимлар орасида олим деган номга ҳали нолойик, бу даргоҳга «олим бўлиш осон» деб кириб қолган, фанга, демакки, жамиятга фойда беришни ўйламай юрувчи айрим «ilm кишила-ри» ҳақида сўз юритмоқчиман, холос.

Менинг тасаввуримдаги чинакам олим бўлиш учун:

1. Фақат диссертацияси атрофида ўралашмай, фаннинг кенг тармоқларини тўла ўзлаштирмаган тақдирда ҳам билиши керак. Яъни, «қомусчи олим» даражасига етмоқлик учун ҳаракатни ҳеч қачон тўхтатмаслиги лозим.

2. Дунё тилларидан бир нечасини эгаллаши керак. Бизга ёқадими ё йүқми, истаймизми ё йүқми — маълум бир тил маълум бир даврда етакчилик қиласди. Олимлар илмий ишларини ўз она тилларида эмас, ўша етакчи тиlda олиб боришга мажбурлар. Қадим алломаларимизнинг илмий асарлари шу сабабли ҳам араб тилида ёзилган. Замонлар ўзгариб, энди инглиз, рус тилида иш олиб бориш талаб этилади. Олим ўз ишини шу тиллар орқали дунёга ёя олади. Тил билмаса, ҳар қанча истеъдод эгаси бўлсин, тор қобиқда қолиб кетади.

3. Маънавияти, бошқача айтганда, ички маданияти юқори бўлиши шарт...

Бунча фазилатларга эга бўлиш осонми, ё оғирми?

«Филология фанлари кандидати» деган унвонни кўтариб юрган ўн олимдан «Филология» атамасининг лугавий маъноси нима?» деб сўрадим. Шулардан еттитаси «адабиётшунослик» деб жавоб берди. Учтаси ҳақиқатга сал яқин келиб, «Тил тарихини ўрганувчи фан», деди. В. Даллинг лугатида шундай изоҳ ҳам бор. Аммо сўзнинг асл келиб чиқиши бутунлай бошқа — «филология» атамаси лотинчада «билимни севаман», деган маънони англатади. Шуни билмагани учун у дўстларимни билимсизга чиқармайман. Лекин ҳеч бўлмагандага ўз фанининг номи билан қизиқиб қўйишлари лозим эди, деб ўйлайман.

Аниқ фанларда ҳам шундай ҳолни учратиб турмиз. Аввало физика, кимё каби фанлар майда тармоқларга бўлиниб кетди. Ана шу бўлиниш оқибатида бошқа-бошқа фанлар қўшилиб, янги фан тармоқлари юзага келди:



биофизика, астрофизика, биохимия, бионика каби фанлар шулар жумласидан. Демак, физик ёки кимёгар олимнинг даражаси шунга мос равишда ошиши керак. Ҳолбуки, биз акс ҳолатларга дуч келамиз. Физика фанлари номзоди, агар у ярим ўтказгичлар бўйича мутахассис бўлса, айтайлик, магнит майдони ёки космик нурлар ҳақида етарли билимга эга бўлмайди. Ёки Техника университетида «материаллар қаршилиги» фанидан дарс берувчи олимни бўлажак ирригаторларга рўпара қилсангиз, мум тишлаб қолиши мумкин. Физик фалакиётни яхши билмаса, астроном табобатни, медик кибернетикани... Ҳар бири ўз қўргонидан ташқарига чиқмаса, қандай ютуқقا эришиши мумкин? Ахир фанлар бир-бири билан узвий bogланган-ку? Ҳозир медицина билан кибернетика бирлашиб, кўп ажойиботлар яратаяпти. Фаннинг ана шу тарзда шаклланишининг ўзиёқ бугунги олимдан кўп нарса талаб қиласди. Медицинадаги мутахассисликларнинг бўлининини мен «шартли бўлинниш» деб ҳисоблашни истардим. Асаб хасталикларини ўрганган олим кўз бўйича ёки томоқ бўйича мутахассиснинг ёрдамига муҳтож бўлади. Назаримда, бу медик олимнинг билимлари чекланганини кўрсатувчи бир мисодdir.

Ўз фанини атрофлича билмаган олимдан нима кутиш мумкин? Унинг тадқиқотлари юзаки бўлади, демакки, арзирли бирон янгилик бера олмайди. Фақат ўз қобигига ўралиб олган олимга бошқа даъво қилмасак ҳам бўлар. Аммо бир масалани эслатмай ўтишнинг иложи йўқ. Олимларимизнинг аксари ўз фанлари,

тадқиқотлари, ҳатто кашфиётлари билан ҳалқни танишира олмайдилар. Қадимда алломалар бу ҳақда кўп бош қотирғанлар. Фандан йироқ ҳалқقا илмий тилда гапириш самара бермайди. Шунда алломалар адабий тарзда мурожаат этгандар. Умар Хайём, Ибн Синоларнинг аруз вазнида ижод қылганлари бежиз эмас. Кейинги асрларда эса Европада фан асосларини ҳалқقا етказиб беришга хизмат қилувчи «илмий-оммабоп жанр» пайдо бўлди. Бу жанрда ижод қилиш учун арузда газал ёзмаса ҳам бадиийлик нима эканини билиш шарт. Афсус билан айтиш лозим, ҳозирги табиий фанлар олимларининг кўпчилиги адабиётдан, умуман гуманитар фанлардан узоқдалар. Бу ҳолда маънавий камолга эриша олинмаслигини таъкидлаш ортиқчадир. Шу ўринда муҳтарам олимларимиз «Хўп, биз бадиий адабиётдан узоқда эканмиз, айбимизни бўйнимизга оламиз, ўзингиз-чи, ёзувчилар-чи, аниқ фанлар билан умумий тарзда бўлса-да, хабардормисизлар?» дейишга ҳақдилар. Чин маънодаги маънавий камолот ҳақида гап кетар экан, бу саволдан сўнг биз ҳам бош эгиб қолишимиз тайин. Ҳар ҳолда кўпчилигимиз аниқ фанлар билан мактабдаги умумий танишувдан сўнг қизиқмаганимиз. Филфақда ёки журфақда аниқ фанлар ўтилмаганидан қувониб юраверганимиз.

Яқинда Тошкентдаги «Профессорлар шаҳарчаси» деб ном олган мавзеда олимлар даврасида бўлдим. Даврада бир маҳалла кишилари, бироқ турли фан вакиллари тўпланишган эди. Ўқиётганингиз сатрларни ёзишга ўша суҳбатдан сўнг эҳтиёж сездим. Олимларимизнинг мендан норози бўлишларини, айрим фикрларимни

инкор этишларини била туриб, бу ишга құл урдим. Ҳеч бўлмаса, фанга кириб келаёттан ёшларга фойдаси тегар, деган умидда ёзишга қарор қилдим.

«Хўш, даврада нима воқеа юз берди?» дерсиз. Гап шундаки, ҳеч қандай воқеа содир бўлмади. Турли соҳа олимлари ўзаро шунчаки гурунглашиб ўтирилар. Олимлар йигилгандарида фақат фан соҳасидан гаплашсинглар, демайман. Даврада ўтириб, мен бошқа нарсани ўйладим. Агар давра фақат физиклардан иборат бўлганида, истайсизми ё истамайсизми, суҳбат физика фани атрофида юритиларди. Бу даврада эса ҳуқуқшунос, физик, геолог, кимёгар, математик... Суҳбат учун умумий мавзу то-полмаганларидан ажабландим. Бунинг сабаби оддий: юқорида айтганимдай, ҳуқуқшунос физикадан, математик геологиядан бехабар.

Олимнинг фандан бўлак ташвишлари ҳам мавжуд. Буни рад этмайман. Суҳбат учун ўзи қизиққан, ўзини тўлқинлантирган мавзу танлаши ҳам табиий. Лекин гап унинг шу мавзуда қандай фикр юритишида. Баъзан бошқа қасб эгаларининг даврасида олимлар ҳам бўлишади. Фандан йироқ одамлар улардан куттилмаган гаплар кутадилар. Олим фан ҳақида гапириши шарт эмас, лекин турмуш икирчикирларими, халқаро аҳвол ҳақидами сўз кетганда олимона фикр юритиши, мантиқий хуносалари билан бошқалардан ажralиб туришга мажбур. Дипломатик алоқалар ҳақида ибтидоий тушунчага эга бўлган одамнинг ўша олимлар даврасида халқаро аҳвол бўйича зўр бериб сафсата сотишидан ажабландим. Мантиқ тарозиси палласини босмайдиган гапларни

олимлар даврасида айтаётган одам бошқа ерда гапирмайдими? Матбуотни зийраклик билан кузатувчи оддий ишчи ундан қулмайдими? «Шунга ақлинг етмаса қанақа олимсан?» демайдими? Шунақа ҳол юзага келса, у одам албатта «Мен файласуф (ёки тарихчи) эмасман, математикман», деб ўзини оқлар. Лекин унутмайлик: гап фан намояндасининг маънавий камоли ҳақида кетяпти. Олим — ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний мукаммаликни (бу масала ҳам доимо диққат марказида бўлиши шарт) мужассамлаштирган, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий жиҳатдан фаол шахс бўлиши керак.

Азизлар, сұхбат аввалини ўзимиздаги қусурлардан бошлаганим учун каминани айбситманг. Ахир аҳли дониш «Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ», деганлар-ку? Камина бу мавзуда ҳам жиддий, ҳам ҳажв йўсинида фикрлар баён қилиб тураман, балки бундан хабардордирсиз. Эҳтимол, ҳозир муаммоларни гапиравериб, сизни толиқтиргандирман. Шуни мулоҳаза қилиб, сиз азизларга пича танаффус бермоққа, бу танаффус чогида диққатингизни ҳажв йўси-нида баён қилинган бир воқеага тортишга журъат қилдим. Бу воқеани ҳазил ўрнида қабул қиласиз, деган умиддаман. Фақат... мутойибамизни ўқигач, «Шўргинанг қурсин, бечора мўйлов!» деб юбормасангиз бас.



## ЯШАСИН, МҮЙЛОВ!

Мусича чумчуқнинг инида тунаб қолган куни «Мўйловчиликни ўрганиш билмий-текширмаслик институти»да Маънижон Ҳузуралиев «Йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида мўйловчилик ҳаракати» деган мавзуда чала номзодлик диссертациясини ўрнига қўйди. Бу маросимда меҳмон сифатида иштирок этсам-да, «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, қоғоз-қаламни қўлга олиб, муҳокамада қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирган атоқли мўйловшунос олимларнинг сўзларини ёзиб қўйибман. Ёзилган нарса ташлаб юборилса увол бўлар, деб сизга илиндим. Истасангиз ўқинг, истамасангиз йўқ. Хоҳласангиз, бу гапларга ишонинг, хоҳламасангиз йўқ.

Сизга ёлгон, менга ҳам чин бўлмаган ўша муҳокамада биринчи гапни мўйловчилик фанлари дўктури Шопазим Соқолиев бошлаб бердилар. Сўзларининг баёни будир:

— Азиз ўртоқлар, Маънижоннинг диссертацияси менда улуг таассурот уйгоди. Шу пайтгача, ўртоқлар, олтмишинчи йиллар мўйловчилиги ҳақида илмий иш олиб борилмаган эди. Мен Маънижоннинг ушбу ишини тўла маънода кандидат деган унвонни беришга лойиқ деб топаман. Лекин укамиз Маънижон йўл қўйган айрим жузъий камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишим лозим. Ўйлайманки, Маънижон бу камчиликларга дўктурулик ишини ёзиш пайтида аҳамият беради. Хў-ўш... Маънижон бизга мўйловчилик ҳақида гапира туриб, асосан мўйловнинг икки тури, яъниким, биринчи — «Қалдирғоч мўйлов» ва иккинчи —



«Шоп мўйлов» ҳақида тұхталади. Хүш, бизда мўйловнинг фақат икки тури мавжудми? Йук, ўртоқлар, аксинча жуда кўп. Мисол учун олайлик — «Қиличсимон мўйлов». Бу мўйлов қадим юонон манбаларида «Қиличсимус мўйловсимус» шаклида учрашига диққатингизни тортаман. Хүш, Шоп мўйловнинг Қиличсимус мўйловсимусдан нимаси ортиқ? Аксинча, Қилич мўйлов ҳам Шоп мўйлов каби кишига ҳусн бериб туради. Яъниким, юононча айтилганда: кишимус ҳуснимус. Бу ўринда Маънижон яна бир нарсага эътибор бермаганлар. Яъниким, хў-уш... мўйлов рангларини олайлик. Диссертант асосан қора мўйловлар ҳақида фикр юритади. Хўш, малла, яъни маллиус мўйловлар, сап-сариқ, яъни сапиус сариқус мўйловлар, оқ оралаган, яъни мошгуручиус мўйловлар қаерда қолди?

Сўзимнинг охирида мен яна бир нарсага тўхталмоқчиман: яъниким, хў-уш... Маънижон «мўйловчилик» сўзини кўп қайтарганлар. Бу жуда қўпол ва гализ, энг муҳими, антиилмий сўз, ўртоқлар. Атама илмий бўлиши, жаҳон стандартларига жавоб бериши шарт. Яъниким, диссертант «мўйловчилик» эмас, «мўйловизм» дейишлари жоиз эди.

Навбат мўйловчилик фанлари дўктури, билмий-текширмаслик институти «Мўйлов на-мояндалари» бўлими мудири Осимали Қаригановга берилганда, ул зот жумладан шундай дедилар:

— Ўртоқлар, ҳаммамиз учун устоз саналган қадрли Шопазим Соқолиевнинг сўзларига юз фоиз қўшилган ҳолда «Маънижон агар тўғридан-тўғри «Мўйловизм ва соқолизм» деяверганларида хато қилмаган бўлар эдилар»,



деган фикрни ўртага ташламоқчиман. Айни чогда бу атама қадим Рим империяси даврида «Мўйловетти ва соқолетти» тарзида қўлланганини эслатиб ўтаман. Кейинги давр арман манбаларида «Мўйловян ва соқолян», грузин манбаларида «Мўйловидзе ва соқолашвили» тарзида учраши дикқатимиздан четда қолмаслиги керак. Диссертацияга нисбатан менинг асосий притензиям қўйидаги ча: Маънижон асосан шоп мўйлов ва унинг олтмишинчи йиллардаги намояндалари ҳақида гапирди. Менинг фикримча, у шоп мўйлов ҳақида кўпроқ адабиётлар бўлгани учун шундай қилган. Ҳолбуки, қалдиргоч мўйлов ҳақида ҳам кўпроқ тўхталиши шарт эди. Чунки қалдиргоч мўйловизм ҳаракатини баралла туриб мумкин. Олтмишинчи йилларда мўйловчиликнинг асосини именно ана шу қалдиргоч мўйлов ташкил қилган. Масаланинг сиёсий томонига қарасак, мустабид тузум йилларида «буруннинг ҳуснини бузади», деган баҳоналар билан сиқувга олинди ва бу мўйловнинг гуркираб-яшнашига йўл берилмади. Бу йиллар мўйловизми намояндалари ҳақида ҳам жиддий притензияларим бор, ўртоқлар. Диссертант бу йилларни асосан қарияларга боғлаб ўрганган. Бу нотўгри йўл фанни антимўйловизмга буриб юбориши мумкин. Масалан, Францияда Одам Атодан олдинги саккизинчи асрда шундай ҳол кузатилган. Мен аниқ ишонч билан таъкид эта оламанки, олтмишинчи йиллар мўйловизмини асосан ёшлар ташкил эттан эди. Шу ўринда ёшлар мўйловизмини уч қисмга бўлиб ўрганиш керак. Биринчи: тўлиқ қалдиргоч

мўйловизмчилик; иккинчи: сабза урган қалдиргоч мўйловизмчилик; учинчи: яккамдуккам қалдиргоч мўйловизмчилик. Ўртоқлар, мен диссертантни сиёсий хатода ёки сиёсий саводсизлиқда айбламоқчи эмасман. Аммо унинг хатоларидан кўз ҳам юма олмайман. Диссертациядан ноҳақлик ҳиди уфуриб турганини барча сезса керак, деб ўйлайман. Ҳеч биримизга сир эмаски, айрим хотинларда ҳам мўйлов учраб туради. Қадимги Испан қироллигига бу фактдан кўз юмиб келинган. Мўйловли хотинлар таҳқирланган. Хўш, мустабид замонлар ўтиб кетган ҳозирги озодлик кунларида хотинларнинг мўйлов қўйишларига кенг йўл очиб берилганида, бу ҳақда ёзишга Маънижонга нима халақит берди? Албатта, ўша қадимги Испан қироллигининг бизгача етиб келган салбий таъсири! Гарчи вақти бўлмаса-да айтиш лозимки, ўртоқлар, мўйловли хотинларни ўзимиз билан бир сафга қўйиш вақти етди. Энди етар, кўп гапириш ўрнига кўпроқ ишлайлик. Ҳар бир кунимизни мўйловли хотинларга қайгуриш билан бошлайлик. Мен институтимиз ташаббуси билан «Мўйловли хотинлар ассоциацияси»ни ташкил этишни таклиф қиласман. Илмий ишлар билан гоят банд бўлишимга қарамай мазкур ташкилотга жамоатчилик асосида раис бўлишга розиман. Ассоциация ўз фаолиятини чойхоналарда «мўйловли хотинлар» бўлимини очищдан бошлайди.

Учинчи бўлиб билмий-текширмаслик институти «Мўйловчиликни ҳаётга татбиқ этилиши» бўлими мудирининг муовини Ўтбосар Бурунбоевга сўз берилди. Муовиннинг сўzlари бир

нече марта қарсаклар билан бўлиниб турганини таъкид этган ҳолда баённи бошлаймиз:

– Азиз ва муҳтарам устозлар, мен диссертация ҳақида гапиришдан олдин қадрли устозимиз Осималижон акамизнинг таклифларини қўлламоқчиман. Шундай ассоциация ҳозир бизга керакми? Керак! Минг мартараб керак! Чунки устозимизнинг оталари кўса бўлганлари билан муҳтарама волидаи муҳтарамаларида мўйлов бўлганини тарихий далиллар таъкидлайди. Яна тарихий далиллар шуни билдирадики, Момо Ҳавводан олдинги учинчи асрда яшаган айрим бувиларида ҳам мўйлов учраб турган. Демоқчиманки, бу анъана ўзининг тарихий илдизларига эга. Янги ассоциация раиси айнан шундай маънавий ҳуқуққа эга бўлишиadolat юзасидан гоят тўгридир. Агар ассоциацияга авладида битта ҳам мўйловли хотин учрамайдиган одам раис бўлиб қолса, ташкилотни расво қиласди. Энди диссертация хусусига келсак, азиз дўстимиз мисолларни чизмалар ёрдамида яхши тушунтиридилар. Лекин айтиш зарурки, чизмалар ҳаёт билан узвий bogланмагan. Қўлда чизилган расм эмас, мўйлов эгаси бўлган шахсларнинг фотосуратлари кўрсатилганда яхшироқ бўларди. Диссертацияда мўйловчилик процесси ва ўсиш проценти ва диаграммаси таҳминан айтилди. Ҳолбуки, сартарошхоналар билан алоқа bogлаб, мўйловкашларнинг сони аниқ даражада кўрсатилиши керак эди. Бу жузъий камчиликлардан ташқари диссертант «Киши салмоқдорлигини оширишда мўйловизмнинг роли», «Мўйловизмнинг кенг тараққий этишида сартарошлар томонидан олиб борилиши лозим бўлган агитация ва пропаганда ишларининг

ўрни», «Мўйловизм ва соқолизмнинг қардошлиқ алоқалари», «Мўйловизм ва колониализм», «Қўлтиқсоқолнинг ўтмишда камситилиб, қириб ташлашта ҳукм қилиниши» каби масалаларга яхши эътибор бермаган. Шунингдек, бутунги кунда айrim аёлларнинг мўйловизм ва соқолизмга қарши курашига жиддий зарба берилмаган. Хотини рухсат бермагани туфайли соқол-мўйлов қўёлмай хорланишларининг олдини олиш йўллари илмий асосда кўрсатиб берилиши керак эди. Хотинларнинг «Соқол ва мўйлов ўпишаётганда ҳалақит беради», деган даъволарининг пучлиги жонли мисоллар орқали рад этилиши шарт эди. Эрнинг соқол ва мўйловидан ҳузурланувчи аёлларга диссертацияда алоҳида боб ажратилиши негадир унугилган. Мўйловизм ва соқолизмга аёлларнинг таъсирини четлаб ўтиш мутлақо мумкин эмас. Қўлтиқсоқол масаласидаги илмий тортишувларда аёлларнинг иштирокини ҳали унуганимиз йўқ. Айнан уларнинг ёрдами туфайли «қўлтиқ жуни» деб камситилишига чек қўйилиб, соқолизм оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида «қўлтиқсоқол» деб шарапланди. Энди кўкрак жуни масаласида ҳам аёлларнинг қўллаб-қувватлашига суюнишимиз вақти етди, ўртоқлар. Кўкрак жуни шунчаки мўй эмас, соқолизм оиласига мансуб эканини исбот эта олмас эканмиз, тарих бизни кечирмайди.

Диссертантнинг яна бир камчилиги: айrim ҳайвонларда учрайдиган мўйловларни мутлақо эътибордан четда қолдирган. Мисол учун айтсак, эркак мушукдаги мўйловнинг ургочи мушукка таъсири ўрганилмаган. Мушуклар мов бўлган даврда эски маҳаллалар томида бир

нече кун илмий изланиш олиб борилганида бу камчиликка йўл қўйилмаган бўларди. Умуман мушуклардаги мўйловизм онгли равишда тараққий этадими ё онгсиз равишдами, бу саволга ким жавоб бериши керак?

Илм ошкораликни яхши кўради, мен ҳам нуқтаи назаримни яширмайман: шу ўринда устоз Осималижон акамизнинг бир фикрларига қўшила олмайман. У киши ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида асосан қалдиргоч мўйловлар тараққий этди, дедилар. Ахир бу масалага бир томонлама ёндашиш эмасми? Хўш, номи хунук бўлса ҳам ўзи баъзи кишиларга чирой берувчи «қўнгиз мўйлов» тўгрисида нима учун гапирмаймиз? Шу масалада мен битта таклифни ўртага ташламоқчиман: кейинги йилларда қўнгиз мўйловизм ҳаракатининг анча сустлашгани қайд этилмоқда. Шу муносабат билан институтимиз ташаббуси билан «қўнгиз мўйловизмни асраш қўмитаси» тузишни таклиф этаман. Бунинг учун чет эллик мутахассисларини ҳам жалб этиш лозим бўлади. Балки институтимиз қошида германиялик мутахассислар билан биргаликда «қўнгиз мўйлов» деган қўшма корхона очиш мақсадга мувофиқ бўлар? Мен бир камтарин мўйловист олим сифатида бу чораларни зарурий деб ҳисоблайман.


Хотима ўрнида:

Маълумингиз бўлсинким, диссертация муҳокамасида айтилган барча фикрларни қогозга туширишдай оғир иш йўқ. Мен айтилган фикрларнинг қаймогинигина сизга етказишга ҳаракат қилдим. Мазкур муҳокамада яна икки мўйловист фан дўйктўри, тўртта номзод, бир қанча аспирантлар сўзга чиқишиди. Улар «Бурун оқ-

қан маҳалда мўйловнинг ҳолати», «Мўйлов ва зилзила», «Камчаткада уйгонган вулқоннинг Ўзбекистондаги мўйловизмга таъсири» каби чуҳим масалаларда диссертантга маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, мўйловчиликни ривож-таниришни кўзда тутувчи яна учта жамият, бешта ассоциация, ўн иккита қўмита тузишга келишиб олинди. Камина ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. «Ёмғирда ҳўл бўлган мўйловни қуритиш принциплари» деб аталмиш қўмитага аъзо қилиб сайландимким, аҳа... ўзларингга ҳам муборак бўлсин, табрикларингизни бажонидил қабул этурман.

\* \* \*

Танаффус пайтига белгилаган сўзларимиз якун топиб, энди сиз азизларни ҳикматлар бўstonига таклиф этаман.



## ИНСОНИЙЛИК ТОЖИ

Илм хусусида кўп гапирилган, кўп ёзилган. Ҳар куни фарзандларимизнинг бири шошилиб, бири эса эриниб ўқишга боради. Бири хоҳишиш, бири кучли интилиш билан илм олади. Бу мавзуда кўп гапирилгани билан орамизда мазкур фарзга амал қилиш лозимлигини ҳали ҳам тўла ҳис қила олмайдиганлар ҳам бор.

Ота-она олти ёки етти ёшга етган фарзандини мактабга беради, чунки ҳукумат белгилаган тартиб шундай. Мактабни битиргач, бирорлари: «Шунча ўқиганинг етар, энди менга шаҳар олиб берармидинг?» дейди (Бу гап қизларга нисбатан кўпроқ айтилади, тўгрими? Бу ота-оналарга Расулуллоҳнинг (с.а.в.) «Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарзdir», деб марҳамат қилганларини эслатамиз. Мазкур шарафли ҳадисда «муслим» ва «муслима» деб алоҳида таъкидланишига эътиборни тортамиз. Кўп масалаларда умумий тарзда «мусулмонлар» ёки «Эй, иймон келтирганлар!» дейилгани ҳолда аёлларнинг илм олишлари фарз экани алоҳида таъкидланиши «қизларнинг ўқиши шарт эмас», дегувчиларга сабоқ бўлишини истардим). Яна бирорлари: «Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?» деб ҳам қўяди. Афсусимиз шуки, бу бемаъни талаб айрим ёшларга ёқиб тушади. Поданинг боқувсиз қолиб кетишидан ташвишланишлари яхши. Аммо бу ҳаракатлари билан комил одамийлик талабларидан бирини инкор этаётганларини ўйлаб кўрадиларми? Уларга «подани боқиши учун ҳам илм керак», дейилса, эҳтимол заҳарханда қиларлар. Балки уларга Суқрот ҳакимнинг «Ўқиб ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан,

«еган одамни тентак деб билмоқ керак», деган үкиматли гаплари жавоб бўла олар? Эҳтимол, ўфи Оллоҳёр ҳазратлари бу сатрларни айнан шундай биродарларимизга атаб битгандирлар:

*Агар бўлмаса илминг, э сабук сайд,  
Билур болинг ву болинг барчасин хайр.*

Демоқчиларки, э шошқалоқ инсон, илминг бўлмаса, сен учун фойда ҳам, зарар ҳам бирдир. Зоро, сенинг заиф фикрингча, гуноҳларингнинг барчаси ўзингга хайрлидай бўлиб кўринади.

Одам маймунсифат, ҳеч нарсани билмайдиган, чаданиятсиз ҳолда яратилмаган. Аллоҳ одамни илми қилиб яратган. Аллоҳ таборак ва таоло злчиси Иброҳим алайҳиссаломга: «Эй Иброҳим, Мен олимман ва олимларни яхши кўраман», деб марҳамат қилган. Жоҳиллик Одам болаларида кейинчалик пайдо бўлган. Одам кўз, тил ва қалб билан ҳайвонлардан фарқланади. Айрим ҳайвонларнинг кўзлари пиёладек келади, боши ҳам шунга яраша жуда катта бўлади. Аммо улар ўқиши ва илм олиш фазилатидан маҳрумлар. Яралмиш маҳлуқлардан инсонгагина илм раво кўрилган. Ҳеч қайси маҳлуққа берилмаган маърифат кийимлари Одам болаларига насиб этилган. Донишманд: «Хотинлар ипак кийимларини безанмоқ учун эмас, балки ўз гўзалликларини қўримоқ учун киядилар», деган экан. Одам ўз инсоний қиёфасини асрashi учун ҳикмат ва маърифат либосини кийиши шарт. Баъзилар қилиб қўйган номаъқул ишлари учун нолиб, «Мени шайтон йўлдан урди», дейдилар. Шайтон йўлдан оздиргани рост. Аммо билмоқ лозим: шайтон алайҳилаъна илмли одамни, айниқса, илмига тўла амал қилувчи одамни

йўлдан оздира олмайди. Илмга интилган киши энг яхши инсондир. Илмдан юз ўтириш — инсонийликдан юз ўтириш демак. Чунки илм инсонийлик тожи ҳисобланади. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг гурурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради.

*Яна бир ҳикмат бор: ҳазрати Одам —  
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.*

«Қутадгу билиг»даги бу байт бизнинг аждодимиз ким эканини эслатиб турмайдими? Тарихдан аўёнким, Одам болалари ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ илм сари, ўрганиш сари интилганлар. Ҳазрат Али (р.а.) дебдиларким: «Жаннатга кириш ҳайратланарли муваффақият эмас, маърифат — дунёning ўзида жаннатга эришиш демакдир». Уқув-идрок қоронги тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса машъаладан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолиқ беради. Ҳар қандай ҳурмат кишининг уқув-идрокидан келади. Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг, дейдилар. Заковат — ўзаро онт ичишиб дўйсталашган кишиларга ўхшаса, билим — яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тутиб олмоқ фойдалидир. Дўст-огайнилар, қариндош-уруглар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Шундай экан, билимсизлар-чи? «Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак, билимсизнинг тилини тушуниш қийин», деб бекорга айтмаганлар.

Билим — мисоли бир жилов, у одамни барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Илм эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига

эришади. Ақл-идрок әгаларининг нафи ҳар доим күпчиликка тегиб туради. Билимлилар элда азиз бўладилар, ҳурмат қозонадилар. Бутун ишлар уқув-идрок билан амалга ошади. Барчá мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Билимсиз кишилар — доноларнинг душмани. Билимсиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу үлар кўнглиниң туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати. Илмсиз одам сўқирга ўхшайдики, уни камситиб, четта суриб ташлаш инсофдан эмас. Балки кўр кўзни очиш учун билимдон илм хазинасидан унга нур бериши лозим.

Бақувват одамнинг жисмоний кучи доимий эмас, бугун бўлмаса, эртага тутгайди. Лекин илм мангу яшайди. Илм эгаси бадавлат бўлмаса-да, ўз иззат ва ҳурматини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига тилла занжир bogланса-да, ҳамма жойда ҳаром ҳисоблангани каби, илмсиз ва саховатсиз давлатманд ҳам кишилар нафратига дучор бўлади.

Илмли одамлар давлатнинг кўплигидан қувониб, озлигидан ранжимайди. Чунки илм шундай битмас ва туганимас хазина ва давлатки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши ҳам унга таъсир эта олмайди. Ҳар нарса кўпайса, қиймати тушади. Аммо илм ва одоб бундан мустаснодир.

Улуғларимиздан Абулқосим Замахшарий айтадилар:

«Хуш сифат ва яхши хулқлар билан зийнатланмаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди. Ернинг зийнати илм әгалари билан, кўкнинг зийнати юлдузлар биландир. Илм бир тог мисолидир. Бу тогдан ошув кўп душвордир, тушув эса осондир. Билувчи билан кўп

текшириб, янгилик кашф этган билимдон орасида фарқ каттадир. Капалак ҳам, қарчигай ҳам қанот қоқиб учади, аммо икковининг учиши бирдай эмас. Байт:

*Чин олим ҳийладан узоқдир, узоқ,  
Нурнинг ўз сояси бўлмайди ҳеч чоқ".*

Жаноби Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) аҳли аёллари Умму Салама (р.а.) ривоят қиласидар: «Ҳасан ёш бола эди, ҳазрати Расууллоҳнинг косаларидаги сувни ичиб қўйди. Расули акрам савол бердилар:

- Менинг косамдаги сувни ким ичди?
  - Ҳасан ичди, – деб жавоб қилинди.
- Шунда ҳазрати Расууллоҳ:
- Ҳасан қанча сув ичган бўлса, барчаси илм бўлсин, – деб дуо қилдилар».

Киши эгаллаган илм ёки ҳунар ҳеч маҳал унга зарар келтирган эмас. «Билимдонга бало йўқ», деб бежиз айтмаганлар. Илмсизлик ва ҳунарсизликнинг хорлик келтириши ҳақида ҳаётда миллионларча мисоллар мавжуд. До-нишманд дебдики: «Мен илм топа олмаган одам нима топганини, илм топган одам эса нима йўқотганини билсан эди...» Илм олишда диққат қилиш лозим бўлган жиҳат: бу дунёда билмаслиқдангина эмас, нотўғри билишдан ҳам ҳазар қиммоқ шарт. Зотан, бу барча ёмонликларнинг аввал боши ҳисобланади.

Ота-оналар орасида бир тоифаси борки, улар фарзандлари то коллежни (ёки лицейни) тутаттунларича уларнинг илм олишга муносабатлари билан қизиқмайдилар. Ўқишини тутатиш арафасида уни бирон олий ўқув юртига киритиш ҳаракатини бошлайдилар. «Фарзанд азиз-

дир», деган ҳикматта амал қилиб, пулларини аяマイдалар. Мазкур ҳикматнинг «одоби унданда азиз», деган иккинчи қисмини унутадилар. Одоб фақат илм орқали камолга етажагини ўйлаб кўрмайдилар. Фарзандни бирон жойга ўқишига беришдан аввал келажақда қанчалик моддий манфаат бўлишини ҳисоб қиласидилар. Камданкам ота-оналар «Фарзандимни халқча, Ватанга яхши хизмат қилиши учун ўқитишим керак», деган аҳдда бўладилар. Бу ўринда мен шундай ота-оналарни эмас, балки ақл ва зеҳнга суюнмай, пул эвазига олий ўқув юргита кириб, ўқищдан қувонувчи фарзандларни маломат қиласман.

Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг бу ҳикматлари эҳтимол уларга ибрат бўлар:

Замона аҳли аксар толиби қадр,  
Бўлай деб садри мажлис, қон қилур садр.

Дейилмоқчиким, бу замондаги илм истагувчиларнинг илм ҳосил қилишдан (яъни, илм олмоқликдан) мақсадлари халқ ичида ҳурмату обру топишдир. Бундай мақсад билан охират мажлисининг тўрида ўтиromoққа улар қандай қилиб мусассар бўлсинлар?

Албатта, бундай ният билан охират мартабасини топиб бўлмайди. Дейдилар: «Фарзандимни шарқшунослик институтида ўқитмоқчиман». Сўрайсиз: «Нечун?» Жавоб берарларки: «Хориж мамлакатларига бориб ишласа, кўпроқ пул топиб келади». Дейдилар: «Фарзандимни ҳуқуқшуносликка ўқитмоқчиман». Сўрайсиз:

«Нечун?» Жавоб берарларки: «Бу соҳада пул топиб, бойимоқ осондир». Демасларки: «Фарзандимни Ватанга яхши хизмат қилиши учун ўқитгум, фарзандим халқча яхши хизмат қилиш

учун илм олсин, сүнг илмига амал қилиб, эллинг дуосига етишсін ва шу йұл билан охират саройини қуриб олсин...» Навоий ҳазратлари бу хусусда шундай деганлар: «Илм ўрганмоқ — эътиқодни мустақамламоқ учундир. Аммо бойлик орттириш учун эмас. Саховатсиз бой ёгинсиз булаттга үшшайди. Илмиға амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшакка үшшайди.

*Ҳаммол нафис раҳт ила гар урса қадам,  
Йұқ нафъ анга гайри музд бир, икки дирәм».*

(Маъноси: Ҳаммол қимматбақо юк ташиса ҳам, унга бир, икки дирхамли иш ҳақидан бұлак фойда йүқ).

Илмли одамни олtingа, билимсизни эса сариқ чақага қиёслайдилар ва дейдиларки:

*Илм агар дилга урап — ёринг эрур,  
Урса танга, шубҳасиз, моринг эрур.*

(Агар илмни чин дил ва ихлос билан холисаниллоқ әгалласанғ, бутун ҳаётинг даврида огириңгни енгил қилиб юрувчи йұлдошинг бұлади. Агар дунё бойлигига етишмоқ мақсадида илм олсанғ, әгаллаган илминг илон бўлиб, тананғта чирмашади ва умринг бўйи сени азоблайди).

Юқорида зикр этилган бир неча салбий ҳолатларга учраб турғанимиз учун ҳам, айтадиганларимиз тақрор бўлса-да, мазкур мавзуни четлаб ўта олмаймиз.

Илм әгаллаш инсоний бурч, юксак масъулият-дир. Илм Аллоҳни таниш, ўзликни англаш, дунёни идрок этишнинг муҳим воситасиدير. Шунингдек, давлат құдрати ва мамлакат тарақ-қиёти асосида ҳам илм ётади.



Суюкли пайгамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «Ким илм ўрганиш учун йўлга отланса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осонлаштиради. Малаклар илм толибининг амалидан хушнуд бўлганларидан унга қанотларини ёзадилар. Ердаги ва самодаги барча мавжудотлар ва ҳатто балиқлар унинг гуноҳларини кечишини сўраб, Аллоҳдан унга афв тилайдилар. Олимнинг обиддан устунлиги мисоли тўлин Ой нурининг бошқа юлдузлар нуридан устунлиги кабидир. Шубҳасиз, олимлар — пайгамбарларнинг ворисларидир. Пайгамбарлар ўзларидан кейин на бир динор, на бир дирҳам қолдирилар. Ким илм олса, ўзига жуда улуг бир улуш олган бўлур». Яна бир ўринда бу ҳадис ривоят қилинади: «Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўздан афзалдир». Мазкур шарафли ҳадисни тўгри англамоқ лозим: бунда нафл ибодатлар инкор этилаётгани йўқ, балки улардан ҳосил бўлажак савоб билан илм олмоқликдан ҳосил бўлувчи савоблар миқдори қиёсланяти.

Мұхтарам Пайгамбаримиз (с.а.в.) илм олаёт-тиб, ё илм берәётиб вафот этган кишини шаҳид деганларким, бунинг ҳикматини англаб етсак, рўпарамиздаги кўп тўсиқларни енгиб ўта оламиз.

Илм — инсонийлик тожиидир. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг гурурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради. «Садақатул жория» деб аталмиш гўзал амал мавжудким, илм ҳам шу доирага киради. Илм туфайли қолдирилган, одамларга манфаат берадиган ёдгорлик шу олимнинг вафотидан кейин ҳам номай аъмолига ёзилиб турадиган савоб ёмгирини ёғдириб туради.

«Гулистан»да шайх Саъдий ҳазратлари бир ҳикоятни баён қиласылар:

«Миср вилоятида икки амирзода бор эди. Бири илм ўрганди ва бири мол жамъ этти. Охириуламр, бири алломаи аср бўлди ва бири Азизи Миср бўлди. Сўнгроқ ул бириким, мол жамъ этмиш эрди, илм ўргангонга ҳақорат кўзи билан қараб, деди: «Мен салтанатта етушдим, сен ҳануз бурунги масконатда турмишсен». Бу деди: «Эй биродар, Ҳақ таолонинг бу неъмати шукрин ҳаргиз адo қила олмасменким, пайгамбарлар меросин топмишмен ва сен фираъви ва Хомоннинг меросин топмишсен, яъни Миср мамлакатига подшоҳ бўлмишсен». Маснавий:

*Эрурмен нотавон ул навъким мур,  
Эмасмен нишсан ондокки занбур.  
Мунинг шукрин нечун қилгум мани зор,  
Ки эрмасмен қавиийю мардумозор.*

(Мен ниш санчиб озор берувчи арилардан эмасман, мен чумоли каби беозорманким, нечун бунинг шукронасин қилмай?)

Мақсадлари фақат бойлик бўлганлар унумасинларким, Сулаймонга (алайҳиссалом) илм, мол ва мулқдан биттасини танлаш таклиф қилингандা ул зот илмни танладилар. Сўнг унинг сабабидан молга ҳам, мулкка ҳам эга бўлдилар.

Шоирнинг бу сатрларига диққат қиласылар:

*Илм ҳам боқийдир, ҳам абадий у,  
Илмдан бошқаси саватдаги сув.  
Илмсиз киши нима? Ҳайвон эрур,  
Жонсиз тана, бир нақшсиз айвон эрур.*



Исломнинг асосларидан бўлган намоз, рўза, ҳаж, закот одам балогат ёшига етгандан сўнг фарзга айланади. Бироқ, илм олиш муддати бешикдан то лаҳадга қадар деб белгиланган. Яъни, она қорнидан тугилганидан то лаҳадга қадар бўлган давр мобайнида бани Одам илм олмоққа мажбур. Қуръони каримнинг 752 жойида «илм» калимасининг зикр этилиши бу мажбуриятни бажармоқ гоят зарур эканини таъкидлайди. Қудсий ҳадисда Аллоҳ таборак ва таоло марҳамат қиласидиким: «Эй одам боласи! Билгилки, саломатлик — бирлиқда, ихлос — тақвода, художўйлик — тавбада, ибодат — илмда ва бойлик — қаноатдадир». Демак, илм олмоққа зеҳни етарли бўла туриб, бу фарз амалига эътиборсиз юрган одам бурчини бажармаётган экан. Бу хусусда «Қутадѓу билиг»да ажиб ҳикмат бор:

*Билиг ўтран ашну топугقا ўкуш,  
Билигсиз топуг осғи булмоз улуш.*

Дейилмоқчиким, ибодатдан бурун илм ўрган. Билмасдан ибодат қилган билан савоб тегмас.

*Билигсиз топуг қилмишиндан кўрў,  
Билиглиг уюмиш муёни ўрў.*

Дейилмоқчиким, илмсизлик билан ибодат қилгандан кўра, илм билан ухлаганнинг савоби кўпдир.

Унутмайликким, ҳаётнинг чегараси бор, илмнинг эса чегараси йўқ.

Бадр урушида асирга олинган мушрикларни нима қилиш масаласи кўрилганда баъзилар

уларни ўлдириб юборишни айтдилар. Аммо асиrlарни маълум маблаг тўлаш ҳисобига қариндошларига бериб юбориш таклифи маъқулланди. Айрим асиrlар камбагал, уларни сотиб олувчи қариндошлари ҳам йўқ эди. Шунда Расууллоҳ (с.а.в.) болаларга илм ўргатишни озод бўлишларининг шарти этиб қўйдилар.

Одамлар икки тоифада: билувчилар, яъни илм олганлар ва билловчилар, яъни илм олмай жоҳил бўлиб қолганлар. Билим олганларни илмларига қараб даражаларга ажратиш мумкин. Илмни ўрганишни бошлаган-у, берилган зеҳн ва идрок неъматига хиёнат қилиб, дангасалиги, сабрсизлиги ёки лоқайдлиги туфайли давом эттирмаган. Буларни чала билимли десак, ранжишмасин. Идроки ва имконияти кўтарганича ўқиб ўрганган, аммо илмни тўла қамровда эгаллай олмаганларни ўртacha билимли деймиз. Юқори даражада мукаммал илмли олимларнинг мавқеи ҳар томонлама баланд. Бу хусусда Аллоҳ ўз қаломида биладиган зотлар билан билмайдиган кимсаларнинг баробар бўлиши душвор эканлигига бандалар диққатини бекорга тортмаган. Албатта, улар teng эмаслар. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг-чи: тилсиз ва қулоқсиз одам билан саломат одам тенгми? Тилсиз ва қулоқсиз одам имо-ишоралар билан сог одам вазифасини бажариши мумкин. Лекин илмсиз одам илмли кишининг вазифасини ҳеч қачон бажара олмайди.

Буқрот ҳаким айтгандаридек: «Агар киши ўзи мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди. Жангу жадал олови сўнади».


Шу ўринда бир масалага ойдинлик кири-тишга ҳаракат қилиб кўрайлик: илм олишга даъват этувчи оятлар ёки ҳадисларни айрим биродарларимиз фақат диний илм олишга хос деб шарҳламоқчи бўладилар. Уларнинг бу фикрлари тўгри эмас. Чунки дунёвий илмларга эга бўлмаган миллат асоратда қолади. Шунинг учун ҳам Расулулоҳ (с.а.в.) «Илм олиш учун ҳатто Чин мамлакатига ҳам боринглар», деганлар. Хитойда ислом дини илми мутлақо йўқ эди-ку? Бутпастлар мамлакатига бориб, фақат дунёвий илмларни ўрганиш мумкин бўлганлиги ҳақиқат эмасми?

Аслида илмни диний ва дунёвий деб иккига ажратиш тўгри эмас. Зоро, бу ажратиш насроний динининг меваси. Бу дин тарихида «инквизиция» (лотинчада «таъқиб» маъносини англатади) деган жаҳолат ва зулм даври бўлган. Католиклар оламида XIII асрда бошланиб, то XIX асрга қадар давом этган бу ҳаракатдан асл мақсад насроний эътиқодига зид бўлган таълимотларга қарши курашиш эди. Бу даврда неча ўн минглаб одамлар гулханда ёқилди. Булар орасида жодугарлиқда айблланган олимлар ҳам кўп эди. Ислом динида бундай жаҳолат бўлмаган, аксинча, барча илмларни олиш рагбатлантирилган. Дунё фанининг шарқда гуллаган, бекиёс даражада ривожланган даври айнан ислом тарихи билан баглиқ. Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино каби илм даҳоларининг фаолиятларини ёдга олсак, фикримизга далил бўлар. Ҳам дунёвий, ҳам ухровий илмни биргаликда олиб борилганига Амир Темур ҳазратларининг ҳаётлари ҳам мисол бўла

олади. Ул зот «Хофизул қуръон» бўлганлар. Қуръон, ҳадис, тавҳид, тафсир, фикҳ, тасаввуф илми билан бир қаторда тарих, фалсафа, жуғрофия, иқтисод, ҳарб, санъат, меъморликни яхши билганликлари тарихдан маълум. Ўзингиз айтинг: жуғрофияни билмай туриб жаҳонгир бўлмоқдик мумкинми эди?

Муфтий ҳазрат Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат келажаги ҳақида қайгуриб фикр юритар эканлар, «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур», деб таъкидлаган эдилар. Бу фикрнинг нақадар тўтри эканини англаш учун тарихга бир назар ташлаш кифоя. Шарқ мамлакатларининг қудрат топиши фақат илм билан бўлди. Бу мамлакатларнинг хорланиши, ўзга мамлакатларга қул бўлишлари эса илмнинг таназзулга юз тутиши, бошқачароқ айтсак, жаҳолат туфайли бўлди. Ҳа, гоят кучли мамлакатларни илмсизлик барбод этган. Илмдан юз ўтирган мамлакатлар ўзга мамлакатларга қул бўлишдан аввал ўз жоҳилликларига қул бўлган эдилар. Зеро, Суқрот ҳаким демишларким, «Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат». Нажот эса бир — Бухорий ҳазратлари ёзганларидаи, «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай». Қай миллат олам аро улугликни истабди, илм йўлини истамоги даркор. Дунё неча минг йиллардан бери илмсиз одамнинг улугланганини кўргани йўқ.

«Қутадғу билиг»да шундай ҳикматли сатрлар бор:



*Билиг бирла ёзлур қомуг терс тутун,  
Билиг бирла уқуш уқ тирилгил ўтун.  
Билиг ишқа тутқил тақий тил кўпি,  
Тақий ўтранутур усанма бу кун.*

Дейилмоқчиким: ҳар бир қийин ишлар илм билан ҳал қилинур. Шунинг учун ақлли бўл, илмли бўл. Ақл билан яша. Илмни тўғри тил билан ишлат. Яна бир тарафдан ўрганишни қўйма.

Илмнинг ҳамма турини эгаллашга барча ҳам қодир эмас. Чунки одамлардаги зеҳн даражалари ҳар хил. Шунинг учун дунёвий илмларни эгаллаш фарзи кифоя саналади. Мисол учун бир одам математиканинг гоят оғир масалаларини осонгина ҳал қилиб бера олса, бошқа одам бу формуулаларни идрок қила олмайди. Бошқа бир одамнинг лаёқати кимёда, яна бошқасиники табобатда...

Умидимиз юлдузлари бўлган азиз фарзандларимизни ўқиш жараёнида бир нарса қийнайди. Барчанинг бир даражада илм ололмаслиги ҳақиқат. Лекин катталар бу ҳолатни кўпинча тан олмайдиларким, илм толибларининг паришонлиги шундан. Бу ҳолатдан менинг ҳам кўнглим огрийди. Кўпгина оиласарда фарзанд бечора ўз зеҳнига муносабини эмас, балки отонаси истагига мос илмни эгаллашга мажбўр. Шу илмга унинг иқтидори борми-йўқми, ўйлаб ҳам кўрилмайди. «Фалончининг ўғли физик бўлибди, ўглимнинг ундан нима ками бор, у ҳам физик олим бўлади!» деб чиранадилар ёки «Фалончининг қизи уч ойда инглизчани

ўрганиб, бийрон-бийрон гапирадиган бўлибди, сен дангасасан, ҳали тўртта гапни эплаб гапиролмайсан!» деб уришадилар. Фарзандларининг зеҳни, қобилияти даражасига аҳамият бермайдилар. Типратикан боласини «юшогим» деб эркалаганидай, ҳар бир ота-онанинг фарзанди «энг ақлли бола»дир. Шу нуқтаи назарни маҳкам ушлаб олганлари боланинг умрини совурадилар.

Ўрни келганда олдинги сұхбатимизда бошлаб қўйгаи галимни давом эттирай:

Бу дунёда яшаб, илмга рагбат этмаган кишини ҳаммомга кириб ювинмай чиққан нодонга ўхшатишади. Шукрим, илм истовчи ёшлар кўп. Аммо улар орасида ҳаммомга гоят кўп миқдорда пул тўлаб киргандари ҳолда ювинмай юриш учун яна қўшимча ҳақ тўловчилар ҳам бор. Демоқчиманки, ота ёки она, амаки ёки тога фарзанди ёки жиянининг ўн икки йил ўқигани билан билимсиз эканини, илм олмоққа рагбати ёки идроки йўқ эканини билса-да, пул, ўз номи билан айтсак, пора эвазига олий ўқув даргоҳига киритадилар. Бу билан кифояланишса, олам гулистон эди. Афсус шундаки, ўша бола, илмга чанқоқ, аммо пули бўлмагани туфайли ўқишига кира олмаган зеҳн эгасининг ўрнини эгаллаб турган ўша думбул, бари бир илм олмайди. Тўртбеш йил мобайнида биттагина дафтарни дастмоя қилиб кўтаради-ю, бориб-келаверади. Имтиҳон чоғларида эса отасининг чўнтағи яна кавланади. Бундан айрим муаллимлар ҳам манфаатдорлар. Ўша «айрим муаллимлар» илм истагидаги идрокли бола ўрнига дангаса ва нодоннинг ўқиши-

та кириб қолганидан қайгурмайдилар. Жамият тақдири майли, ҳатто ўз фанларининг келажагини ўйламайдилар. Жамиятта хиёнат қиласидилар, фанга хиёнат қиласидилар. Илмиз болага диплом берилиши туфайли жамиятнинг озор чекиши уларни ташвишга солмайди. Пора бериб ўқишига кирганларни икки тоифага ажратиш мумкин: биринчиси, зикр этганимиздай, битта дафтарни кутариб олиб ўқишига бориб келувчи такасалтанглар. Иккинчи тоифа булардан ҳам ўтиб тушади. Бу тоифа бирон виждонсиз муаллимни топиб, унга синов дафтарчасини бериб қўяди, вассалом! Ўзи ўқишига мусасасига қадам босмайди. Синов дафтарчасига эса баҳолар қўйилаверилади. Оқибатда бу ноинсоф диплом ишини ҳам аъло баҳога ҳимоя қилиб ташлайди. Бундайларга ёшларнинг ўзлари «зачеткаси ўқиди» (синов дафтарчаси ўқиди) деб таъриф берадилар.

Иқтидорли ёшлар бу ноқобил тенгдошларини яхши биладилар. Улар билан бирга ўқиёттандарни учун кўнгиллари гашланади. Лекин бирон чора кўриш имконияти ҳозир уларда йўқ. Бу ҳолатларни кўриб, «Ҳаётда адолат йўқ экан» деган бадбин холосага ҳам келиб қоладилар. Биз ёшларимизни шу бадбинликдан эҳтиёт қилишимиз шарт. Тўгри, адолатсизликлар бор, лекин у узоқ йиллар давом этмаслиги керак. Бугунги ақлли ёшларимиз улгайтганларида бу адолатсизликларга барҳам бериш имконига эга бўладилар. Уларни кўпроқ шу ҳақда ўйлашга дაъват қилмогимиз зарур, токи отоналари замонидаги хатоларни қайтармаслик чорасини кўришига ҳозирдан тайёрланишсин.

Адолатсизликни күрганда «Менга нима?» деб құл сиңтаб қүйиш, лоқайд бўлиш касаллигига ҳозирдан чалиниб қолмасинлар.

Кейинги йилларда хорижга бориб ўқишига интилиш кучайди. Бу ҳаракатни бутунлай инкор этмаганимиз ҳолда деймизки, хорижда олинадиган илмни ўз юртимизда ҳам эгаллап мумкин. Чунки ҳам ухровий, ҳам дунёвий илмларда етук олимларимиз борким, баъзи соҳаларни хорижликлар келиб биздан ўрганишса арзиди. Бу борада фақат бир масала ҳал қилинса бас: ўргатувчига ҳам, ўрганувчига ҳам хориждаги шарт-шароитларни муҳайё қилиб берилса кифоя. Олдимииздан оқувчи сувни қадрласак, ўзимизга фойдадир (Биласизки, кейинги йилларда юртимизда дунёнинг йирик дорулфунулари Вейсмейстер, Турин, Сингапур университетлари, Россиянинг қатор олий ўқув юртлари ўз бўлимларини очганлар). Бизнингча, гап қаерда, ўқишида эмас, қандай ўқишида! Илмни ўрганишга чин ихлос билан киришиш керак. Ишига ихлоссиз киришган киши уни охирига етказа олмайди. Кейинги йилларда хорижга борган айрим ёшларимизнинг асл мақсадлари илм олиш бўлмаганини кўрдик. Таъбир жоиз бўлса, ўша айрим ёшларимиз илм толиби сифатида эмас, томошаталаб сайёҳ мақомида ўйнаб-кулиб бориб келишди. Илмга эмас, сайру томошаларга ижлос қўйишли. Яъниким, хориж ҳаммомига бориб, ювинмай қайтиб келишди. Номлари улуг: чет элда ўқиб келган! Аммо супраси қуруқ — бошда илм йўқ, бирон-бир ишни эплолмайди. Илм танбал ва ишёқмасларга насиб

этмайдиким, бу ҳам сизу бизни ўйлантириши лозим бўлган бир масаладир.

Айтишларича, бир одам арабчани ўрганишни ҳавас қилиб, илмли дўстларининг биридан олтин тахта устига бир неча арабча сўзларни ёзиб беришни сўрайди. Дўст илтимосни бажаради. У одам эса араб сўзлари ёзилган олтин тахтани уйига олиб боради ва унга ҳар замон-ҳар замонда бир қараб қўйиб, ниҳоят «арабчани жуда яхши билиб олдим» деган қарорга келади-ю, мажлисда арабча сўзламоқчи бўлиб, миси чиқади. Мажлис аҳлидан бири унинг илмизлигини фош этиб, кўпчилик олдида уялтиради. У жоҳил одам эса: «Мендан хато топа олмайсан, сен ёгоч тахтага ёзиб ўргангансан. Мен ўрганган олтин тахтага шундай ёзилган», деб газабланади.

Азизлар, шу ўринда сизларни яна танаффусга таклиф этаман. Ишониш унча шарт бўлмаган бу ҳангомага эътибор қаратайлик-чи, ҳажвчи назари билан қараганда бу масала қай тасвирда кўриниш берар экан?



## ЯНГИ ХАРИТА

Жаҳон харитасига ўзгартириш киритишининг қандай йўллари бор, биласизми? Ҳа, тўгри, бир маҳаллар бунинг учун урушлар қилинган, қонлар тўкилган. Лекин ҳозир ундан замон эмас. Харитага ўзгартириш киритувчи боланинг отаси бақувват бўлса бас. Тушуниб тургандирсиз, «бақувват» деганда биз чўнтакни назарда тутяпмиз. Бу жиҳатдан Бўтақулга гап йўқ. Ўглининг ақлига эса тан бермасдан илож йўқ. Энди ўтмишга бир оз назар солайлик. Бўтақулнинг пул санашни ўрганиши учун мактабда ўн йил ўқитишининг сира ҳам ҳожати йўқ эди. Шундай бўлса ҳам зўрлаб ўқитдилар. «Одамлар гап-сўз қилишмасин», дейишида-да. Ундан ташқари, у замонлар одамлар мактабда ўқимаган болага қиз бермай қўйишган эди. У замонлар «тест» деган дахмазалар йўқ эди. Имтиҳон олувчига биргина ишора кифоя. Бўтақул ўша ишорадан кейин имтиҳон олувчи билан юзма-юз ўтирган эди. Унга қўйиладиган баҳо аввалдан маълум бўлса-да, имтиҳон олувчи ирими учун унга савол берди: «Ньютон қонуни ҳақида нималар биласиз?» Бўтақулга Ньютон деган одамнинг номи сал таниш тулоғди-ю, аммо қариндошлари ичидан бу одам ким бўлиши мумкинлигини эслолмади. Шунда имтиҳон олувчи унга туртки бўлар деган умидда «Олмачи, олмани эсланг» деди. Бўтақул шунда эслади. «Россияга олма сотиш қонунини чиқарган масковлик хўжайин», деб жавоб берди. Имтиҳон олувчи «Россияга олма олиб бориб сотишнинг физика фанига нима даҳли бор?» деб ўтирмай, ўзича «Бу болага қолса, Ўзбекистонда узилган



олма Россияга бориб Ньютоннинг бошига тушгандир», деб құя қолди. Иккинчи саволни осонроқ қилди. «Беруний ким-у, Беллини ким?» деб сүради. Бұтақул «Беруний — шарқ алломаси, Беллини Европа композитори» деса, олам гулистон зди. Аммо бола тушмагур ўйлаб ўтирмай, «Булар иккови амакивачча» деб құя қолди. Имтиҳон олувчи ичидә «Пешонамнинг шўри!» деб қўйди, савол берган тилини чайнаб ташламоқчи зди, ҳали учинчи савол ҳам борлигини эслаб, бундан ўзини тийди-да: «Карра жадвални ёдлаб беринг», деб илтимос қилди. Бұтақул «Уч карра тўқиз ўттиз саккиз» дегунича чидағ ўтириди-да, ватъда қилинган баҳони қўйиб, енгил нафас олди ва қутулганига шукур қилди. Тагин ҳам Бұтақул гапдон бола зди, саволларга довдирамади. Бошқаларга ўхшаб оғзини очолмай турганида у шўринг қургур имтиҳон олувчи нима қиласди? Бұтақул шу тарзда ўқишига кириб, яна худди шу тарзда ўқиб, олий маълумот олди.

Үгли Тойлоқ мактабни битириб, уни ҳам олий маълумотли қилиш фикрига тущди. Тест дегани сал осонроқдир деса, чўнтакни зириллатиб юборар экан. Нима қиласин, фарзанд азиз, ўқиши ундан азиз деди-ю, харажатларига чидади.

Тойлоқ ҳам гапдонгина бола зди. Аммо бу имтиҳонларда гапдонликнинг сирайм ҳожати йўқ. Тойлоққа қийин саволлар тушмади. Биринчиси: «Франциянинг пойтахтини аниқланг. Жавоблар: Петербург, Пекин, Париж». Тойлоқ «биринчи жавоб ҳамиша тўғри бўлади» деб эшиштан зди. Шу жавобни танлади ва Петербург ўн минг доллар эвазига Франциянинг пойтахтига

айланди. Наполеон дод деганича қолаверди. Ишнинг шунаقا осон ҳал бўлишини билганида аҳмоқ бўлиб уруш қилиб юрармиди! Иккинчи савол «Уганда қайси қитъада жойлашган: Европа, Африка, Осиё». Тойлоқнинг марҳамати билан Уганда Африкани тарқ этиб, шу зайдада Европага кўчди. Яхшики, бирор унинг қўлига ёзувсиз (яъни, контур) харита бериб, Угандани шу Европага жойла, демайди. Дегандами, Франциями ё Германиями харитадан учиб кетган бўлармиди. Тойлоқ Ҳиндистоннинг пойтахтини “Америка” деб белгилагач, Африкани Крим ярим оролига жойлаштириди-да, имтиҳонлардан аъло баҳолар билан ўтди. Бу билимлар эвазига тўғридан-тўғри диплом талаб этилса ҳам бўларди-ку, аммо камтарлик юзасидан ўқиши лозим кўрди.

Бу ўттан йилги воқеа. Бир йил давомида Тойлоқ ўқишида катта ютуқларга эришди. Ҳатто тарихий шахслар таржими ҳолига аниқдиклар киритди. Унинг олиб борган илмий изланишлари натижасида Колумб 1917 йилда Бухорода туғилгани ва Самарқандни кашф этгани маълум бўлди. Жаҳон харитасини тўла ўзгартиришга эса улгурмади. Ҳозирча Австралия, Швеция, Албания ўз жойида турибди. Ҳали яна тўрт йиллик ўқиш бор, ҳафсала қилинса, йўқ, аниқроги чўнтак кўтарса, магистратура деган ўқиш ҳам бор.

Унгача харита кўрадиганини кўрас, балки унгача «Англиянинг пойтахти Бразилия» деган мавзуда диссертация ҳам тайёр бўлиб қолар. Айрим мамлакатларни эса Марс харитасидан излаб топармиз. Ўн минг доллар ҳисобига шунча ўзгаришлар қилинса яхши-ку, дейсизми? Шошилманг, ўн минг биринчи имтиҳон учун,

яъни хамир учидан патир эди. Кейингиларини биз билмаймиз.

Азизлар, кўрганингиздек жаҳон ҳаритасига ўзгатиришлар киритиш учун қийин иш бўлмай қолган. Агар сизнинг кўнглингизда ҳам шундай истак бўлса, ийманиб четда турманг. Чўнгтакни қаппайтиринг-у, отни суринг. Қани, олга!

\* \* \*

Илмли бўлиш инсонга ўз ҳурматини оширмоқ ва иззатини сақламоқ учун ҳам керақдир. Илм бошқаларга ўргатиш учунгина қўлга киритилса, одамнинг ўзи ундан бирон наф кўрмаса, усувидан барча фойдаланадиган, лекин ўзи бебаҳра булоққа ўхшаб қолади. Икки нарсадан: илм ва мол-дунёдан одам аввал ўзи фойдаланиб, сўнг бошқаларга улашиб бериши керак, дейдилар. Аммо мазкур фикрни бу шарафли ҳадис зидди деб тушунмаслик керак. Шарафли ҳадислардан бирида зикр этилишига кўра агар ерни одамга қиёсласак, ёмгир — илмдир. Ёмгиридан ернинг ўзи ҳам манфаат кўради, тўяди ва шунинг эвазига багрида экинлар ўстиради, мева беради. Батъзи ерларда сув тўпланади, кўл бўлади. Бу сувдан одамлар, жониворлар ичадилар. Айрим ерларга ёмгир ёққанининг фойдаси йўқ, сингиб кетаверади, гиёҳ унмайди. Ернинг ёмгир сувига тўйиши, сўнг мева бериши, багрида тўпланган сувдан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши илмга амал қилмоқликка бир ишора. «Ер тўйса, эл тўяди», деган мақолга кўра, агар ер тўймаса, унинг багрида униб-ўсувчи ўсимликлар мева ҳам бермайди.

Илмга интилган киши энг яхши инсондир. Илмдан юз ўгиришни эса инсонийликдан юз ўтириш деб билмоқ керак. Киши «Эртага нима

бұларкинман?» деб ғам чекмаслиги учун кунини илм билан нурлантириши зарур бұлади. Чunksи илм уни адаштирмайды, хайрли оқибат келтир-гувчи йұлларга етаклайди. Таңлаган йүлининг тұғри эканини киши қандай англайди? Агар илм топгани сайин кимсанинг кибри ўла борса, демек, у тұғри йұлда. Қуёш зулматни қувгани каби илм нури одамдаги ботил ишончларни кеткәздими, демек, унинг қаршиисида шараф дарвозалари очилибди. Ботидан юз үтирган одам илмни илм деңгизидан идишига сиққанича олаверади. Ҳамма нарсани йүқдан бор қылганни англаған ва билған одам оқибатда энг катта илмга эришган бұлади. Саҳрода адашған сайёхға күкдаги юлдузлар, ҳаётда адашғанларға эса олимлар йүл күрсатадилар. Илмни үрганишга киришмоқдан аввал ҳидоят йұлидаги устозға ихлос билан boglaniш керак. Таъкид этамизким, илмға ва устозға ихлоссиз bogланған кимса ишни охирiga етказа олмайди. Шунингдек, магрур ва нопок олимлардан илм олғанлар ҳам мақсадға етолмайди. Замонасининг энг аъло олими санаңса-да, ахлоқан бузук, жамоатға, жамиятта құшилмайдиган инсонлардан ҳар доим узоқроқ юриш ва сақланиш лозим. Зоро, бундай кишилардан күп заарлар келиши мүмкін. Олимларда учрайдиган ҳар қандай иллат бошқаларницидан күра заарлери оқидир. Олимлардаги ёмон хулқ юқумли хасталик сингари гоят хатарлидір. Унинг яхши инсонларға тез үтиб қолиш хавфи мавжуд.

Илмігі амал құлувчи олим — олам нуридір. Инсонлар шу нурға интиладилар. Тогларға чиқ-қанда киши роҳатланғани каби илмға рагбат қылған ақл әгаси олимларнинг ёнига борғанда,

ажиб бир ҳузур топади. Илмига амал қилмаган киши уйқусираган одам кабидир. Агар илм тилда қолаверса, қалб тирилмайди. Илмни оғзида қолдирашиб, ёмон амаллар қилғанлар Қуръони каримда китоб юкланган эшакка ўхшатилган. Кимки илмига мувофиқ иш тутмабди, эшаклиқдан қутулмабди. Бошқача айттанда, бундай ҳолат берилган зеҳн, идрок, ақлни исроф этмоқлиқдир. Масалан, кибернетика илмини эгаллаган кимса бозорда аёллар ичкүйлагини сотиб ўтирса, унга нима деймиз? Имом Газзолий ҳазратлари илмига амал қилмаган олимни бошқаларни кийинтиргани ҳолда ўзи ялангоч қолган игнага ўхшаттандар. Илмига амал қилмаган кишининг жоҳил ва нодондан фарқи йўқ, дейишади. Чунки «Илм билан амал — лафз ва маъно жиҳатидан бир-бирига мулоzим ва мувофиқдир. Чунки илмдан мақсад — амалдир.

*Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,  
Эмдики илм ўлди, амал айлагил».*

Ҳазрат Навоий яна таъқид этарларким: «Илм ўқиб, унга амал қилмаган — ерни ҳайдаб, уруг сепмаган ёки уруг сепиб, ҳосилдан баҳра олмагангага ўхшайди».

Имом Аъзам (р.а.) бу хусусда «Чўлда адашганда кўп озуқадан кўра адашмай тўгри юрилганда озгини озуқа қанчалик фойдали бўлса, илмга асосланган озгини амал ҳам жаҳолат ила қилинган кўп амаллардан фойдалироқдир», деганлар.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг ҳикматларида ўқиймиз:

Амал қилса олимлар дину ойин ёруқи,  
Кұрса бұлур аларни ранги-рүйи күркини.  
Амал қилмай қол илмин, үқүй  
билимай қолғанлар,  
Орқасига күттарур қирқ эшакни юкини.  
Хожамен деб лоф урма, ушбу дунё бепоён,  
Биламен, деб айтма, сен, күнгілдеги чиркини.

Саҳл Тустарий ҳазратлари таъкид этмишларким: «Олимлардан ташқари ҳамма ўлиқдир. Илмiga амал қилувчилардан бошқа барча олимлар сархушадыр. Ихлослилардан бошқа барча амал қилувчилар алданғандыр». (Илмсизлар ўлик каби дейилганда жисмнинг эмас, руҳнинг жонсизлиги назарда тутилганини англаб турибсиз, деган умиддамиз).

Имом Фаззолий ҳазратларининг қуида баён этилгүвчи ибратларини ҳар биримиз ёдда сақласак чакки бўлмайди.

«Ақлий ва шаръий илмларни ишгол қилган эдим. Жуда кўп талабаларим бор эди. Қарасам, турли эҳтиромларга ўралиб қолибман. Шунда илм олишдан мақсадимни тушунгандай бўлдим. Амалим Аллоҳ ризоси учун эмас, мақом савдоси ва шуҳрат орзуси йўлида экан. Билдимки, ҳалок бўлишим муқаррар. Жарнинг ёқасига келиб қолибман. Ўз-ўзимга: «Қани, тезроқ ҳаракат қил. Умринг оз қолди. Ўрганган илмларинг ҳақиқатга айланмас экан, бу бир алданишдир. Энди вақтингни бўш ўтказишда давом этаверсанг, оқибатинг нима бўлади?» дедим.

Шу пайт ўзимда бир ўзгариш сездим. Дунё ва дунё савдоларидан қочиш билан дунё орзулари ва охират орзуси ўртасидаги ҳайрат водийсида

олти ой жонсарак ҳолда қайгу ва кўз ёшлари ичиди қолдим. Юрагим изтироб чекарди. Нақадар ожиз эканлигимни тушуниб етдим. Ихтиёrimning қўлдан кетаёттанига томошабин бўлиб турар эдим. Давосиз дардга, чорасиз хасталикка дучор бўлган киши каби Аллоҳга ёниб-ёлбордим, тазарру айтдим. Ниҳоят, Намл сурасида: «... ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиласиган ва (унинг) мушкулини осон қиласиган...» дейилгани каби, Аллоҳ таоло дуоларимни қабул айлаб, қалбимни уйготди. Ичимдаги мол ва мақом орзузи йўқ бўлди. Ҳаммасидан юз ўтиридим.

Зикр, узлат, хилват, нафсни тийиш, риёзат ва ахлоқимни мукаммаллаштириш билан машғул бўлдим. Илмал яқин билан билдимки, Аллоҳга етишганлар ва ҳидоят йўлида юрганлар тасаввуф аҳли бўлган буюклар экан. Энг гўзал сийрат ва ахлоқ уларда экан. Зеро, уларнинг зоҳирий ва ботиний ҳоллари пайгамбарлик нуридан олингандир. Ер юзида эса пайгамбарлик нуридан ҳам порлоқроқ нур йўқдир».

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) сўрадилар: «Эй, Расулуллоҳ, охиратда сизнинг умматингиздан ёмонларнинг ёмонроги ва азобининг кўпроги қайси одам бўлади?» Ул саййид бул сўроқقا шу он жавоб бермадилар. Сўрагувчи киши уч марта такрор сўраганларидан сўнг Пайгамбаримиз (с.а.в.) дедилар: «Охиратда ёмонларнинг ёмонроги — илмларидан фойда олмай, амал қилмаган олимлардир. Ҳалқ орасида нима ҳукм қиласалар, пора учундир. Авомларнинг нафси ҳаволарига қараб юрган олимларга бериладиган азоблардан қаттиқроқ азоб ҳеч кимда бўлмас».



Жавобнинг савол уч карра қайтарилганидан сўнг берилишига сабаб: Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) олимлар ҳурматини сақлаб, уларни айблашга шошмаганларидаир. Аллоҳнинг ҳабиби онҳазрат ўша мажлисда яна дедилар: «Охиратда яхшиларнинг энг яхшироги — яхши олимлардир. Улар билган илмлари билан халқ орасида амри маъруф ва наҳийи мункар қиласидар. Юмшоқ сўзлар сўзлаб, фосиқлардан йироқ қочгувчи бўлурлар. Бойлару амалдорларнинг мажлисларига яқин йўламаслар. Ва буларга бойликлари учун тавозуз қиласлар. Ҳукмлари учун пора олмайдилар. Масжид йўлидан қолмай, баҳслар қилмайдилар. Ҳар қандайин замима ишлар бўлса, яхши олимлар барисидан йироқ бўладилар».

Оlam аҳлини тўгри йўлга бошловчи Пайгамбаримиз (с.а.в.) яна дедилар:

«Дўзахда бир азобли қудуқ (чуқурлик) бор. Ўша қаттиқ азобли қудуқни Аллоҳ таоло «Жуббул ҳузн» («Қайгу қудуги») деб атади. Ул қудуқ риёкор қорилар учундир. Булар шундайин олимларки, илм топиб, риёкорлик билан халқ орасида ниятлари фақат обрў-эътибор топиш бўлган».

Уламоларнинг тушунтиришларича, у қудуқ жаҳаннам ўртасида жойлашган. У чуқурнинг ҳайбати-ю азоби кўплигидан жаҳаннамнинг ўзи Аллоҳ таолога ҳар куни тўрт юз марта мадад сўраб сигинар экан.

Шайх Саъдийдан ўқиймиз:

«Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй зуҳурга еткурдилар. Бири улким, кўп мол йигинди ва емади. Яна бири улким, кўб илм ўрганди ва амал қиласиди. Маснавий:

*Илм аро гар ваҳиди давронсан,  
Амалинг бўлмас эрса нодонсан.  
Топмогунг дониш аҳли ичра ҳисоб,  
Бир эшаксен, сенга юқ ўлди китоб,  
Бўлмагай ҳаргиз ул эшакга хабар,  
Ўтун устида ё эрур дафтар.*

Илмни ўрганмак дунё учун, неъматни емакга  
vasila ва равеш қилмоқ учун эрмастурур. Байт:

*Илм сотмоқга кимки юз ўрди,  
Жамъ этиб хирман ўтга куйдирди.*

Ҳикмат: «Парҳезкор бўлмаган олим машъа-  
ладор бўлғон кўрдур. Ўзгани йўлға солур ва ўзи  
йўлдин қолур. Байт:

*Илмдин ҳар кишики олмади ком,  
Бир матоъ олмай этди зарни тамом».*

Эрон шоҳининг вазири Бузургмехрдан: «Илм афзалми ёки мол?» деб сўрашди. «Илм», деди вазир. Яна сўрадилар: «У ҳолда нега олимларни бойларнинг эшигида кўрамиз-у, бойларни олимлар эшигида кўрмаймиз?» Жавоб бўлдиким: «Чунки олимлар молнинг фойдасини билади. Бойлар эса илмнинг фазлини билмайди». Ажаб ва доно жавоб! Олим билади. Бой бутун бойлигини сарфлаганда ҳам сотиб ололмайдиган илмнинг фазлини билмайди. Мана шу жиҳати билан бой, гарчи олимни ўзининг эшигида хизмат қилдирса ҳам, дараҷа жиҳатидан олимдан анча паст туради.

Адабиёт дарслигида ўқиган бўлсангиз керак:  
Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» саҳна

асарларида ўглиниң илм олишига рагбат күрсатмаган бойнинг фожиаси күрсатилган. Аммо уларда илм аҳли билан давлатмандалар бир-бирларига зид қўйилмаган. «Бойларниң ҳаммаси илмсиз бўлади», деган хулоса эса ноттўгридир. Чунки ҳалол йўл билан топиладиган бойликка илмсиз эришиб бўлмайди. Бундан ташқари истеъоддли ёшларниң илм олишлари учун ҳиммат қилган бойлар ўтмишда каммиди? Бутунги кунда ҳам шундай ҳиммат эгалари бор. Улар илм учун сарфлаган маблагларига яраша эл ардогига етишадилар.

Илм олмоқлик афзal, илмга амал қилмоқлик зарур экан. Илм ўргатувчи ҳақида нима деймиз?

Пайгамбаримиз (с.а.в) бу хусусда: «Ким бирорвга бир нарса ўргатса, ундан ўрганиб амал қилган одам савобича савоб олади», деб марҳамат қилганлар. Яна таъкид этгандарким: «Инсонларга яхшиликни ўргатиб, ўзини унугтан киши инсонларга ёруғлик таратиб, ўзини эритган мум кабидир».

*Киши икки турлуг киши отанур,  
Бири ўргатигли, бири ўтранур.  
Икидин нару борча йилқи сони,  
Тиласа муни тут, тиласа они.*

«Қутадѓу билиг»да таъкид этиляпти: инсонлар бири ўргатувчи, яна бири ўрганувчи деб икки турли бўлур. Бу иккисидин қолганини йилқи санаб, истасанг бу йўлни, истасанг у йўлни тут. Бу фикр сизга қўпол туюлиши эҳтимоли бор. Лекин холис ўйлаб кўрайлик, киши бир нарсани бошқаларга ўргатмаса, ўзи ўзгалардан ўрганмаса, унинг ҳайвондан нима фарқи қола-

ди? Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи айнан шунда эмасми?

Умидимиз юлдузлари ҳисобланмиш азиз фарзандимиз түгилиб, беш-олти кунлик бўлганларида бешикка белайдилар. Оналар кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳаракат қилиб, фарзандларини тарбия қиласидар, оғринмасдан эмизиб вояга етказадилар. Қачонки олти-етти ёшга етганида мактабга берадилар. Мактабда муаллимлар уларга меҳр билан таълим-тарбия берадилар. Шу боис мактабни «ilm бешиги» деб ҳам атайдилар. Бу бешикда фарзанд илм ва одоб ўрганиб, ақл ва фикрларини ўстиради. Бола чогида тан саломатлиги қанча зарур бўлса, ақли ва фикрининг саломатлиги ҳам муҳимдир. Чунки ақл ва фикрсиз тандан на ўзи учун, на бошқалар учун фойда бор. Шунга кўра, биринчи бешикка қараганда иккинчиси афзал кўринади. Биринчи бешикда сут ва таом бериб боқсан она ва ота қанчалик азиз бўлса, иккинчисида илм ва одоб ўргатиб таълим-тарбия берган муаллим ундан ортиқ азиздир.

Тарихга шон-шараф берган буюк давлат арбоблари улуг устозлар парваришида етишган эдилар. Бу устозлар ўз тарбиясидагилар қалбига масъулият ва марҳамат туйгуларини жойлаштирганлар. Инсоният тарихида ўтган шоҳу сultonларнинг сон-саноги йўқ. Лекин уларнинг оз қисмигина кишилик хотирасида қолган. Тарих зарварақларида номлари нақш этилган шахслар ҳаётига разм солсак, уларнинг доно устозлардан сабоқ олганларига гувоҳ бўламиз. Доно устоздан сабоқ олмоқ бир масала, бу сабоқда амал қилмоқ янада муҳимроқ масала. Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобур ҳаз-

ратларининг устозларга кўргазган меҳр-илти-фотлари бизга маълум. Мирзо Улугбек ёшлик чоғларида, гарчи шаҳзодаларга хос одат бўлмасада, устозлари Қозизода Румий ҳазратларининг тўнлари этагини ўпган эканлар. Мирзо Бобур Самарқандга лашкар тортиб келганларида Хўжа Аҳрор Валий ҳазратларининг беҳуда қон тўқмаслик хусусидаги ўтитларига амал қилиб, жанг қилмай изларига қайтганлар. Амир Темур ҳазратларининг хотираларида устозларнинг мартабаси хусусидаги ибратли гапларни ўқиймиз:

“Мени ёшлигимда ўқитган мулла Алибек деган кишинининг оғзида тиши йўқ бўлса ҳам, маҳалла болаларига Қуръон таълимни бериб, хат ёзишни ўргатар эди. Мен етти ёшимда бу одамнинг мадрасасидан чиқиб, Шайх Шамсиiddиннинг мактабхонасида ўқидим. Мен Кеш шаҳрини бино қилдираётган чогимда у одамнинг вафот этиб кеттанига хийла вақт ўтиб кетган эди. Устозларимдан Шайх Шамсиiddиндан қолган фарзандларининг ҳаёт вазияти ёмон эмас бўлса ҳам, Мулло Алибекнинг фарзандларида қийинчилик борлиги кўрунур эди. Бу аҳволни кўзда тутуб, устозим Мулло Алибекнинг фарзандларининг ҳар бирига бир донадан уй солиб бериш билан уларни узилмас маош билан таъминлашни волийларимга таъкидлаб, амр берган эдим.

Шу мавзу устида Шом шаҳрида кўрушганим Ибн Холдун деган зотнинг бир ҳикматлик сўзи ҳамон ёдимда эди. У одам бундог дер эди: «Аллоҳ таоло инсонларга берган саломатлик неъматидан кейинги неъмати, улуг одамлар билан дўст қилмоқ неъматидур. Чунки улўғ

«Дамнинг дўстлиги орқасидаги кишилар, тилак за орзуларига эришиб, ҳалқ орасидаги ўрни за ҳашамати ҳам юқорилайдур», деб эди. Бу ҳикматлик сўздан ташқари ўз идрокимда шундай бир гоя ҳукмфармо эдики, «Менга нисбатан ҳар қандай жиҳатдан дўстлиги зоҳир бўлган, озу кўп ҳизматлари сабоқ айтган зотларнинг ўзларигина эмас, авлодлари ҳам майшат тўғрисидан қийналар экан, бу менинг паст фитратлигимга далил бўлгай, деб тушунар эдим. Бу умумий кўз қараш орқасида ёлгиз Мулло Алибекнинг авлод, афродларигина эмас, киндигим қони тўкилган, кўзим очилганда биринчи марта шу шаҳарни кўрган, мен билан бирга бу шаҳарда ҳаёт кечирган эркак-хотунларнинг барчасининг устозларим каби зиммамда ҳақлари бор эди. Буларнинг бир ҳамشاҳарлари дунёга ҳоким бўла туриб, қийинчилик ичида яшамоглари муносиб бўлмагай, деган фикрда илгаридан Кеш шаҳрининг бўлиб келган ўз қуввату лоёмутига ҳожатманд қадим ерлик кишилардан бўлмоги шарти билан тугулган шаҳримда бирорта факир одам бўлмаслиги учун доимий ойлик тайин қилдим. Бирор одам оила таъминотидан қийинчилик кўриб гамлик бошини тиззасига қўймаслигининг тадбирини кўрдим».

Бу гапларни ўқиб, ўйланиб қолдим: Амир Темурдан олдин ва кейинги йилларда отала-ридан сўнг таҳтга ўтириб, саройдаги илм аҳлининг қадрига етмай хорлаганлар ва оқибатда ўзлари хорланганларга шундай васият қилинчаганмикин? Қилингандир. Илм аҳлининг қадрига етган подшоҳ уларнинг келажагини ўйлаши табиий ҳолдир. Кўзлари хазинадаги олтин жилосидан кўр бўлган таҳт ворислари бу ва-

одамнинг дўстлиги орқасидаги кишилар, тилак ва орзуларига эришиб, халқ орасидаги ўрни ва ҳашамати ҳам юқорилайдур», деб эди. Бу ҳикматлик сўздан ташқари ўз идрокимда шундай бир гоя ҳукмфармо эдики, «Менга нисбатан ҳар қандай жиҳатдан дўстлиги зоҳир бўлган, озу кўп хизматлари сабоқ айтган зотларнинг ўзларигина эмас, авлодлари ҳам майшат тўғрисидан қийналар экан, бу менинг паст фитратлигимга далил бўлгай, деб тушунар эдим. Бу умумий кўз қарашиб орқасида ёлгиз Мулло Алибекнинг авлод, афродларигина эмас, киндигим қони тўкилган, кўзим очилганда биринчи марта шу шаҳарни кўрган, мен билан бирга бу шаҳарда ҳаёт кечирган эркак-хотунларнинг барчасининг устозларим қаби зиммамда ҳақлари бор эди. Буларнинг бир ҳамشاҳарлари дунёга ҳоким бўла туриб, қийинчиллик ичида яшамоглари муносиб бўлмагай, деган фикрда илгаридан Кеш шаҳрининг бўлиб келган ўз қуввату лоёмутига ҳожатманд қадим ерлик кишилардан бўлмоги шарти билан тугулган шаҳримда бирорта фақир одам бўлмаслиги учун доимий ойлик тайин қилдим. Бирор одам оила таъминотидан қийинчиллик кўриб гамлик бошини тиззасига қўймаслигининг тадбирини кўрдим».

Бу гапларни ўқиб, ўйланиб қолдим: Амир Темурдан олдин ва кейинги йилларда оталиридан сўнг таҳтга ўтириб, саройдаги илм аҳлининг қадрига етмай хорлаганлар ва оқибатда ўзлари хорланганларга шундай васият қилинмаганмикин? Қилинганцар. Илм аҳлининг қадрига етган подшоҳ уларнинг келажагини ўйлаши табиий ҳолдир. Кўзлари хазинадаги олтин жилосидан кўр бўлган таҳт ворислари бу ва-

сиятни назар-писанд қилмаганлар. Натижада, тириклик чоглари элнинг қаргишига қолдилар, ўлгач, номлари қора билан ёзилди...

Искандар Румий (Александр Македонский)-нинг Арасту (Аристотель) исмли устози бор эди. У билан bemаслаҳат иш қилмасди. Устози саройга кириб келса, ўрнидан туриб, иззат билан кутиб оларди. Ҳатто уни ўз отасидан ҳам ортиқроқ кўрарди. Бир куни Искандар Румийдан: «Нечун Арастуни отангиздан ортиқ иззат қиласиз?» деб сўрадилар. Ул дедики: «Отам гўёки мени осмондан ерга туширди. Аммо устозим Арасту мени ердан осмонга кўтарди» (Яъни, отам мени дунёга келмогимга сабаб бўлди. Устозим илм ва одоб ўргатиб, мартаба ва иззатимнинг ортмогига сабаб бўлди).

Яна ҳукмдорлардан бири Султон Салим Мисрни забт этиб, Истанбулга қайтаётган эди. У қўшин олдида устозлари, мулоғимлари, шайхулисломлар қуршовида эди. Зафар машқлари чалинганда ибн Камолнинг оти ҳуркиб сакради-ю, Султоннинг сут каби оппоқ либосига лой сақради. Буни кўрган ибн Камол қўрқиб кетди. Бошқалар ҳам подшоҳнинг газабланишини кутдилар. Аммо Султон Салим дедики:

– Бу либосимни олиб, сақлаб қўйинг. Бу либос шундайлигича, лойи билан сақлансин!

Вазирлар бу буйруқ ҳикматини, сабабини сўраганларида Султон Салим шундай жавоб берди:

– Муҳтарам зот отининг оёғидан саҳраган лой бизнинг шарафимиздир, у охиратда васиқаи баротимиз бўладир. Либосимизга теккан лойни

кўриб, авлодимиз ҳам ибрат олсинлар, уламо отининг оёғидан сачраган лой бизнинг назаримизда қанчалик қадрли эканлигини дунё тургунча авлодимиз хотирласин.

Бу ҳикоятларга ҳазрат Навоийнинг «Бир ранж ила ҳарф ўргатган устознинг ҳақини дунё ганжи билан адо этиб бўлмайди», деган ҳикматлари илова этилса, узукка кўз қўйгандай бўлади.

Не афсуски, устозлар ҳақини адо этишни ўйламайдиганлар ҳам бор. Мактабларда устозларни ранжитувчи ўқувчиларни учратиб турмиз. Айрим ота-оналар фарзандлари олдида устозларни ҳақорат қилишдан ҳам тоймайдилар. Устозига меҳр ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган ва ўрганишни истамайдиган баҳтсиз талаба бир умр фақат ўзигагина меҳрибон ва фақат ўзинигина ҳурмат қилувчи худбин бўлиб қолади. Саҳро тиконини экиб, гул оламан деган одам ақлли одам эмасдир. Ўзига илм-ирфон ўргатувчи устозининг қадрини билмаган одам Ватан, миллат учун фойдали бир одам бўла олмайди.

Шу ҳикоятлар баҳонасида икки мазмун англатувчи бир мақолга изоҳ бермоқ зарурати туғидди. Устозларнинг мавқеи ҳақида гап кетганда айримлар бу мақолни «Устоз отангдан улуг» тарзида, бошқалар эса «Устоз отангдек улуг» шаклида баён қиласдилар. Бунга сиз нима дэйсиз? Қайси бири тўгри? Фарзанд учун одамлар орасида отанинг мавқеидан баланд зот йўқ. Лекин ота ўрнида кўриб ҳурмат қилинадиганлар бор. Демак, устоз отадек улуг экан. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: ота фарзандини

боқишига, тарбия қилишга мажбур. Лекин устоз айнан шу фарзандга илм беришга мажбур эмас. Агар «Бу болани ўқитмайман» деса, айбли саналмайди. Шу боис ҳам унинг отага нисбатан улуглиги мавжуд. Ҳазрат Али (р.а.) «Менга бир ҳарф ўргатган кишининг хизматкори бўлишга тайёрман», деганлар.

Бугунги ёшлар — шогирдлар орадан бешён ыйл ўтиб, устозлик мартабасига етадилар. Унутмаслик шартки, устознинг шогирдга биринчи галда ўргатадиган хулқи — камтарлик бўлмоги шарт. Бу хулқни шогирдга сингдиришда ўз хулқи билан намуна бўлмоги талаб этилади. Чунки манман, кибрли устознинг шогирдини камтаринлик шоҳсупасига қўтарганини ҳали тарих кўрган эмас. Манман олимнинг ҳамкасларга ёмонлик қилиши бир нохушлик, энг асосий нохушлик — у ўз кибри туфайли илмнинг керакли чўққисини забт этиб бўлдим деб ўйлади ва ўсишдан тўхтайди. Манман олим юқорига қарамайди, ўз оёги остидан кўз узмайди. Шунинг учун илмдаги юқори чўққиларни кўрмайди. Афсуски, бундайлар кам эмас. «Мадрасада ўқиганим кифоя, илмим битта масжидни тебратиб туришга етиб ортади», дейдиганлар ёки «Диссертацияни бир амаллаб ёқлаб олдим, энди умримнинг охиригача дам оламан», деб адашувчилар ҳам бор. Буларга бир ҳикоятни эслатамиз:

Эрон шоҳи ҳузурига Румдан бир элчи келди. Шоҳ вазири Бузургмеҳрнинг донолигини элчига маълум қилиб қўйиш мақсадида:

«Эй Бузургмеҳр, дунёда нимаики бўлса, сен ҳаммасини биласан-а?» деб сўради. Шоҳ ва-

зиридан «ҳа, биламан» деган жавоб күттган эди. Аммо вазири «билмайман», деб жавоб қылди.

Элчининг олдида мулзам бўлган шоҳ газабланиб сўради:

«Ҳамма нарсани ким билади?»

«Ҳамма нарсани ҳамма билади, аммо ҳамма ҳали онасидан тугилган эмас», деб жавоб берди доно вазир.

Яна бир доно вазирдан савол сўрадилар. «Билмайман» деб жавоб берди у. Яна сўрадилар, яна шу жавоб: «Билмайман». Шунда ажабланиб дедилар: «Шоҳ сизни доно вазир деб катта миқдорда ҳақ тўлайдилар-у, билмайман дейишга уялмайсизми?» Доно вазир деди: «Подшоҳ менга билганларим учун ҳақ тўлайди. Агар билмаганларим учун ҳам тўласа, етти иқлиминг хазинаси етмаган бўларди». Бу доно жавобларда камтарликнинг гўзал кўриниши мавжуд.

Устозлик ва шогирдлик бобида кишининг ёши аҳамиятли эмас. Илм олиш муддати лаҳадга қадар экан, фарзанди ҳатто набираси тенги устоздан ҳам илм олишга тўғри келади. Катталар аввалига болаларига илм ўргатадилар. Сўнгра ўзлари улардан ўрганишга ҳожат сезадилар. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади. Чунки фан янгиликларини ёшлар кузатиб борадилар ва тез эгаллайдилар. Ўз ташвишларига ўралашиб юрувчи катталар эса бу янгиликларни вақтида сезмайдилар ёки сезсалар ҳам тан олгилари келмайди. Шу боис ҳам фанда ёш олимлар билан катталар орасида тез-тез зиддият ва ихтиофлар чиқиб туради. Илм олишдан тўхтаб, қотиб қолган, ёшлардан ўрганишни истамаган катта олимлар фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатадилар.

Ҳазрати Умар (р.а.) илмни ёшлиқда эгаллаш керак деб билганлар. Чунки ёш улгайгач, киши ёшлар билан бирга илм олишга уяла бошлайди. Айниқса, бирон мансаб эгаси құл остидаги ёшлар билан бирга ўтириб илм эгаллашдан ор қиласы. Илм ёшлиқда эгалланса, онға нақшланиб қолады. Ҳазрат Умар «ёшлар билан илм олишга уялсанг, үқимай құя қол» демоқчи эмаслар, балки шундай ноўрин ҳолатлар учраб қолишидан огохлантирмоқчилар.

Бир донишманнан сұрабдилар:

– Қандай қилиб илмнинг энг юқори чүққисига чиқдингиз?

Донишманнан деди:

– Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сүрадим. Бу түгрида уялмадим, номус қилмадим. Үзимни юқори тутиб, мутакаббир бұлмадим.

Шу олимнинг ҳаёти барчамиз учун ибратдир. Чунки илм сұрашдан истиҳола қилинмайды, балки илмсиз юришдан уялиш керак бұлады.

*Уялма маърифатни ўрганурдин,  
Танур жойинг бұлур қолсанг танурдин.*

«Сабот ул-ожизийн»даги бу байтнинг мазмунни будир: оқыл киши илмни ўрганишдан уялиб ўтирумайды. Нақадар қари бұлса ҳам ўзидан кичиклардан ва катталардан сұраб ўрганмоқса қасад қиласы. Зоро, киши орланиб илмни ўрганмай қолса, оқибатда дүзахга борур. (Байтда зикр этилган биринчи «танур»да «тандир», «үчоқ» маъносида, яъни дүзах үчоги

назарда тутилади. Иккинчи «танур» танимоқ, яńни билмоқ маъносида келади.)

Ҳазрат Навоий ёзганлар: «Билмаганни сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра-қатра йигилиб, дарё бўлур. Ўрганишдан қочган — дангаса, ўрганишдан қочиш учун юзига важбаҳона эшигини очган — ишёқмас. Заҳмат чекиб илм ўрганган — донишманд.

*Илмдин орий улуснинг жоҳили худномаси,  
Ўрганурга жиҳду жаҳд этган жаҳон алломаси».*

(Илмдан четда қолган одам халқ орасидаги қайсар, жоҳилдир. Ўрганишга қаттиқ киришган эса жаҳон алломасидир).

Илмни эгаллаш қай пайтда афзал деган муаммога донишманлар турлича жавоб берганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд илмни фурсат бўлганда ўрганавериш керак, чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди, деб таъкидлаганлар. Кўпгина манбаларда илмни ёшлиқда эгаллашга даъват этилади. Буни «илмнинг асосларини ёшлиқда эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқлик даркор» маъносида англасак, дуруст бўлади ва бу бизларни катта ёшга етганда илм олишдан тўхтаб қолиш касалидан қутқариб қолади.

Умар Хайёмда шундай рубоий бор:

*Акнун ки гул-и саъодатат пур бораст,  
Даст-и ту зи жом-и май чиро бакораст.  
Май хўр ки замона душмане ғаддораст,  
Дарёфтани рўз-и чунин душвораст.*

Рубоийнинг лугавий мазмуни: Ҳозир саодатнинг гули серҳосил пайтда нега қўлинг май жоми билан машғул эмас. Май ичиб қол, чунки замона ўта бевафо душмандир. Бугунгидаи кунни топиш қийиндир.

Мазкур рубоийни шарҳлашдан аввал бир эслатмага эҳтиёж сезилди. Шеъриятда истиора, яъни бадиий ўхшатма бўлади. Шунга кўра рубоийдаги, «май» сўзи ароқ ичимлиги эмас, балки «ҳақиқат маърифати» маъносини англатади. Бадиий адабиётдаги бу услубни яхши англаш сизларни адашишлардан асрагани туфайли мавзутга мурожаат қилишни лозим топдик.

Демак, мумтоз адабиётда учровчи «май» ва «жом» сўзларини тўтридан-тўгри тушунмаслик керак. Устоз Алийбек Рустамий юқорида зикр этилмиш рубоийнинг асл маъносини бундай тушунтирадилар: куч-қувватга тўлган, саодат гулидан мўл ҳосил олишинг мумкин бўлган ҳозирги навқирон пайтингда ўзингни ўзинг ичкилиқ билан заҳарламасдан ва бошқа беҳуда ишлар билан машғул бўлмасдан ирова қўлини ишга солгин-у, кўнгил жомини маърифат майи билан тўлдир, кишини бадбаҳт қиладиган ичкиликни эмас, саодатта мушарраф этадиган маърифат майини ҳозир имкон борида ичиб қол. Чунки замона ҳозирги ёшлигиндан, куч-қувватинг ва имкониятингдан ва охири жонингдан ҳам сени жудо қиладиган гаддор душмандир. У сени қаритиб, турли дардларга мубтало қилганда бундай кунларни тополмайсан ва бу дунёдан ўқинчу надоматлар билан ўтасан.

Илмдан баҳраманд бўлиш кишига беадад ҳузур ва лаззат багишлайди. Ҳақиқий маърифатга

эришган одамнинг нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар, дейдилар. Чунки маърифатли одамнинг ўй-хәёли илм билан банд бўлади, бирорга душманлик қилишни ўйламайди. Мирзо Бедил ҳазратларининг «Кимки ҳаёт шамини илм нури билан ёқса, ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди» деган ҳикматларини тарих улуг алломалар ҳаёти мисолида тасдиқ этади. Мавзуни давом эттириш учун Ҳофиз Шерозийдан бир байт ўқиймиз:

*Аё, аййуҳа-с-соқий, адир каъсан ва новилҳо,  
Ки ишқ аввал намуд осон,  
вала ўфтод мушкилҳо.*

Лугавий маъноси: Қани эй Соқий, бир косани айлантириб, уни менга ҳам етказ. Чунки ишқ аввал осон кўриниб, кейин қийинчиликлар юз берди.

Байтга яширинган маъно: Соқийдан мурод — маърифат тарқатувчи. Косадан мақсад — маърифатдир. Ишқ эса маърифат ишқидир. Шунга кўра байтни бундай тушунамиз: Эй маърифат ошиқларининг Устози! Менга маърифат идроки аввал осондек кўринган эди. Аммо бунинг кўпгина қийинчиликлари чиқиб, менинг унга бўлган ишқимни сусайтира бошлади. Шунинг учун сен даврангта йигилган шогирдларингни, жумладан мени маърифат сирларидан бир озгина огоҳ қилиб, совиётган кўнглимни қиздир.

*Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур,  
Ҳар кимки, бу кун дунёда ҳушёр топилса.*

«Гул даври»дан мурод — умр баҳори. Яъни, кишининг илм ўрганадиган ёшлиқ даври. Бода, яъни майдан мурод — маърифатдир. Бу байтни «баҳорни ичкиликбозлик қилиб, кўнгилни айнитиб, бошингни оғритиб ўтказ» деб англамоқ нодонлиқдир. Байтнинг асл мазмуни будир: умрдан яхши ҳосил олиш учун унинг гул давридагидек гуллайдиган, ҳосилга замин тайёрлайдиган ёшлиқ даврида ҳаром ичкиликни эмас, маърифат бодасини ич. Кимки бу дунёда маст қилувчи ичкилик туфайли эс-ҳушини йўқотса, ҳунар ўрганиб, илм олиб, ҳақиқат сирларини билишга интилиб, камолот ҳосил этишга ҳаракат қилмаса, уни ақлли киши деб ҳисоблаб бўлмайди.

Бобур Мирзода бир байт бор:

*Баҳор айёмидур доги йигитликнинг авонидур,  
Кетур соқий, шароби нобким,  
ишрат замонидур.*

Агар бузуқ шеърият нуқтаи назаридан тушунсак, йигитлик чогида айш-ишрат қилиб ол, деган маъненинди уқамиз. Ҳолбуки, Бобур Мирзо бундай ишратларга қарши бўлганлар ва ул зотнинг май ичишни тақиқлаш ҳақиқдаги фармонлари тарихдан машҳурдир. Мазкур байтда шоир йигитликни баҳор айёмига қиёслаб, бу фаслда маърифатга даъват этяпти.

*Боши билан шўнгигиб кирмаса ҳар дам,  
Сув остидан дурни топарми одам?*

Ҳамма гап ана шу дурни топища. Афсус шуки, биз дурни севамиз, аммо уни топиш учун

шүнгишдан эринамиз. «Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, жон куйдирмасанг, жонона қайда» деган мақол илм олишга ҳам таалуқлидир.

Дунёда илм турлари кўп, барчасини бараварига эгаллаш мумкин эмас дедик, ҳаммасини эгаллайман деб интиувчи кимса оқибатда ҳаракатларини шамолга совуриши мумкин. Чунки ортиқча билагонликни фазилат деб ўйлаш хатодир. Билимнинг миқдори эмас, сифати зарурроқ деган нуқтаи назардан қарасак, фойдали нарсаларни билганимизга нисбатан бефойда нарсаларни кўпроқ билишимиз аниқ бўлиб қолади. Одам егани билан эмас, ҳазм бўлгани билан яшайди. Бу ақлга нисбатан ҳам таалуқлидир. Хоҳламай ютилган таом азобга айланганидек, иштиёқсиз илм билан шугулланиш хотирани суст қилиб қўяди, нокерак нарсалар билан мия шу қадар тикиштириб ташланадики, оқибатда у қабул қилаётганларини сингдиролмай қолади.

*Ёниб келганда меҳнат шамъи, э ёр,  
Ёниб, тутма ҳаво бодига зинҳор.*

«Қутадғу билиг»да айтилмоқчики, кўп мاشақ-қатлар билан ҳосил қилган илмингни нафс орзулагира сарф айлама, дўстим.

Ҳар нарсанинг зидди: оқнинг қораси, яхшининг ёмони бўлганидек, илмнинг муқобилида «жоҳиллик» деган иллат борки, у ёш ақлларни заҳарлашга ҳамиша шай бўлиб туради. Тарбия жараёнида уларни бу иллатдан ҳимоя қилиш хусусини назардан четда қолдирмаслик керак.

## ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

Бироннинг айбини ёки қусурини айтадиган бўлсак, «ақлсиз», «тентак», «эси йўқ» ёки дабдурустдан «аҳмоқ» деб қўя қоламиз. «Жоҳил» деган иборани камдан-кам ҳолларда тилга оламиз. Орамизда жоҳил камми? Жоҳил ким ўзи? Жоҳилликдан бесаодатроқ яна нима бор? Энди шу ҳақда гаплашиб олиш фурсати етди.

Инсонлар бошига тушадиган кулфат ва зулмнинг асосий сабаби жаҳолатдир. Кулфат ва зулмдан халос бўлишнинг ягона давоси эса — илм. Жаҳолат ҳомийлари инсониятнинг энг ашаддий душманлари ҳисобланадилар.

Тилимиздаги «жаҳолат», «жоҳиллик» атамалари нодонликни ва бу нодонликни тугдирувчи билимсизликни англатади. Ёмонликнинг уч манбай борлигини айтадилар: шайтон, нафс ва жоҳиллик. Ҳар қандай ёмон хулқнинг бошида нафс ва шайтон туради. Жаҳолатнинг турлари кўп, улардан учтасини алоҳида таъкид этиш керакки, қолганлари шу учтасидан баҳра олади:

– Умуман ҳеч нарса билмаслик;  
– Ҳамма билган нарсаларни жуда ёмон билиш;

– Лозим бўлмаган нарсаларни билиш.

Жаҳолат — ҳақиқатдан бехабарлиқdir. Жоҳилни таълим-тарбия кўрмаган, ҳеч ерда ўқимаган дипломсиз одам, деган маънода тушунмаслик керак. Жоҳилликнинг асли моҳиятни билмаслиқdir. Шунинг учун олимликнинг юқори погоналарига даъво қилувчилар орасида ҳам жоҳилларни учратиб қолиш мумкин. Бунга сабаб: диний илмнинг озлиги, илоҳий ҳик-

матларни билмаслик, ижтимоий, ахлоқий маданият танқислигидир. Жаҳолат одамни дунёга бефарқ қилиб қўяди, бепарволик эса секинаста, аммо чекиниш билмай саратон (рак) ўсмасидек улгаяверади. Шунинг учун ақл эгаси жаҳолатга тўқнаш келгани ҳамон чарчоқ ва дам олиш нималигини билмай унга қарши ҳужум қилиши керак. Зарба кетидан зарба беришни тўхтатмаслиги зарур. Бу жараён умр бўйи давом этадики, буни эплай олмаган кимсанинг ҳаёти паришонликда ўтади.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари илм ўрганиш билан шугулланмайдиган илмдан йироқ кишиларни «нодон» деб атайдилар. Жоҳилликлари аниқ бўлгани сабабли ҳам улар нодондирлар.

*Аввал-охир хўблар кетти, қолдим ёлғиз,  
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз.  
Доно кетти, нодон қолди, едим афсус,  
Йўлни топмай, ҳайрон бўлуб қолдим мано.*

Ислом инсон тарбиясида аввало жоҳилликни бартараф этишга алоҳида аҳамият беради. Чунки банданинг Аллоҳни худди кўриб тургандек ибодат қилиши қурбиятнинг аломати, қаерда турганини билмаслик эса гафлат ва жоҳиллик аломатидир. Дунёга нима учун келганини билмаган, ҳатто сўрамаган, айниқса, бу хусусда тинглашни истамаган киши энг хавфли жоҳилдир. Исломда фақат билиш кифоя эмасдур, билганига амал қилиш лозим. Фақаттина билиб амал қилгани ҳам кифоя эмас, амалларни фақат Аллоҳ розилиги учун қилиш зарур. Кишининг олим бўлмогига Аллоҳдан қўрқомоги, жоҳил

бўлиб қолмогига эса амали билан гердаймоги кифоядир. Жоҳилнинг биламан дегани, кўрнинг кўраман дейишига ўхшайди. Ўзининг илмига, мартабасига магрут бўлиб, кеккайиб кетиш жоҳилликнинг бир хилидир. Ҳақиқатни инкор этиш жоҳилликдир.

Бирон амални яхши деб ҳисоблаб, бу йўлда бардавом бўлиши оқибатида инсонда ўша амалга мувофиқ ҳулқ шакланади, мустаҳкамланади. Шунга кўра Ином Газзолий ҳазратлари одамларни тўрт тоифага бўлганлар:

– Соғил инсонлар ҳақ билан ботилнинг чиройли билан хунукнинг фарқига бормайдилар. Улар фитратан барча эътиқоддан холи. Лаззатларга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолганилари учун улар биронта истакларини ҳам тўла қондира олишмайди. (Яъни, бир лаззатни қўйиб, ундан яхширогига чопади, кейин ундан ҳам яхширогини истайди... Шу тарзда биронта истагини ҳам мукаммал амалга оширомайди). Бу тоифадаги инсон муолажани, яъни тарбияни тез қабул қиласди. Фақаттинга у бир муаллимга, бир муршидга муҳтоҷ. Қалбида уйгониб, уни гайратлантирадиган бир ҳимматга муҳтоҷ. Шунда у тез орада ҳулқи гўзал инсонга айланади.

– Жоҳил ва адашган инсонлар ёмоннинг нелигини биладилар, лекин яхши ишларга одатланмаганлари сабабли қилаётган ёмон амаллари ўзларига чиройли бўлиб кўринади. Дунё истакларига қул бўлиш билан улар тўгриликдан юз ўтирган бўлсалар-да, амалларидағи қусурлардан хабардорлар. Бу тоифанинг тарбияси оғирроқ бўлгани учун уларга бир неча вазифалар юкланди. Аввало, улар бузуқликка

одатланиш натижасида ичларида маҳкам ўрнашган жуда кўп иллатларни нафсларидан сугуриб олишлари шарт. Кейин яхшиликка ундейдиган сифатни қалбларига экмоқлари керак. Хуллас, енг шимариб жиҳду жаҳд этилса, бу тоифа тарбияси риёзат учун кенг майдондир.

— Жоҳил, адашган ва фосиқ кимсалар ёмон ахлоқни яхши ахлоқ деб эътиқод қиласдилар. Уларнинг наздида бу ахлоқ ҳақ ва энг гўзал. Ундаги бу қараш борган сари такомиллашади. Шунинг учун бу тоифадаги кишининг муолажаси мушкул, согайишига деярли умид йўқ. Камдан-кам ҳолда у дардига даво топиши мумкин. Бу жиҳатларнинг барчаси залолатга кетиш имкониятини оширади.

— Жоҳил, адашган, фосиқ ва ёвуз кимсалар нафақат бузуқ қарашда такомиллашадилар, балки улар ёмонликларини кўпайтиришни фазилат деб биладилар, бу билан фахрланадилар ва «бу ишлар қадримни оширади» деб ўйладилар. Бу тоифадаги кишиларнинг аҳволи огири. Улар ҳақида шундай дейилган: «Кексани тарбияламоқ — машаққат, бўрини тарбияламоқ — уни азобламоқдир».

Жоҳиллар жамият ичидаги иллатдир. Улардан эҳтиёт бўлмоқ керак, уларга яқинлашган кишининг қалби хасталанади. Ўтмишда қанча жоҳиллар неча мамлакатларни ва юртларни фалокатга дучор қиласдилар. Сир эмаским, Наполеон ёки Гитлер каби жоҳиллар ҳозир ҳам Ер юзида урчиб кўпайиб ётибди. Турли мамлакатлардаги сайловларда улар миллионлаб овоз оладилар. Жоҳилнинг раҳбар бўлишини истовчиларнинг ўзлари жоҳилмилар ёки сайлаётган одамларининг жоҳил эканини бил-

майдиларми? Бу ҳам кишилик учун бир муам-  
модир. Ҳар ҳолда бир ариқдаги тоза сувни  
бошқа ариқдан оқиб келиб, унга қўшилган кир  
сувлар булгагани каби покиза инсонларни ҳам  
жоҳиллар тўғри йўлдан оздириб кирлатадилар.

Жамиятнинг ярасини фақат олимлар ту-  
шунадилар. Аниқлаган ташхисларига қараб да-  
волар топадилар. Жоҳиллар эса баттар яралаб  
қўядилар. «Қош қўяман деб кўз чиқариш»,  
«Дард устига чипқон» дейилган мақоллар шун-  
дай жоҳилларнинг ҳаракатига қараб юзага кел-  
ган.

Нисо сурасида марҳамат қилинади: «Жаҳо-  
лат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тав-  
ба қиласиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зим-  
масидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини  
қабул қиласди. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли  
зотдир». Демак, йўлдан адашиб гуноҳ ишларни  
қилиб юрганлар «Биз қиласиганимизни қилиб  
қўйдик, энди кеч бўлди, тавбамиздан фой-  
да борми, тушар еримиз аниқ-ку?» деган  
тушкун ўйга бормасликлари керак экан. Улар  
хатоларини қанчалик тез тушунсалар, қанчалик  
тезроқ тавба қиласалар, ўзларига шунчалик яхши  
бўлади. Аллоҳ тавбаларни қабул этувчи зотдир.

Исломдан аввалги даврлар «жоҳилият за-  
мона» деб юритилади. Ҳолбуки, у замонларда  
илемлilar, шоирлар кўп бўлган. Аммо улар ҳақ  
билин ботилни ажратса олмаганлар. Пайгамбари-  
миз (с.а.в.) ўқиш ва ёзишни билмасдилар, аммо  
Аллоҳнинг суюкли ҳабиби мақомига етдилар.  
Дунёвий илемлар нуқтаи назаридан қарасак,  
Мирзо Улугбекнинг суюкли шогирди Али Қушчи  
ҳам хизматкорлиқдан олимлик шоҳсупасига  
кўтарилган эди.

Агар бир киши аниқ фанлар соҳасида олим даражасига етса-ю, аммо ўзининг инсоний вазифаларини билмаса, жоҳил бўлса, биринчи галда ўзига, кейин фанга ҳам зарар. Масжида имом бўлиб, ислом динини билмаса, жоҳил бўлса, бу хиёнатдир. Бундай кимсалар динга ганимлардан кўпроқ зарар етказадилар.

Бир мисол келтирамиз, зинҳор тўқима деб ўйламанг. Мұхтарам уламоларимиз ва имомларимиз ҳозир баён қиласиганларимизни малол олмасинлар. Гуручни курмақдан тозалаш учун аввал шу курмакни кўриб олишимиз лозим бўлади. Мазкурни ўқигувчилар ҳам «ҳамма имомлар шундай» деган хато фикрга бормасинларким, «курмак» деб атаётганимиз — жоҳиллар ҳамма соҳада топилади.

Масжидалардан бирининг илмсиз имоми: «Шахмат ҳаром эмас, Куръонда бундай гап йўқ, Пайгамбаримиз ҳам ўйнаганлар», деб юборди (астагфируллоҳ). Худди шу жоҳил имом «Пиримиз Бобораҳим Машраб Аллоҳнинг юзини кўрган», деб тинмай таъкидлашни одат қилган ҳам эди. У шоирнинг «Кўрдум юзингни, девона бўлдим» деган сатрига маҳкам ёпишиб олган. Тасаввуф адабиётининг рамзий маъноларини эса тушуна олмайди.

Пайгамбаримиз айтмаган гапларни «айтди», қилмаган ишни «қилди» дейишнинг ўзиёқ нақадар гуноҳдиги маълум, биз бу гапларнинг нақадар жоҳилона ва аҳмоқона эканини таъкидлаймиз.

Маълумки, диёримиздаги барча чойхоналарда шахмат, нард, қарта ўйналади. Ўз уйига сигмайдиган, фарзандлари, набиралари би-

лан бирга бўлишдан роҳатлана олмайдиган бекорчилар ўз вақтларини шу ерларда, шу ўйинлар билан ўлдирадилар. Ҳа, айнан ўлдирадилар! Чунки беҳуда ўтказилган умр — ўлдирилган умр ҳисобланади. Афсус шуки, булар орасида беш вақт намозни ўқиб қўйиб, комил мусулмонликка даъво қилувчилар, ҳатто «ҳожи» шарафи билан кеккайиб юрувчилар ҳам бор. Бугунги кунда ҳожи бўлмоқликнинг унча мушкул эмаслиги, қалбни Ҳаққа қайтариш эса гоят қийин эканини тушуниб етмаган биродарларимиз ҳам борларки, уларни ҳам «жоҳил» деб атамоқликка журъат этамиз. Бунаقا кишиларнинг қалбида Аллоҳ зикри йўқ десам, фикримга қўшиларсиз? Ҳа, бу ҳолатлар ҳам жоҳилликнинг меваларидан.

Жоҳилликка доир муаммолардан сўз очилган давраларда «Намоз ўқийдиган одам жоҳил эмас», деган таъкидларни ҳам эшишиб қоламиз. Жоҳилликдан йироқлаша олган намозхон Аллоҳнинг ризолигига етишсин! Гўзал фазилатли бундай одамлар жамиятнинг кўрки ва қудратидир. Қани эди ҳамма шундай бўлса, деб умид қиласиз ва ўзимизни ҳам улар орасида бўлишимизни Аллоҳдан сўраймиз.

Аммо...

Шу «аммо» дейилгани чатоқ-да!

Бир кишиникига келган меҳмон намоз ўқимоқчи бўлиб сўради:

— Қибла қай тарафда?

Уй эгаси жавоб қайтарди:

— Бу ерга кўчиб келганимга ҳали икки йил тўлгани йўқ. Қибла қайси томондалигини қаёқдан билай?

Буни латифа ўрнида қабул қылдингизми?  
Қани эди, бу каби воқеалар латифа ичида қолиб  
кетсa...

Энди намознинг моҳиятига келсак, кўпчи-  
лигимиз яхши биламизки, намоз фақат ётиб-  
туришдан иборат эмас. Балки истигроқ, яъни  
ўздан кечишидир. Чунки барча суратлар ичкари  
киролмай, ташқарида қоладилар. Ҳатто Жаброил  
алайҳиссаломдай олиймақом малак ҳам у ерга  
сигмас. Бу хусусда Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат  
қиладиларки: «Менинг Аллоҳ ҳузурида шундай  
бир вақтим борки, унга на Тангри томонидан  
юборилган бир пайғамбар ва на Тангрига энг  
яқин бўлган бир фаришта сигади». «Намоз  
фақат суратдан иборат эмас, – дейдилар мавлоно  
Румий. – Бу намознинг қолипидир. Намознинг  
боши ва сўнгти маълум-у мавжуддир. Ибтидоси  
ва интиҳоси бўлган ҳамма нарса қолипдир.  
Такбир – намознинг аввали, салом эса охиридир.  
Шаҳодат қам фақат тил билан айтиб қўйиладиган  
нарса эмас. Унинг ҳам боши ва охири мавжуд.  
Боши ва охири бўлган ҳамма нарса сурат ва  
қолипдан иборат бўлади. Унинг РУҲИ бекиёс ва  
бениҳоядир. Аввали ва охири йўқдир». Зикр эса  
имом Қуртубийнинг таъкидларига кўра, Аллоҳ  
азза ва жаллани эслаш, унинг буйруқларини  
бажариш ва қайтарганларидан қайтишдир. Ана  
шундай итоатга эришганлар жоҳилликдан нари  
бўлишга ўзларида ақл ва куч топа оладилар.  
Демак, гап яна амалга бориб тақаляпти. Намоз  
ўқимоқ аъло фазилат, илм олмоқнинг фазилати  
ҳам ундан кам эмас. Бироқ, унга амал қилмаслик  
жоҳилликдир. Буни подшо саройидаги энг  
қимматбаҳо қилични олиб, ошпичноқ ўрнида

ишлишишга ёки жавҳар билан безатилган ханжарни мих ўрнига деворга қоқиб қўйишга қиёслашади.

Кейинги йилларда маълум биродаларимиз орасида «ҳожилар оши(гапи)» расм бўлган. Бирга ҳажга бориб келган биродарлар ойда бир ё икки марта жамланиб, зиёфат уюштиришади. Баъзи давраларга илмлироқ киши ҳам чорланади. У киши ўн-ўн беш дақиқа мавъиза қилиб берадилар ёки бирон китобдан икки-уч саҳифа ўқиб берадилар. Шу билан бу зиёфат гўё шаръий ўтиришга, ўзларининг тиллари билан айтилса, «илмий мажлис»га айланади. Қаранг, тўрт-беш соат давомида тўрт-беш хил таом ейилиб, бозордаги картошка баҳосидан тортиб, то Америка Президентининг жазманларигача ҳақида гапирилади-ю, «илмий мажлис»даги диний суҳбатга кўпи билан ярим соаттина вақт ажратилади. Шунда ҳам қуруқ тингланади, айтилган масалалар ҳавога учади, чунки амал қилишга интилиш йўқ. Қорин тўрт-беш кило таомни ўзига сигдиради, онг (агар таъбир жоиз бўлса) бир неча грамм илмни ҳазм қила олмайди. Бу жаҳолат эмасми? Бундай биродарларимизнинг мазкур ишлари саҳрода дәхқончиликни қилиб, йилда бир марта икки томчи сув билаж экинни сугориб, мўл ҳосил кутаётган кишининг телвалигига ўхшамайдими?

Бу каби ҳожи биродарларимизга бир эслатмамиз бор: валилардан бири шайх Самадоний Боязид Бистомий ҳаж нияти билан йўлга чиқиб, ўн икки йил деганда Каъбага етиб бордилар. Ҳар қадамларига икки ракаат намоз ўқир эдилар. Етиб келган йиллари Каъбага

кирмадилар. Лойиқ эмасман деган хижолатда одоб сақладилар ва изларига қайтдилар. Биз, бугунги ҳожилар-чи?! Бу фарзни бажарища қандай заҳмат чекяпмизки, кейинги умримизни зиёфатлар билан ўтказсак? Боязид ҳазратлари ҳар гал масжид эшигига келганларида бир муддат тўхтаб, йиглар эдилар. Сабабини сўрашганларида, дейдиларки: «Ўзимни ҳайз кўрган хотиндек санаб, Байтуллоҳга кирмоққа лойиқ кўрмайман, шунинг учун йиглайдурман».

Биз-чи? Чойхонадаги нард, қарта, шахматни омонат равишда бир неча дақиқага суриб қўйиб, намозга отланганимизда Байтуллоҳга бораёттанимизни ҳис қиласизми?

Покистонлик буюк шоир ва мутафаккир Мұхаммад Иқбол ҳожиларни зиёрат қила туриб, улардан сўрадилар:

— Сиз Мадинаи мунаварани зиёрат қилиб қайтдингиз. Мадинанинг илоҳий кўчаларидан кўнглингизга қандай ҳадялар олдингиз? Сиз у ердан келтирган моддий ҳадялар, яъни тасбеҳлар, қалпоқлар, жойнамозлар бир оз муддатдан кейин эскириб қолади. Лекин асло ўлмайдиган руҳий ҳадялар ҳам олиб келдингизми? Ҳадяларингиз ичida ҳазрати Абу Бакрнинг садоқати ва таслимияти, ҳазрати Умарнинг адолати, ҳазрати Усмоннинг иймони, ҳаёси ва жўмардлиги, ҳазрати Алининг ҳаяжони ва жиҳоди борми? Бугун минг бир изтироб ичida инграётган ислом дунёсига кўнглингиздан бир саодат асри берса оласизми?

Ҳар ҳожи ҳар куни ўзини ўзи шу саволлар билан имтиҳон этса ва бу синовдан яхши ўта олса, икки дунё саодатига етишган бўлармиди...

Кейинги йилларда «ҳожи оши» деган маросим ҳам қанот ёяпти. Фарзандлар ҳожи оталари ёки ҳожи оналининг муборак сафардан қайтишларига икки юз, уч юз, ёинки ундан-да кўп меҳмонлар учун эҳсон дастурхонини шай қилиб турадиларки, барака топишсин, деймиз. Аммо бизни ўйлантираётган нарса бу маросим худди фарз амал каби сингиб боряпти, дабдабага айланяпти, кибр аломатлари кўриняпти. Тавозе эса чекиняпти.

Адолат соҳибларидан бўлган Ҳорун ар-Рашид ҳаж ибодатларини бажариб қайтар эди. Уни Багдодда асъасаю дабдаба билан кутиб олишаётган пайтда донишманд Баҳлул унга қараб: «Эй мўминларнинг амири!» деб хитоб қилди. Ҳорун унга қараб: «Нима гапинг бор, айтавер» деб ижозат берди.

— Эй ҳукмдор, сен Байтуллоҳ зиёратидан қайтмоқдасан, — деди Баҳлул. — Шундай муборак сафардан келяпсан-у, бу кибр, бу гуур нимаси? Агар тавозе қилсанг, ўзинг учун янада хайрли бўлмайдими?

Бу танбеҳни эшитиб, ҳалифа Ҳорун йиглаб юборди-да:

— Эй Баҳлул, давом эт, яна насиҳат қил менга, — деди.

— Эй Ҳорун, барча ерлар сеники, барча инсонлар сенга тобе бўлган тақдирда ҳам борадиган жойинг тупроқдир...

Ҳар бир инсон фарзанди учун гоят зарур бўлган ҳикматдир бу! Муборак ҳаж ибодатидан қайтаётган баҳтиёр биродарларимизнинг қалбларида бир Баҳлул бўлиб, яхшиликка даъват этиб туриши керакка ўхшайди. «Ҳожи оши»дан

мурод эҳтимол шукроналикдир, эҳтимол «билиб қўйинглар, энди камина ҳожи эрурлар» деган писандадир. Ҳаётда шукронанинг бошқа гўзал турлари бор. «Мен ҳожиман» деб эълон қилиш дастурхонга ош тортиш билан эмас, эзгу ишлар, чиройли амаллар билан бўлади. Жамаратда шайтонга тош отган мусулмон уйига қайтгач, ўз вужудига ҳукмронлик қилишга уринаётган шайтон билан олишувини кучайтириши шарт. Агар таъбир жоиз бўлса, муслимнинг «Аллоҳу ақбар!» деб тошларни отиши шайтонга қарши уруш эълон қилганидир. Қандай жойда аҳд қиласпти? Қанча гувоҳлар ҳузурида онт ичяпти? Уйига қайтгач, арзимас бидъатларга ўралашиб, бу урушда маглуб бўлишдан Аллоҳ сақласин!

Яна бир эслатма: Ҳазрати шайх Ҳасан Басрий (қоддасаллоҳу сирраҳул азиз) «Ухлаган кўнглимизни уйготтил», деган жамоатта хитобан дедилар: «Ухлаган кўнгилни уйготмоқ қулайдир. Аммо сизнинг кўнглингиз ўлгандир. Зоро, ҳеч ҳаракат этмас». Аллоҳим, ўлик кўнгиллардан ўзинг асра!

Ён-атрофимизда, дўстлар ёки қариндошлар орасида шундай кимсалар борки, кўнгиллари тинмай зиёфат истар. Бугун бирга ҳажга боргандлар билан зиёфат дастурхони, эртага мактабдошлар билан, сўнг касбдошлар, сўнг қудалар билан... Шундай кишиларга шайх Абу Сулаймон Дараний ҳазратларининг бу сўзлари ибрат бўлармикин: «Ҳар нарсанинг дарди бор, кўнгилнинг дарди — кўп емоқдир. Ҳар ким кўп еса, унга олти бало келгай: биринчи — ўқиган намозининг тотини билмас; иккинчи — унутувчан бўлур, бирон нарсани эслай-ёдлай

олмас; учинчи — ўзи түк бўлганидан шафқати оз бўлур; тўртингчи — тоат-ибодат этмоқقا танбаллик қилур; бешинчи — шаҳвати голиб бўлур; олтинчи — мусулмонлар масжидга борсалар, у ҳожатга борур». Яна шайх Ҳамдуни Гассор (қ.с.) сўзларини унутмаким: «Барча касалликларнинг асл манбай ва диннинг офати кўп емоқлиқдир».

Ҳазрат Умарнинг (р.а.) муборак одатларидан бири — эрта саҳарда масжидга бориш эди. Ул зот масжидга аzon чақирилмасдан аввал борар ва намоз вақтини Жомеда кутар эдилар. Бир куни субҳ кирмай масжидга борар эканлар, ёш боланинг шошилиб кетаёттанини кўрдилар. Бола ҳазратнинг назари олийларига тушди.

— Болажоним, шошилиб қаерга кетаётибсан? — деб сўрадилар.

— Намозга кетмоқдаман, ҳазрат, — деди бола, — намоз вақти яқинлашди. Менинг эса таҳоратим йўқ, таҳорат олишга улгуришим керак. Аzon чақирилмай таҳорат олиб, намоз вақтини кутаман.

— Болам, ҳали ёш кўринасан, сенга намоз ҳали фарз эмас, — дедилар ҳазрат Умар.

— Ҳазрат, бу ишда катта-кичиклик бўладими? Кеча маҳалламиизда ёш бир бола вафот этди. У мендан анча ёш эди. Демак, вафот учун катта ёш ёки кичик ёш деган айрма бўлмайди.

Ҳазрат Умар (р.а.) боланинг бу сўзларидан жуда тўлқинланиб кетдилар. Шундай мутаассир бўлдиларки, шундай қувондиларки, муборак кўзларидан инжу доналариdek ёшлар оқа бошлиди:

— Ё Раббий! Бу бола қандай ажойиб, қандай ақлли! Бу гўзал сўзлар улугларнинг оғзи-

дан чиқадиган сўзлардир, – деб шундай йигла-  
диларки, муборак хирқалари ҳўл бўлиб кетди.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа баёнида намозга  
кетаётган болага «Ёшсан-ку ҳали?» дейишганда  
бола: «Гулхани алнга олдириш учун аввал  
майда, кичик ўтиналар ёқилишини билмайсизми?  
Дўзах оташини ёқишида тутантериқ бўлишдан  
кўрқаман», деган экан.

Бир киши шайтон билан дўстлашиб, сафарга  
чиқди. Бомдодни ўқимади. Шайтон ажабланди.  
«Ухлаб қолган бўлса, қуёш кўтарилач, ўқиб  
олар» деб ўйлади. У одам намознинг қазосини  
ҳам ўқимади. Сўнг пешин, аср, шом, хуфтонни  
ҳам ўқимади. Шунда шайтон ҳайратланиб сў-  
ради:

- Эй одам, сен намоз ўқимайсанми?
- Мен намоз ўқимайман, – деди у одам ба-  
майлихотир.

Шунда шайтон деди:

– Мен Аллоҳга муқарраблардан эдим. Фа-  
ришталарга дарс ўтардим. «Одамга сажда қил!»  
деган биргина амрига бўйсунмаганим учун  
лаънатландим. Сен бутуннинг ўзида беш марта  
осий бўлдинг. Сенга қўшилиб, мен ҳам гуноҳга  
ботишни истамайман.

Шайтон шундай деб бенамоз одамнинг олди-  
дан нари кетган экан.

Биз-чи? Бизнинг вазифамиз нари кетиш  
эмас, уларни жаҳолатдан қутқариб қолищдир.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилурларки:  
«Кимки тонг намозини жамоат билан ўқиб,  
сўнгра то қуёш чиққунига қадар ўтириб  
Аллоҳнинг зикрига машгул бўлса, сўнгра икки  
ракаат нафл намози ўқиса, комил бир ҳаж  
ва умранинг савобига мушарраф бўлади».



Расулуллоҳ (с.а.в.) «жамоат «нотұғри әшитдик», демасинлар, ҳайрон бұлмасинлар» деб, «комил ҳаж ва умра» деб яна алоҳида таъкидлаганлар. Бу имом ат-Термизий ривоят эттан саҳиҳ ҳадислардандир. Эътибор қылайлик: комил бир ҳаж ва умра савоби (!) деганлар. Эҳтимол, бу шарафли ҳадисни билмайдиганлар бордир. Бироқ, «Инсон мақбул ва комил ҳаж қилдими, унинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас» дейилган ҳадиси шарифни билгувчилар күп бұлиши керак, деб ўйлаймиз. Ҳаж инсонни гуноҳдан покловчи ибодат бұлгач, ҳар куни әрталаб бир ҳаж ва умра савобини құлдан бой беришимишни ўзимиз қандай баҳолаймиз?

Мавлоно Румийда бир ҳикмат баёни бор:

Күнгилни айнитувчи ёқимсиз исларга одат-ланган чүчқабоқар атторлик дўконига кириб, димогига атиrlар ҳиди урилди-ю, ҳушини йўқотиб ерга йиқилди. Атторлар шошиб қолиб, уни тезроқ ҳушига келтириш учун турли атиrlарни ҳиддата бошладилар. Чүчқабоқар бундан баттар ҳолга келаверди. Охири атторлар чорасиз қолдилар. Чүчқабоқар ўлар даражага келди. Уни таниғанлардан бири уйига хабар бергани югурди. Чүчқабоқарнинг укаси воқеани дарров англади. Чүчқанинг тезагидан бир сиқим олди-ю, нажот бергани шошилди. У: «Акамнинг димогига ёмон ҳидлар сингиб кетган. Касалининг давоси ҳам шу ҳиддадир», деб чўчқа тезагини унинг бурнига тутди. Шунда ўлик каби ётган чўчқабоқар дарров ҳушига келди. Буни кўрганлар йигит акасига қандай афсун ўқиди экан деб ажабландилар. Лекин сир чўчқа тезагида эканини билмадилар.

Мавлононинг ҳикматларида гўзал ибрат бор. Мол-дунёни севган киши бойлик тўгрисида бирор нарса айтилган пайтда ухлаётган бўлса ҳам дарров уйгонади. Ҳатто ухлаёттан ит ҳам бир нарса тарақласа, кўзини очиб қўяди-ю, уйқусини давом эттираверади. Лекин эгаси секингина чапиллатиб овқат ейишни бошласа, уйқудан уйгониб, сергак равищда унга тикилиб тураверади. Жоҳил ҳам чўчқабоқарга ўхшайди. Мушк ҳиди каби гўзал илмий мажлисларда ҳушидан кетиб, гафлат уйқусида ухлайверади. Жоҳиллар суҳбат бошласалар, кўзлари мошдай очилади. Чўчқа тезагидан ҳушига келган чўчқабоқарнинг бошқаларга зарари йўқ. Жоҳиллар суҳбатидан уйгонган жоҳилдан эса қўрқулилар.

Туяқушнинг галати одати бор: бирон хавфни сезса, бошини қумга тиқиб тураверади. Баъзи одамларда сал бошқачароқ одат мавжуд: туяқуш хавфдан қўрқаётган бўлса, булар ҳақиқатни кўрмаслик учун бошларини гўё қум орасига тиқиб яшайверадилар. Атрофга қарамайдилар, келажакни тасаввур қила олмайдилар. Донолар насиҳатининг ҳақиқатга эришиш йўли эканини, ундан баҳра олиш зарурлигини англашни истамайдилар. Энг ёмони — жоҳилликлари тифайли яқинлашаёттан хатарни сезмайдилар.

Баъзан атрофдаги кўнгилсиз воқеаларни кўриб, гашланганимда хаёлимдан бу сўзлар ўтади: бу не жоҳилликки, билмаган кишини камситамиз; жоҳил билмагани учун исёнда экан, биз билиб туриб гуноҳ қиласиз, демак, у биздан узрлироқ. Уламони тан олмаймиз. Ҳолбуки, улар биз билмаган нарсаларни биладилар, биз нимани биламиз?! Ёши улугларни менсимаймиз. Ахир

улар Аллоҳга биздан олдинроқ итоат этишган, уларга қандай тенг бўлайлик?! Ёшларни ҳақир санаймиз. Ҳолбуки, биз улардан олдинроқ гуноҳга шўнгиганмиз, маъсиятга ботганмиз. Бидъат ва куфр аҳлини ерга уриб, нафсимизни кўкларга кўтарамиз. Қайдан биламизки, балки биз бидъат ва куфрда айблаётган инсон кун келиб ҳидоятга қайтар. Бизнинг охиримиз нима бўлади, хотима ёлгиз Аллоҳга аён. Ҳидоятдан огиб, залолатга кетишдан Ўзи арасин!

Атрофимизда ҳаётлари бизларга ибрат бўлувчи мўминлар кўп. Сталин зулми даврида бегуноҳлардан бири қамоқ азобини чекарди. Меҳнат гоят азоб-уқубатли эди. Маҳбуслар орасидаги бир мўмин рамазон ойида рўза ибодатини канда қилмас эди. Қамоқхона бошлигининг унга раҳми келди ва дедики:

— Сен рўзангни оч, бу меҳнат ва очлик азобига чидай олмай ўлиб қоласан.

Бу меҳрибончиликка жавобан мўмин дедики:

— Рўза — Аллоҳнинг амри. Бугунги иш натижасини талаб қилиш эса сенинг ҳақинг. Сен ўз ҳақингни талаб қилавер.

Мўминнинг иймони ўзга дин вакили қўнглини юмшатди — уни оғир ишлардан озод қилди.

Яна ўзимизни имтиҳон қилайлик: ҳар бири-миз Аллоҳ амрини ўша мўмин каби бажара оламизми?

Айрим биродарларимизга ўқищдан гап очсангиз, илмга чанқоқ эканликларини баён этиб, иш ва ташвишлари кўплигидан нолийдилар, илм ололмаётгандар учун афсусда эканликларини ҳам айтадилар. Бу дунёда иш ва ташвиши йўқ одамнинг ўзи йўқ. Биз баҳона топиб, ўзимизни ўзимиз алдашга ўрганиб қолганмиз. Дейлик,

мени ёки сизни эртадан то кечгача Қуръон ёки ҳадис үқинг, барчасини тұлиқ ёд олинг деб бирор зўрлаётгани йўқ. Ҳар куни битта ҳадис, битта оят үқийлик, маъносини англайлик. Шунга нари борса ўн-ўн беш дақиқа кетар. Агар бу ўқишимиз кунлик одатимизга кирса, бир йилда уч юз олтмиш олти оят ва ҳадисни ўргангандык бўламиш. Агар Аллоҳ инсоф берабер, икки ёки уч ҳадисни ўргансак, бир йилда анча нарсани ўрганиб оламиш, шундай эмасми? Дунёвий илмларни олиш жараёни ҳам худди шу кабидир. Бир кеча-кундуздаги йигирма тўрт соат умримизнинг ярим соатини жаҳолатимизни йўқотишга сарфласак, қанчалик саодатта етаркинмиз, валлоҳу аълам! Ҳар ҳолда турли баҳоналар билан жоҳиллигимизни яширишга тиришмайликки, жоҳилликни яшириш ҳам оқилликни кўрсатиш каби қийиндир.

Жоҳиллик аломатлари яна нималарда кўринади: ўз нафсига қул бўлишлик, ҳуда-бехудага сўзлайверишилик, бекорга аччиқланиш, эҳсонни ўз жойида қилмаслик, ҳаммага, айниқса, синалмаган одамга ишонавериш, дўстни душмандан фарқ қилмаслик, сирини ҳар кимга айтавериш, ақлсиз, иймонсиз одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамларга (айниқса, ношаръий ишларига) ёрдамлашиш.

«Агар жоҳиллигим намоён бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла» дейилган доно гапга мавлоно Сайфи Саройининг «Гулистани бит туркий» асарларидағи бу ҳикмат қувват беради: «Ҳакимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқрор бўлмайди.

Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шундан маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа, унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб ўша жоҳил ўртага тушиб, сўзлай бошлайди. Бу эса жоҳиллик — жаҳл аломатидир. Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чогида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзидан ҳам ўринак олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Байт:

*Ҳар жоҳилдин ҳалқ бўлса норизо,  
Ул бўлур юз минг балога мубтало.*

Ўзимизга диққат қиласлик-чи, саналган жоҳиллик белгиларидан бизда ҳам бормикин? Давра суҳбатларида ўзимизни қандай тутамиз? Кимдадир жоҳиллик белгиларининг ҳаммаси бордир. Кимдадир битта ёки иккитаси мавжуддир. Атрофимиздагиларнинг бизга «жоҳил» деган сифат беришлари учун шу битта ёки иккитаси кифоя қиласди. Хонадонларимизга ҳам қараб қўяйлик: жоҳил ота-она хонадони бамисоли уруш ўчоги эмасми? Ёки инсонийлик ҳиссисдан маҳрум ҳибс жойи эмасми? Бу ҳибс-хонада тугилган, тарбия топган боланинг ҳаётдаги аҳволи не бўлар экан? Бугун дунёни разолатга тортаётган жоҳиллар шундай уруш ўчогида таваллуд топмадиларми экан?

Эҳсонни ўз жойида қиласлик ҳам жоҳилликдан экан. Шукрким, диёrimiz аҳли эҳсонни яхши амаллардан деб билади ва имкон тугилди дегунча дастурхон тузаб, элни йўқлашга интилади. Лекин эҳсон қилиш учун бирон са-

бабни пойлаш одатимиз ҳам йўқ эмас. Эҳсон учун бировнинг туғилишини ёки бировнинг вафотини, ё бошқа бир баҳонани кутамиз. Демаймизки: «Аллоҳим, ўзингта шукр, мени, аҳли хонадонимни едириб-ичиряпсан. Топган-туттганларим ўзимга етиб ортятти. Шу орттани ҳисобидан муҳтоҷларни Ўзингнинг розилигинг учун бир зиёфат қиласай».

Қадим замонда Багдод шаҳрида бир новвой яшарди ва у замоннинг энг машҳур валийси ҳисобланган ҳазрат Шиблийнинг зиёратига етишмоқ орзусида эди. Новвойнинг ул валийга бўлган ихлоси шу даражада ошдики, ҳатто баъзан нон ёпишга ҳам қўли бормай қолди. Шунда муридлар ҳазратга дедилар:

– Бир новвой сиз учун ҳасрат чекмоқда, истиқболингизга етишмоқ учун кўз ёшлари тўкмоқда.

«Бир оз муддатга бўлса ҳам у новвой билан учрашиб, кўнглини олурман», дедилар ва бир куни саҳарда новвойнинг маҳалласига қараб йўл олдилар. Узоқ йўл юриб толиққан ҳазрат новвойхонага яқинлашиб, ҳазин овоз билан:

– Биродар, Аллоҳ йўлида бир бурда нон беринг, – деб ёлбордилар. Ҳазрат Шиблийни уст-боши чанг, кийимлари ямоқ дарвиш кўринишида кўрган новвой газабланди:

– Сендақа текинхўрларга нон йўқ, жўна, менга халақит берма. Ишим кўп. Бу уйга бошқа тиланиб келма. Бу уйда бепул нон берилмайди, – деб ҳайдади.

Ҳазрат Шиблий индамайгина бурилдилар-у, нари кетдилар. Бу воқеага гувоҳ бўлган қўшнилар эса новвойни койий бошладилар:

– Нима қилиб қўйдинг? Ҳозиргина сен ранжитган зот ўзинг ихлос қўйиб юрган, кеча-кундуз йиглаб етиша олмаётганинг ҳазрат Шиблий эдилар-ку?! Ҳазрат учун жонимни ҳам бераман дердинг. Сенга нима бўлдики, бир бурда нонни қизгандинг ва ул зотдан айрилдинг!

Буни эшиттан новвой дод-фарёд билан югурди. Ҳазратга етиб олди-ю, қўл-оёқларини ўпиб, афв этишни сўради. «Мендан ўтди, кечиринг, гуноҳимни ювиш учун сиз нима десангиз шуни қилайин», деб ёлборди. Ҳазрат Шиблий бу ақли калта одамга қарадилар-да:

– Айбинг кечирилиши учун юз олтин танга сарфлаб, бир зиёфат тайёрла. Маҳаллангдаги барча қарияларни тўпла, – дедилар.

Новвой «бош устига» деб, қувонганича ҳазратнинг айтганларини бажарди. Зиёфат чоги қариялардан бири ҳазрат Шиблийга мурожаат этди:

– Ҳазрат, бир суҳбат қилиб, бизга «жаннатий» ва «жаҳаннамий» инсонлар қандай бўлишларини айтиб беринг.

– Жаннатий инсонни билмайман. Аммо жаҳаннамий бир инсонни кўришни истасангиз, ана шу зиёфатни бераётган ҳамсоянгиз жаҳаннамийдир.

Бу гапдан гоят ажабландилар:

– Ҳазрат, тушунтиринг, нега ундан деяпсиз? Ахир бу одам сиз учун юз олтин танга сарфлаб, зиёфат беряпти-ку? Қанақасига жаҳаннамий бўлсин?

– Албатта тушунтираман. Аллоҳ учун, Аллоҳ йўлида бир бурда нонни кўп кўриб, бермаган бул одам Шиблий учун юз олтин танга харажат қилди. Аллоҳ номига бир бурда нон бермаган

бул нотавон, мендай бир қул учун юз олтин танга сарфласа-я! Бундан ортиқ жаҳаннамга олиб борувчи иш бўладими?

Азизлар, бизнинг эҳсонимизда ҳам шундай нуқсон йўқмикин? Фақат тўқларни зиёфат қилишдан чарчамадикми? Эҳтимол, ҳазрат Умардан ўrnak олганимиз (р.а.) бизга саодат йўлини кўрсатар?

Бу воқеа қаҳатчилик йили содир бўлган эди. Мусулмонлар амири ҳазрат Умар (р.а.) тужа сўйиб, гўштини Мадинадаги фақир ва йўқсулларга тарқатишни буюрдилар. Буйруқ бажарили. Туянинг семиз еридан бир бўлак кесиб олиб, пиширдилар-да, халифанинг дастурхонига қўйдилар.

– Бу сергўшт таом қаердан келди? – деб ажабландилар халифа.

– Эй амиралмуслимин, буйругингиз адo этилиб, тужа сўйилди, гўшти фақирларга тарқатилди, бу эса сизнинг ҳиссангиз, – деб жавоб бердилар.

Бу гапни эшитган халифа гоят газабландилар ва дедиларки:

– Умардек халифага бу уят эмасми? Туянинг яхши, семиз гўштини ўзи еб, ёмон, ориқ ерларини фақирларга бериш пасткашлик-ку?! Тезда бу таомни фарзандлари бор бирор фақирга олиб бориб беринг. Бундан сўнг бундай хунук иш қилманг! Йўқсуллар бор экан, халифанинг гўшт ейиши раво эмас!

Хизматчи дарҳол таомни дастурхондан олдида, уни бир фақирнинг уйига элтди. Халифага ҳар сафаргидек бир оз зайдун ёги ва қуруқ нон келтирди. Халифа шуни едилар ва жаноби Ҳаққа шукр қилдилар.

Қани эди, биз ҳам шундай бўлолсак! Тўкин эҳсон дастурхонлари атрофида ўтириб, шу неъматларга муҳтоҷ биродарларимиз ҳам борлигини ҳис қилолсак. Эҳсонга меҳмон чорлаганимизда, энг аввало камбагалларни таклиф этсак, нақадар улуғ савоб иш қилган бўлар эдик.

Бу ҳикматлар каминанинг ёдига бир мактубни туширди. Тогам, атоқли адаб Мирзакалон Исмоилий вафот этганларида сурхондарёлик бир муаллим ўзи гувоҳ бўлган воқеани баён қилган эди. Эллигинчи йилларнинг охирларида бир гурӯҳ ёзувчилар уларнинг жамоа хўжалигига меҳмон бўлиб келишибди. Учрашувлардан сўнг таомилга кўра хўжалик раҳбарияти зиёфат берибди. Шунда тогам дастурхондаги неъматлардан тотиб ҳам кўрмабдилар. Гамгин равишда ўтираверибдилар. Сабабини сўрайверишгач, охири айтибдилар:

– Мен бу ерда хунук манзарани кўриб, паришон бўлдим. Жуда кўп болаларнинг усти юпун, тўйиб овқатланмаслиги юзларидан билиниб турибди. Бу дастурхон шу оч болаларнинг отаоналари меҳнати туфайли неъматларга тўлган. Тўгри, ҳалқимиз меҳмондўст, лекин болаларни оч қўйиш ҳисобига тантилик қилмаслигимиз керак. Ҳимматингиз учун раҳмат. Энди сизлардан илтимос, шу дастурхон устидагиларни, бунга сигмай ошхонада қолганларини хўжаликдаги муҳтоҷ оиласарга тарқатиб чиқсангиз. Мен тўрт йил урушда, тўрт йил қамоқда бир бурда нонга қаноат қиласидиган бўлиб қолганман. Болаларимиз нонга зориқмасинлар.

Жамоа хўжалиги раиси шу ондаёқ ёзувчининг илтимосини бажарган экан.

Бошқалар ҳақида қайгуриш эҳсоннинг олий кўриниши ҳисобланади. Аksi эса жоҳилликдир. Эҳсон қилган чогимизда жоҳиллигимизни енга олмасак, кибрга, риёга, миннатта йўл қўямиз. Бу иллатлардан Аллоҳ сақласин!

Жаҳолат замонга мос равища янги-янги кўринишларда намоён бўлаверади. Бошқа мамлакатларда борми ё йўқми, билмайман, аммо биз томонларда «пайгамбар оши» деган эҳсоннинг янги кўриниши ривож топмоқда. Авваллари «суннат тўйи» деган бидъат авж олган эди. Ароқхўрликдан иборат бу зиёфатнинг динга, хусусан, суннат амалларига нима алоқаси бор экан, ҳайронмиз. Ҳар нечук, авом орасида мусулмончиликда шу амални ҳам қилиш шарт, деган бемаъни фикр ҳукм сурарди. Иқтисодий қийинчилик туфайли бундай тўйлар камайди. Фақат пулдорлар ўзларича мусулмонликларини шу тарзда намоён этишга уринишяпти. Бундай зиёфатлар савоб билан эмас, гуноҳ билан тақдирланишини билиб олишса, нур алланур бўларди. «Пайгамбар оши»ни ҳам авомда учратмаймиз. Мана бир мисол:

«Пайгамбар оши» деган одатни қачон ва ким бошлаб берган — ҳеч ким билмайди. Олтмиш уч ёшга тўлганлар элга ош берсин деган фатво ҳам бўлмаса кәрак. Айрим уламоларимиз, имомларимиз бундай эҳсон туридан парҳез қиладилар. Айримлари эса давра тўрини эгаллаб, ош ошалайверадилар. Ажабланарли томони шуки, «пайгамбар оши» берувчиларнинг кўпчилиги шу ёшга киргунига қадар ҳам пешоналари жойнамозга — саждага тегмаган. «Пайгамбар оши» муносабати билан

зар чопонлар киядилар, совгаларни оладилар-у, аммо бу ошдан кейин ҳам ибодатдан четда юраверадилар.

Мана бу манзарага диққат қиласынан: катта түйхона иккиге бүлингандар. Бир бўлағида хос меҳмонлар, иккинчисида авом мартабасидагилар. Киши шу қадар фосиқ бўладими? Одамни лавозими, бойлигига қараб ажратсанг, дастурхонни ҳам шунга қараб безасанг, авомни нимага таклиф қилдинг? Хосларнинг ўзини меҳмон қиласермайсанми? Меҳмондорчиликнинг номи — «Пайгамбар оши!» Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак номларини тилга олган ҳолда суннатга хилоф иш қилингапти — одамлар тоифаларга ажратиляпти.

Энг даҳшатлиси, хос меҳмонлар учун шайтоний ичимликлар — ароқ ва конъякларнинг неча турлари қўйилган. «Пайгамбар оши»да ичяптилар Аллоҳ ҳаром қилган ичимликни! Аллоҳ-Аллоҳ! Бу нақадар тубанлик! Бу ҳаром ишларни Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак номлари билан парда қилиб тўсмоқчи бўлсалар!?

Бу надир?

Жаҳолат ботқоқлигими?

Ундан-да ёмон!

Ботқоқ лойлари кийимга ёпишса, тозалаш мумкин. Бунини гуноҳини юзиш мумкин бўлармикин?

Бу — тавбага боғлиқ. Аммо улар тавбага улгурармикинлар? «Пайгамбар оши» Қиёматда ас-қотармикин?

Шу ўринда бидъат ва хурофт доирасига кирувчи, жоҳиллигимизни намойиш этиб қўювчи айрим одатларимиз ҳақида фикр билдириш хо-

наси келди. Сўз бошлишдан аввал икки узрим бор: мазкур баёнда бидъат ва хурофотга йўл бериб қўювчи айрим имомларимиз ҳақида сўз борадики, буни «барча шундай экан» деб қабул қиласлигингизни яна таъкид этаман. Ислом йўлида хизмат қилаётган имомларимиз масалани тўгри англаб, каминани айбситмайдилар деган умиддаман. Иккинчи узрим шуки, мазкур масала матбуотда эълон қилинган мақоламиизда баён этилиб эди. Эҳтимол, у мақолани мазкур китобни қўлга олган биродарлар ўқимагандирлар деган мулоҳазада мавзудан бу суҳбатимиизда фойдаланяпмизким, такрордан ранжимассиз, иншоolloҳ!

Жамият, наинки жамиятта, ҳатто динга зарар келтирувчи одатлар бор. Биз уларни умумий тарзда «Бидъат ва хурофт» деб юритамиз.

Бир мамлакатнинг одил ва доно подшоси қарилик ёшига еттач, тахтни ўғлига топшириб, дебдики:

— Эй қўзимнинг нури, умидим чечаги, бу обод мамлакатни сенга топширяпман. Ақл билан иш юритгин ва унинг хорланишига йўл қўйма. Мен мамлақат хазинасидан ташқари ўзимнинг бойлигимни ҳам қўлингга топшираман. То менning жоним бор экан, сен унинг бир мисқолига ҳам тегмагин. Аллоҳнинг раҳматига қувушганимдан сўнг бу хазинани очасан-да, мискин-камбагалларга улашиб чиқасан. Токи уларнинг дуоларидан руҳим баҳраманд бўлгай.

Не баҳтким, ўғил ҳам отаси каби доно экан. Мамлакатни яхши идора этиб, юртни янада обод қилиб, раият дуосини олибди. Аммо унинг бир одати бор эканки, на сарой аҳли ва на шаҳар аҳли тушунаркан. Бирон-бир кишининг

«Эй подшоҳим, бу қилигингизни тушунмоққа ақлларимиз қосирлик қиляпти, бизга бунинг маъносини англатиб қўйинг», демоққа юраги бетламас экан. Вақтики келиб, кекса подшоҳ собиқ ва содиқ мулоғимларини чорлаб, ўглининг ҳол-аҳволини сўраганда улар юрак ютиб воқеани баён қилган эканлар. Ўглининг қилиғидан ҳайратланган подшоҳ дарҳол уни чорлатиб, бу ҳарақатининг маъносини сўрабди. Ўғил фарзандлик бурчига, одобига риоя қилган ҳолда дебдики:

– Отажон, сиз менга хазинангизни вафотингиздан сўнг ҳалққа улашишни васият қилган эдингиз. Рости, мен бу амрни бажармоққа бурчли ва мажбур бўлганим туфайли сиз зоти олийларига эътиroz билдиримоққа журъат этмадим. Бироқ, ҳар тун шаҳарга чиққанимда фонус-чироқни олдинда эмас, орқа томонда олиб юрмоқни амр этдим. Сабабки, вафотидан сўнг эҳсон улашмоқ — қора тунда чироқни орқа томонда ёритиб бормоқ каби эмасми? Орқа томондаги фонус ёргидан йўловчига не фойда? Олдинда ёқиб бормоқ афзал эмасмикин?

Ота ўглининг бу доно тадбиридан қувониб, бойлигини ўзи камбагалларга улашиб берган экан...

Ҳар сафар «йигирма» ёки «йил оши» деб аталмиш маъракани эшиттанимда шу ривоятни эслайман.

Бирор ўн кило, бошқаси юз (ёки ундан-да кўп) гуруч дамлаб, тўқларни ош билан сийлайди ва муҳим бир бурчини адо этгандай кўнгли таскин топади. Афсусли ери шуки, одамлар дин томонидан белгиланган, бажарилмоги сўзсиз шарт бўлган вазифани қойилмақом қилиб уд-

даладик деб ўйлайдилар. Бу одатларнинг динга мутлақо алоқасиз эканини эса қўпчилик билмаслиги мумкин. Буни оммага етказишига масъул айрим биродарларимиз эса бурчларига совуққон равишда қарайдилар. Тўгри, улар вақти-вақти билан бидъат ва хурофот хусусида ваъз айтадилар. Аммо...

Жума намозидаги маъизасида «йигирма», «йил оши» бидъат эканини айтишиб, орадан ярим соат ўтмай, намоздан сўнг «Аҳли жамоа, тарқалиб кетманг, фалончиникида йил оши» деб эълон қилиб, ўзи йўл бошлайдиганлар ҳам учраб турди. Шунинг учун ҳам қадрли имомларимизнинг ваъзлари қуруқ гап бўлиб қояпти. Ҳатто «домланинг айтганини қил, қилганини қилма» дейилгувчи мақол даражасига ҳам етмаяпти. Яъни, домланинг қилганини қилмаслик бир масала, айтганини қилмаслик эса яна бир масала бўлиб қояпти.

Бидъат ва хурофот хусусида фикрларни муҳокама тарзида кўпнинг эътиборига ҳавола этиш нияти анчадан бери мавжуд эди.

Даставвал «бидъат», «хурофот» сўзларининг лугавий маъноси хусусида: «Бидъат» — сўзи айнан таржима қилинса, «янгидан пайдо бўлган одат» деган маънони беради. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида бу сўзни «ёқимсиз» деган маънода ҳам қўллаганлар. Яна «бидъати саййиа» ҳам дерларким, бу «янги пайдо бўлган ёмон одат» демакдир. Таъбир жоиз бўлса, динга ёт, ёқимсиз, янги пайдо бўлган одатларни «бидъат» деб белгилаймиз. Тўгри, «бидъати ҳасана» — яъни, «яхши одат» деган тушунча ҳам бор. Аммо тилимизда кўпроқ ёмон одат маъносини ифодалаб келгани учун «бидъати саййиа» деб

ўтирмай, қисқагина қилиб «бидъат» атамаси билан фикр билдиришга күникиб қолганмиз. «Хурофот» эса «асоссиз» демак. Яъни, динда асоси йўқ, беҳуда ишлар, одатлардир. Абу Усмон Жаририй ҳазратлари деганларким: «Ҳар кишики, Пайғамбар алайҳиссалом суннатини ўзига ҳакам қилса, унинг сўзи ҳикматдир. Ҳар кишики, нафсининг хоҳишига тобе бўлса, унинг сўзи бидъатдир». Ўзбек тилида нашр этилган «Исломий қомус»да «бидъат» атамаси «номаъқул янгилик», «дин ақидаларига хилоф янгилик», деб изоҳланган. Ўрни келганда «Қомус»да баён этилган фикрлар билан танишсак:

«Куръон ва суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир нарса бидъатдир. Дастрлаб халифа Усмондан (р.а.) норози одамлар, асосан шиалар ва хорижийлар уни Муҳаммад (с.а.в.) сўзлари ва амалларига зид янгиликлар киритганлиқда, яъни бидъатда айблаганлар. Кейинроқ ислом дунёсида диний-гоявий ихтилофлар ва баҳслар авж олган пайтда бидъат тушунчаси «нотўтри ёки хато тасаввур», «янглиш фикр» деган маъноларни касб этди. Бидъатга нимани киритишнинг аниқ чегараси бўлмаган. Фақиҳлар бидъатни бир неча турга бўладилар:

- 1) Ҳаром бидъат — қадарийлар, жабарийлар, муржиъийлар ва хорижийлар мазҳабларининг қилган бидъатлари;
- 2) Мандуб бидъат — мадрасалар ташкил этиш, таровиҳ намозини жамоат билан ўқиш;
- 3) Макруҳ бидъат — масжидларни безашга ўхшаш ишлар;
- 4) Мубоҳ бидъат — намоздан кейин қўл олишиб кўришиш, таом ва либосда кенгчиликка йўл қўйиш;

5) Вожиб бидъат — керакли илмларни ўрганишга ўхшаш ишлар.

Баъзи уламоларнинг фикрича бидъат асосан уч турли бўлади:

1. Кофирликка олиб борадиган бидъат. Масалан, ўликлардан, гойиб кимсалардан ёрдам сўраш.

2. Ҳаром бўлган бидъат. Масалан, дуода ўликларни восита қилиши.

3. Макруҳ бўлган бидъат. Масалан, жума намозидан кейин эҳтиёт юзасидан пешин намозини ўқиши.

Муайян амал бир фикҳий мазҳаб вакиллари томонидан «ножойиз янгилик», яъни ислом аҳкомларига хилоф иш деб баҳоланса, бошқа мазҳаб тарафдорлари уни Қуръон ва суннатга мувофиқ келадиган «ҳақ йўл» деб билганлар. Бу хилдаги баҳслар ҳамон учраб туради. Айтайлик, Имом Аъзам мазҳабига кўра отабоболар мозорларини зиёрат қилиш, оламдан ўтган аждодлар руҳи покларига дуои фотиҳа қилиш савоб иш саналади ва шунга риоя қилиб келинади. Аммо ҳанбалийлик мазҳабининг ваҳҳобийлик оқими вакиллари буларни бидъат деб ҳисоблайдилар. Шундан фойдаланиб, одамларни йўлдан урмоқчи, жамиятда бекарорлик вужудга келтирмоқчи бўладилар. «Бидъат» бемаъни гап, сафсата маъноларини ҳам англатган. Адабиётда «бидъат» — хурофот, уйдирма маъноларйда кенг ишлатилади».

Ҳозирги кунда сиз билан биз қаттиқ амал қилаётган кўпгина одатларни дин ҳам, жамият ҳам рад этади. Диний томондан буюорилган фарз — суннат амаллар билан бидъат ва хурофотни айириб олиш аслида унча мушкул вазифа эмас.

Масалан, фарз ва суннат амаллар бизда ҳам, араб мамлакатлари ёки Малайзияда ҳам айнан бир хилдир. Яъни, намоз барча ерда беш маҳал ўқилади, бомдод азони Бухорода субҳи содикда, Қоҳирада кун ёйилганда чақирилмайди. Қуёш-нинг ҳаракатига қараб ибодат вақтлари ҳамма ерда бир пайтга белгиланган. Ёки ҳамма жойда инсоннинг инсонга зулми ҳаром, ҳамма ерда муслим ва муслиматарнинг илм олмоқлари бир хилда фарзdir.

Тошкентда бир киши вафотидан сўнг ўн етти ёки ўн тўққиз кундан сўнг «йигирма оши» берилади. Водийда бу одат сал кечроқ бўлиб, «қирқ оши» деб номланади. Бошқа мамлакатларда бу каби ошхўрлик умуман йўқ. Тошкентда икки ҳайит байрамида марҳумнинг яқинлари уч кундан бел bogлаб туришади. Водийда эса уч ҳайит, аммо эркаклар арафа куни фотиҳада юрадилар. Тошкентда ўлик чиқарилган хонадонда уч кунгача ўчоққа ўт қаланмайди. Сирдарёда эса то жанозага қадар жонлиқ сўйилиб, таом тортилади. Кўриниб турибдики, булар маҳаллий шароитга мосланган одатлардир. Уларнинг айримлари, масалан, арафа куни қабр·тепасига, ошхона бурчакларига шамчироқ ёкиб қўйиш ёки арвоҳларни меҳмон қилиш каби одатлар исломдан аввал ҳам мавжуд бўлган. Демак, улардан бемалол воз кечиш ёки камтарлик ва холислик билан сугорилган фойдали одатта айлантиришга ҳаракат қилиш мумкин. Воз кеча қолганимиз янада тўгрироқ. Чунки бутун соддалаштирилган одат эртага бари бир мураккаблашиб бораверади.

Бу каби одатлар бирданига юзага келмаган. Бир сабаб билан бошланиб, сўнг «ким ўзар» му-

собақа, яъни манманлик, риё югуриши бошланган.

Ҳар қандай одатнинг ё очиқ ёки рамзий маънолари бўлади. Қадим замонларда эр вафот этса, хотини ҳам тириклийин қўшиб кўмилган экан. Шубҳа йўқки, ўша давр дин руҳонийлари буни Худонинг хоҳиши деб белгилашган. Бу одат билан фақаттина хотиннинг марҳум эрга садоқати, фидойилиги намоён этилмаган, балки ўликнинг у дунёда қайта тирилиб, майшатини давом эттиришига ишонишган. Кейинроқ бу одат ислоҳ этилиб, қабрдаги хотин ўрнини чўри эгаллаган. Қабрга майшат учун зарур таомлар, ашёларни ҳам қўйганлар. Жоҳилият давридаги араблар эри вафот этган тул хотинга хароб кийимларни кийдириб, хароб ҳужрада бир йил яшашга мажбур қилган эканлар. Бу билан у гўё эрининг вафотидан гоят қайгуда экани, дунё чиройидан завқланишини ўзига ҳаром эттанини намойиш қилган. Шу зайлда бир йил аза тутгач, унинг ҳузурига бирон совлиқ ёки қуш олиб кириб беришаркан. Бева бирон нима билан жонлиқни таталаб-таталаб, терисини шилиб ўлдиргач, ҳужрадан ташқарига чиқаркан. Шунда унинг қўлига тезак тутқизишар, бева эса «бир йил давомида кўрган куним шу тезақдан баттар эди» деган маънода уни этиб юбораркан. Аза шу тарзда барҳам топаркан. Ислом дини бу каби маънисиз одатларга барҳам берди. Аза муддати (идда) асосли тарзда тўрт ой-у, ўн кун деб белгиланди. (Бу фақат эри ўлган хотин учун). Уламоларимизнинг фикрларига кўра, бу муддат фақат қайғу рамзи эмас, балки беванинг ҳомиладорлигини аниқлаш учун лозим. Шу-

нингдек, аёлнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган. Сир эмаски, бир киши вафот этса, уй-жой, мерос талашишлар бошланади. Баъзан қариндошлар «меросда хотиннинг ҳаққи йўқ» деб, ўзларига мос равишда фатво чиқариб, бевани уйдан ҳайдашдан ҳам тойишмайди. Белгиланган идда — 130 кун бевани шундай ҳужумдан ҳам сақлади. Аммо бу муддатни уй қамоги шаклида кўрмоқлик дуруст эмас. Агар бева истаса, идда муддатини бошқа уйда ҳам ўтказиши мумкин экан. Бу масала ҳам мерос ҳақидаги оятлар нозил бўлганида ҳал этиб берилган. Идда даврида бева ясан-тусан қилмоқлиқдан, бошқа кишига турмушга чиқмоқлиқдан, ўйин-кулгидан сақланади. Бу фарз, бажарилиши шарт бўлган одат. Лекин уни турлича талқин қилувчилар ҳам топилади. Бу масалага алоҳида тўхталишимизнинг сабаби: кекса бир онахон бева қолганларида «доно» отинчалар «Эрингизнинг жони узилган уйда тўрт ой, ўн кун жилмай ўтирасиз», деб «фатво» берибдилар. Кампир бечорага бошқа фарзандлари уйига боролмаслик камлик қилиб, шифохонада ётиб даволаниш ҳам мумкин бўлмай қолибди.

Бу ўринда биз фарз амалининг магзини чақиб кўрмай, уни бузиб талқин қилиниши оқибатида юзага келган бидъатга гувоҳ бўляпмиз. Фаргона водийсининг айрим тогли қишлоқларида эри ўлган хотин қирқ кун яланг оёқ юришга мажбур экан. «Нега шундай?» деб қизиқсак, «Худо шундай буюрган», деб ишонч билан айтишди. Воажаб, Худо фақат шу қишлоқларнинг хотинларига яланг оёқ юрмоқликни буюрибди-да, а? Шубҳа йўқки, бу одат исломдан аввалги давр-

лардан ўтиб келган. Худди араб бевасининг жонлиқни тимдалаб ўлдириб, сўнг тезак отишига ўхшайди.

Водийнинг айрим қишлоқларида яна бир одат сақланиб қолган: жанозадан сўнг (кўпинча масжид имоми раҳбарлигида) марҳумнинг яқинлари бир уйга тўпланишади-да, унинг гуноҳларини ҳисоб-китоб қилишади. Марҳум етмиш (ёки ундан кўп) йил умр кўрган. Шундан, айтайлик, ўттиз йилини бенамоз, берўза ўтказган. Демак, бенамоз ўтган ҳар куни учун фидя бериши шарт. Яъни, кунда бир фақирнинг қорнини тўйгазиши керак. Бир фақирнинг қорнини тўйгазиш (мисол учун) 5000 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, беш мингни уч юз олтмиш олтига, ҳосил бўлган рақамни эса 30 (йил)га кўпайтирилади. Шундай қилиб, марҳумнинг бир неча миллион сўмлик «гуноҳи» борлиги аниқланади. Унга рўза фидяси қўшилади. Бу ҳам салкам миллион сўмни ташкил этади. Демак, хонадон эгаси шу пулга арзийдиган бирон нимани: автомашинаними, бир-икки буқаними, ҳовлига олиб кириб boglайди-да, арқоннинг бир учини давра қурилган уйга узатади. Шунда марҳумнинг яқинлари (кўпинча имом бошчилигида) арқонни ушлаб, «Мен марҳумнинг мана бунча сўмлик гуноҳини сотиб олдим» дейди-да, кейин «Аллоҳнинг розилиги учун мен бу пулдан воз кечдим», деб тантлил қилиб қўяди. Гўё бу билан марҳумнинг маълум миқдордаги гуноҳлари шу одамга ўтади. Гуноҳлар шу тарзда бўлиб олингач, марҳум у дунёга гўё фариштадек жўнайди. Бунга ўхшаган одатлар қозоқ овулларида ҳам учрайди. Фақат у жойларда бунақа томоша кўрсатилмай, нақд

пул билан ҳисоб-китоб қилинади. Уламолар-нинг айтишларича, Тошкентда, бошқа вилоятларда ҳам бир пайтлар бу бидъат ҳукмронлик қилган экан. Муфтий Зиёвуддин Бобохон ҳазратларининг фатволари билан кўп жойларда бу бидъат барҳам топган. Ажабки, Қўқон атрофидаги айрим қишлоқлар ҳали ҳам ўликларнинг гуноҳларини сотиб олиш билан баандлар. Қишлоқ имомларининг бу бидъатга бош бўлгандари ачинарли ҳол, фидянинг хасталиги ёки бошқа узрли сабаб билан рўза тутолмаганлар тириклигига бериши кераклигини билмасликлари, бенамозларга бундай имтиёз йўқлигини билмасликлари ёки билиб туриб, шундай бемаъни одатга бош бўлишлари янада афсуслидир. Бир жанозада ўзимиз ҳам шундай одатга гувоҳ бўлдик. Қишлоқ имоми «гуноҳ сотиб олиш» маросимини бошлаш учун уйга кирганида марҳумнинг шогирдларидан бири «Тақсир, марҳум устозимиз намоз ва рўза фарз бўлган ёшдан бошлаб бехато равишда бу амалларни бажарганлар, сизнинг ҳисоб-китоб қилмогингизга ўрин йўқ, ҳисоб-китоб қилиш қиёматда Аллоҳ томонидан бажарилади», деб балоларга қолаёзди. У бидъатга эмас, нақ Аллоҳнинг буйргуга қарши одамдай, ҳатто «Аллоҳга қарши исён қилювчи»дай уйдан чиқарилди.

Қадимги Хитойда ота ёки она вафот қилса, уч йил мотам тутилар экан. Бу пайтда ҳатто мактабга бормоқ, илм олмоқ ҳам, мазали таомлар истеъмол қилмоқ ҳам ман этилган экан. Ривоят қилишларича, файласуф Конфуцийнинг шогирдларидан бири Цзай Во бу одатга қарши чиқиб, мотам учун бир յил кифоя,

деган фикрини билдирганида, устоз: «Ноинсоф ўғил! Ахир сени ота-онанг уч ёшингтача қўлдан қўймай катта қилишган-ку? Уч йил мотам тутмоқликни Осмон буюрган», деб норозилигини баён қилган экан. Кўриниб турибдики, улар мотам кунини белгилашда ота-онанинг гўдакка қилган хизматларини назарда туттганлар. Ислом дини эса бу одатни рад этади, аза уч кун деб белгиланади. Лекин бу уч кундан сўнг вафот эттганларни унудиши мумкин деган гап эмас. Инсон тирик экан, ўтганларини ҳар куни энг камида беш маҳал эслашга, дуо қилишга буюрилган. Инсон ҳар куни Яратганга илтижо қилиб, марҳумларни магфират этишини сўрайди. Зеро, «дуюнинг лугавий маъноси — «илтижо»дир. Бизни ташлаб, Аллоҳнинг раҳматига йўналганлар биз дамлаган ошга эмас, дуоларимизга муҳтождирлар. Оилада бир киши вафот этгани билан бу хонадонда ҳаёт тўхтаб қолмайди. Бир-бир ярим йил қайгу белгиси сифатида кўк кийиб, кўз ёши тўкишимиз билан марҳумнинг руҳи ором топмайди. Марҳумларнинг руҳи яхши ишларимизнинг савоблари, поклигимизда қилган холис дуоларимиздан баҳраманд бўладилар.

Тошкентда уч кун таом пиширилмаслигини «шундай қайгудамизки, томогимиздан овқат ҳам ўтмайди» деган рамзий маънони уқиш мумкин. Лекин нима учундир жанозадан фотиҳа ўқиш учун қайтганларга атаб ноз-неъматли дастурхон безаб қўйишиади. Бу дастурхон уч кун давомида ёзиглиқ туради (ҳайит байрами кунлари ҳам шундай). Хайриятки, ҳозирги кунда кўп хонадонларда бунинг бидъат эканини тушуниб,

дастурхон безашмаяпти. Құшниларнинг, қарин-дошларнинг таом пишириб келишлари яхши одат, уларнинг меҳр-оқибатларидан дарак беради. Лекин бошқа ердан овқат келишини кутиб туриш ҳам дуруст эмас. Динда «аза уч кун» деб белгиланған, «уч кун овқат пиширмай, емай, оч үтирилсін» дейилмаган.

Сирдарё томонларда жонлиқ сўйилиб, дошқозонда таом пишириш, жанозага келганларга пул тарқатиши бидъатига эса бугунги кунда мутлақо ҳожат йўқ. Келинг, бир оз мозийга қайтайлик. Мирзачўл томонларда одамлар зич яшашмаган. Бир қишлоқдан иккинчисига етиб келгунча от-аравада узоқ йўл босишган. То жанозага етиб келгунларича очиқишган, чанқашшган, ҳоришишган. Уларга дам бериш, тўйдириш учун овқат пишириб қўйишишган. Қайтиб кетишларига асқотар деб озгина пул ҳам беришгандир. Энди эса бунга зарурат йўқлигини ҳамма билади. Ҳозир қишлоқлар ораси унча узоқ эмас, автомашина деган беминнат дастёrimiz ҳам бор. Жанозага келганларнинг шу ернинг ўзида овқатланишига, айниқса, бериладиган беш-ўн сўм пулга муҳтожликлари йўқ. Шунга қарамай, бидъат ва хурофотдан қутулишнинг ҳаракати кўринмай турибди. Пулдор одамлар жаноза баҳонасида бойликларипи кўз-кўз қилиб олишга уринадилар. Жанозани тўйдан афзалроқ тарзда ўтказадилар. Қўл учида кун кўрувчилар эса «мен ҳам шундай қилишга мажбурман» деган фикрда қарз олишга мажбур бўладилар. Яқин одамидан ажралган хонадон учун бу азоб устига азоб эмасми? Дин эса одамларнинг беҳуда азобда қолишини мутлақо инкор этади.

Жанозадан кейинги барча бидъатларни таҳлил этсак, марҳумга, унинг руҳига фойдасиз эканини қўрамиз.

«Йигирма», «йил оши»да Қуръон тиловат қилинади. Қуръони карим тиловатига қулоқ солиб тинглашнинг фарзлигини қўпчилик билади. Диққатни фақат Аллоҳнинг қаломига бериб, жимгина эштиш лозим. Таассуфки, баъзилар Қуръон ўқилаётганда ош ошалайди, хўриллатиб чойни ҳам ичаверади, юраверади ҳам. Энди қарайлик: савоб топайлик деб қилган эҳсонимизда гуноҳ ишлар юз берса, натижаси нима бўлади?

Айрим уламо, имом-домлаларимиз «фатвоси»га асосан «йигирма», «йил оши» йигирма беш ёки эллик кундами «эҳсон», бошқача айтганда «амри маъруф ва наҳий мункар» тарзида ўтказиш йўлга қўйилди. Пули борларга унисининг ҳам, бунисининг ҳам фарқи йўқ — сочаверадилар. Тўтириғи, «амри маъруф» тарзидаги маърака уларга маъқулоқ. Чунки бундай йигинда маърузачи микрофон орқали маърака эгасини келиштириб мақтайди, унинг ҳақига ажойиб дуолар қиласди. Аммо маъраканинг бу тури кўпчиликни қийнаб қўяди: энди улар маъруза қилувчи домлага, микрофончига ҳам пул беришлари шарт. Домла-имомларимиз янги одатта «эҳсон» деб чиройли ном қўйиб бердилар. Ўзлари эса ашулачиларга ўхшаб дафтарча тутиб олганлар. Ашгулачилардан фарқли ўлароқ, улар баъзи кунда тўрт-беш «эҳсон»ни гуллатиб берадилар. Дастурхонга, зиёфат охирида тугулажак тутуннинг ҳажми, айниқса чўнтакка солинувчи «муллажиринг»нинг чўгини чамалаб, дуони қуюқ қиласверадилар. Машҳурроқ дом-

лаларимиз бадавлатларни кидаң қолмайдилар, мундайроқларни кидаң эса шогирдларини юборадилар. Ачинарлиси шуки, бундай дабдаба матросимларини рагбатлантиришга уринадилар. Имомлардан бирининг «ақиқа» деб аталувчи матросимда «Пайғамбаримиз қарз олиб бўлса ҳам ақиқа қилишни буюрганлар», деганини эшишиб, «Бу киши адашиб айтиб юбордилар», деб ўйлагандик. Кейин яна бир неча марта бу асоссиз гапни эшишиб, афсусландик. Исломда қарз олиб эҳсон ёки худойи қилиш мумкинмаслигини бу тақсирим ё билмайдилар, ё билиб турсалар-да, ўз жигилдонлари манфаати юзасидан «фатво» тўқийидилар, мўминларни чалгитадилар.

Ислом кўрсатмаси бўйича одам энг аввало ўз оиласини таъминлаши керак. Эҳсони ҳам, ҳадяси ҳам биринчи галда ўз фарзандлари ёки ота-оналарига бўлиши шарт. Ота-онасини яхши парвариш қилиш, фарзандларини яхши кийинтириб, едириб, яхши ўқитиб, ундан ортиурса, яқинларни сийлаши мумкин. Фарзандлари ризқини қийиб, ўзгаларни тўйдиришини дин буюрмайди. Эҳсон ёки худойи дегани албатта қўй сўйиб, зиёфат қилиш, имомни чорлаш эмас. Ҳукамоларнинг айтишларича, «худойи» деб мискинларни тўйдириш айтилади.

Дўстингиз ёки қариндошингиз сиздан қарз дейлик. Қарз тўлашга қурби етмай, руҳан қийналиб юрибди. Шу қарздан Аллоҳ розилиги учун кечсангиз, энг улуг савобга етган бўласиз. Агар бирор сизни ножӯя хафа қилган бўлса-ю, сиз унинг бу гуноҳидан ўтсангиз, кечирсангиз, бу ҳам ўзига хос бир «худойи» дейиш мумкин.

Эҳсон-худойи жойига сарфланса, энг савобли иш. Қўшниси, қариндоши ёки биродари муҳтоҷ

бұлгани ҳолда кишининг сочиб, тұкиб, исроф қилиш даражасида ҳаёт кечириши дуруст эмас. Шу боис ҳам закот фарз қилинган. Ҳар бир дин одам болаларининг тенг яшамоқликларини даъват этади. Исломда бу масала янада мұкаммалроқ даражададыр. Ҳаёт шундайки, би-ров тәдбирида илғор бұлгани сабабли бойиб кетади, бошқаси илм-хұнарда заифлигидан ёки хасталиги туфайлими мұхтожроқ бўлиб қолади. Хайр-эҳсонлар ана шунда керак. Тұкин-сочин дастурхонлар атрофида биз бу неъматларга мұхтож бўлмаган ўзига тұқ одамларни кўрамиз. Зориққан одамлар эса чорланмайды. Бирон киши эскироқ кийимда яқинлашса, «Сен шошмай тур, меҳмонларни кузатиб олай, сўнг сенга овқат бераман», дейди. Хасталиги ёки бошқа узрли сабаб билан зориқиб яшаёттганларнинг аксари иззатда бўлмасликларини билиб, бундай «худойи»ларга яқин ҳам келишмайды. Маърака згаси агар инсоф қилса, унинг уйига қолган ошдан бир лаган чиқаради, бўлмаса йўқ.

Динда эҳсон-худойиларнинг аниқ муддатлари белгиланмаган. Бу маъракаларни ўтказиш учун бирорнинг ўлимини ёки бошга ташвиш тушишини кутиш шартмас. Кимнинг қачон имкони бўлса, исроф қилмаган, барча одамларни тенг кўрган ҳолда ўтказавериши мумкин.

Андижонлик дўстим ачиниб айтиб қолди: бадавлат қўшниси маърака қилмоқчи экан. Дўстим бунинг ноўрин эканини тушунтириб, мұхтож қўшнига ёрдам бериш афзалроқ эканини айтибди. Бироқ, бадавлат одам икки кундан кеин маъракага айтиб чиқиб, тўрт етим билан

бева қолган хонадонга эмлик минг сўм садақа берганини ҳам фахр билан билдирибди. Ана энди у одам ўтказган маъракага ўзингиз баҳо беринг. Унинг жоҳиллиги ёки кибр-манманлиги катта савоб йўлини тўсди.

Бадавлатларнинг маърака ошларини ейишга чидаш мумкинdir. Бироқ, балогатга етмаган, норасида етим болалар қолган хонадонга қайси бет, қайси фаросат ва қандай мақсадда борилади? Ўша тортилган ошда етимнинг ҳақи борлигини наҳот фаҳм этмаймиз? Аждодларимиздан қолган ибрат бор: етимларнинг уйида ҳатто уларнинг пиёласидан ҳам фойдаланиш мумкинmas. Наҳот бу ибратлар унугтилди?

Бир дўстимнинг укаси қазо қилиб, вояга етмаган беш боласи етим қолди. Жаноза олдидан муҳтарам домла-имомга вазиятни тушунтирган эдим, у киши бу хонадонда маърака ошлари қилмаслик ҳақида яхши гапирдилар. Етим ҳақи нима эканини тушунтирудилар. «Йигирмасини мен қилиб бераман» деган мард топилганда ҳам бу маъракани қилмай, унга кетадиган харажат пулини шу оиласа топшириш савоброқ эканини таъкидладилар. Дафн маросимидан сўнг хонадонга келиб, фотиҳа ўқигач, бу масалага қайтиб, янада ойдинроқ тушунтирудилар.

Эртасига келсан, дўстим тогалари, амакилари, маҳалла раиси билан бирга «йигирма өши»ни қаерда, қачон, қандай ўтказишни маслаҳатлашиб ўтирибди.

– Кеча домланинг гапларини эшитмадиларингми? – деб ажабландим.

– Домла гапираверади, нима, биз кетмон даста кўумиблизми?

— Етим ҳақи-чи?

— Маъракани ана, акаси ўтказиб беради.

Акаси — менинг дўстим. Бир неча ой аввал тўнгич ўғлидан айрилган, бошқа болалари ҳали ёш, ўзи маошга қараб кун кўради. «Йигирма оши» қилса, қулогигача қарзга ботиши аниқ.

— Бунинг ҳам вояга етмаган болалари бор. Узидан ортмайди топгани, — деб эътиroz билдиридим.

— Ке, қўй дўстим, шу «йигирма»ни қилмасам, маломатта қоламан. Маҳалла нима дейди?

— «Маҳалла нима дейди?» деб яшаган дурустми, ё «Худо нима деркин?» деган аълороқми?

Хуллас, ўша куни мен енгандай бўлиб эдим. Бир ҳафта ўтгач, дўстим қўнгироқ қилди:

— Якшанбада «йигирма». Келмаслигингни билсам ҳам айтиб қўйяпман...

Афсуски, бундай воқеаларни тез-тез эшигиз. Ёки учратамиз. Яхши амалларимиз билан савоб топиш ўрнига бидъат ва хурофот қулига айланиб қолганмиз. Бу билан ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам қийнаймиз. Айтганларимизга қараб, бидъат ва хурофотдан қутулиш мумкин эмас экан-да, деб бадбин холосага келмаслик керак. Бугун жамиятимизда бидъат ва хурофот одатларимиздан воз кечаётган, бошқаларга тушунтираётган, бу тушунтиришни амалда исбот этаётган биродарларимиз кўп. Бидъат ва хурофотдан қутулиш қийин эмас. Бу масалани яхши ечиб берувчи уламоларимиз, илмига амал қилгувчи домла-имомларимизнинг сўзларини яхши фаҳм этсак кифоя.

\* \* \*

Үқиганингиз бу сатрлар мулоҳаза сифатида баён этилиб, фикрлашиш мақсадида матбуотда эълон қилинган эди. Каминада билимни кўз-кўз қилиш ёки ўзни илмилар сафида кўрсатишга уриниш мақсади зинҳор бўлмаган. Мен олим эмасман, олимларнинг мухлисиман. Кўп қатори уларнинг илмларидан баҳраманд бўламан. Бу уламолар билан замондош қилгани, уларнинг сұхбатларини насиб этгани учун ҳамиша Яраттанга шукр қилиб юраман. Ажабки, бидъат ва хурофот хусусидаги фикрларим АЙРИМ биродарларимизда галати таас-сурот уйготибдик, гайри фикрларини жамоат орасида ҳам айтиб, бир озгина гийбат гулобидан ҳам симирибдилар. Бундан кўнглимга озор етди. Йўқ, бу озор уларнинг номаъқул муомалаларидан эмас, балки гийбат гуноҳидан татиб қўйишларидаңдир. Динимизга хизмат қилиб келаётган ул биродарларимизнинг бундай гуноҳлардан эҳтиёт бўлишларини истар эдим. Аллоҳ уларни кечирсин. Катта жамоатларда айтилмиш гайри фикрлар унчалик тўғри бўлмагани учун баёнимизга кичик илова лозимдай кўринди, маъзур туттайсизлар.

Биринчи иловамиз будир:

Тўғри гапни тушуниш осон эмас. Кўнгилга ботмайдиган тарзда тушунтириш эса янада ма-шаққатлироқдир. Муборак динимизнинг қудратига салбий таъсир этувчи бидъат ва хурофотлар хусусида фикр юритиб, бу ярамас одатларга йўл беришда АЙРИМ имомларнинг «хизмати» ҳақида бир-икки сўз айтиб эдик. Ният холис эди, кимнидир айблаб, шармисор қилмоқ фикридан узоқ эдик. Аммо ҳақиқатни

баён этишда құпопроқ оқанғға жүз шекилли, айрим имомларимиз ранжисінде. Бунинг учун, албатта, узрлимиз. Аммо ҳақиқатни англашдан бош тортиб, бидъат ва хурофот ботқогидан қутулиб чиқмоқликка урин-масликлари күнглимини яна хира қиласы. «Динимиз учун оғат ҳисобланувчи бидъат ва хурофотлардан қутурайлик», демоқлик ўрнига «Бу одам нега ақл ўргатмоқчи бўлади, нечта ҳадисни билади ўзи?» деб маломат қилишлари ажабланарли. Биз бунга жавобан кишининг динга қилган хизмати нечта ҳадис ёдламоқ билан эмас, билганларига тўгри амал қилмоқлик билан қадрланади, деймиз. Чунки қиёматда айнан амал асқотмогини ақл эгалари яхши билишади. Ҳадиси қудсийда: «Бандаларимнинг ибодатлари ичидә менга суюмлироги — менинг йўлимда яхши амалларга тарғиб ҳамда холис насиҳат қилишдир» дейилган.

Абу ат-Туфайл Омир ибн Восила (розиёллоҳу анҳу) айтдилар: ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳу)дан сўралганда, ҳазрат Али: «Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ўзимизга хос айтган гаплари фақат мана шу қиличимнинг қинидагилардир», дедилар-да, ундан бир саҳифа қоғоз чиқардилар. Бу саҳифада: «Аллоҳ таолодан бўлак нарсалар номига аatab бирон жонлиқни сўйган кишига, ота-онасиға лаънат ўқиган кишига ва шариатда бўлмаган нарсаларни дин номидан пайдо қилганларга йўл берган (имконият тугдирган) кишига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин» деган ҳадиси шариф ёзилган экан.

Мазкурни шарҳлашдан ожиз банда ожиздир.

баён этишда қўполроқ оҳангга йўл қўйганмиз шекилли, айрим имомларимиз ранжибдилар. Бунинг учун, албатта, узрлимиз. Аммо ҳақиқатни англашдан бош тортиб, бидъат ва хурофот ботқогидан қутулиб чиқмоқликка урин-масликлари кўнглимизни яна хира қиласди. «Динимиз учун оғат ҳисобланувчи бидъат ва хурофотлардан қутурайлик», демоқлик ўрнига «Бу одам нега ақл ўргатмоқчи бўлади, нечта ҳадисни билади ўзи?» деб маломат қилишлари ажабланарли. Биз бунга жавобан кишининг динга қилган хизмати нечта ҳадис ёдламоқ билан эмас, билганларига тўғри амал қилмоқлик билан қадрланади, деймиз. Чунки қиёматда айнан амал асқотмогини ақл эгалари яхши билишади. Ҳадиси қудсийда: «Бандаларимнинг ибодатлари ичida менга суюмлироги — менинг йўлимда яхши амалларга тарғиб ҳамда холис насиҳат қилишдир» дейилган.

Абу ат-Туфайл Омир ибн Восила (розиёллоҳу анҳу) айтдилар: ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳу)дан сўралганда, ҳазрат Али: «Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг ўзимизга хос айтган гаплари фақат мана шу қиличимнинг қинидагилардир», дедилар-да, ундан бир саҳифа қозоғ чиқардилар. Бу саҳифада: «Аллоҳ таолодан бўлак нарсалар номига аatab бирон жонлиқни сўйган кишига, ота-онасига лаънат ўқиган кишига ва шариатда бўлмаган нарсаларни дин номидан пайдо қилганларга йўл берган (имконият тугдирган) кишига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин» деган ҳадиси шариф ёзилган экан.

Мазкурни шарҳлашдан ожиз банда ожиздир.

\* \* \*

Қуръони каримда: «Эй Пайғамбар, құл остиңгиздаги асирларга айтингки: Аллоҳу ак-бар күнглингизда яхши ниятлар борлигини билса, сиздан олинганидан ҳам күпрогини сизга беради. Сизни ёрлақайди. Аллоҳ ёрлақувчи ва кечиргувчидир» деган мазмунли оят бор. Мавлоно Румий бу оятнинг нозил бўлиши сабабини бундай ривоят қиласидар:

«Мустафо (Тангри марҳамат қиласин) жангдан сўнг кофиirlарнинг молларини ганимат сифатида олган (яъни, қилич ҳақи ўлароқ душмандан олинган мол, пул), бир қанчаларини эса асир қилиб, қўл-оёқларини bogлатган эдилар. Амакилари Аббос (Аллоҳ ундан рози бўлсин) буларнинг бири эди. Асиirlар bogланган, ожиз ва тушкун ҳолда йиглаб-сиқташар, бутун умидларини пароканда этувчи қилич ва ўлимни кутар эдилар. Мустафо (Унга салом бўлсин) уларга қараб кулдилар. Бунга жавобан: «Ана кўрдингизми, унда инсонлик (ожизлик) бор, «менда ожизлик йўқ», дея сўзида туриб олиши тўгри эмас. У бизларга қарамоқда ва бизларни арқонлар ичида ўз асири сифатида кўриш билан гўё нафсларига енгилган инсонларнинг ўз душманлари устидан галаба қозониб, уларнинг маҳз бўлганларини кўрарак қувонгандарий ва хурсандчиликдан ўйнаганлари каби у ҳам севинмоқда, мамнун бўлмоқда», деб ўйладилар.

Мустафо (Аллоҳ марҳамат қиласин) уларнинг кўнгилларидан кечган бу ўйни англалилар ва дедиларким:

«Аллоҳ сақласин! Мен бунинг учун кулмаяпман. Балки сир кўзи билан бир қавмни жа-

ҳаннамдан, олов ёниб турган қип-қизил ўчоқ-дан ва кин билан қорайган мүридан арқону занжирлар билан торта-торта зўрлаб жаннатга, ўлим йўқ бир гул богига олиб кетаётганим ҳолда, уларнинг: «Бизни бу таҳликали жойдан у ишончли гул богига нега судраяпсан?» – дея бақириб баддуо эттаганларини кўрганимдан куляпман. Шу билан бирга, сиз ҳозир бундай бир қарашга эга бўлмаганингиз туфайли айтганларимни англамайсиз ва аниқ-тиниқ кўролмайсиз».

Улар мусулмонларга асир одамлар эдилар. Орамиздаги ўз нафсига, ўз жоҳиллигига асир бўлган одамлар-чи? Имом ёки илмли биродари уни таҳликали жойдан ишончли гул богига йўлламоқчи бўлади. У жоҳил эса имомнинг камчилигини қидиради ва дейдики: «Ўзингнинг бундан-да баттар айбларинг бор, нега менга ақл ўргатарсан?» Илмли биродар: «Мўлжалингиздаги бу иш бидъат ва хурофот, ва унда савоб йўқ, буни қилманг!» деб огоҳлантиради. Биз деймизки: «Шу ишни қилмасам, маҳалла (ёки қишлоқ) маломат қиласар». Ўйламаймизки, бидъатга шўнгиганимиз учун Аллоҳ ҳузурида уятли бўлиб қоламиз.

Давраларимизда шундай одамлар ҳам борки, жоҳилликдан қочмоқ истайдилар ва мақсадларига эришгандай бўладилар-у, буни комиллик фаҳмлайдилар. Беш вақт намоз, рўза... Уларнинг назарларида айнан шулар комилликдан иборатdir ва улар бу фазилатлари билан фаҳрлана бошлайдилар. Ҳолбуки, уларнинг бу ҳаракатлари таҳсинга эмас, танқидга лойик. Чунки улар бу ибодатлари билан ҳали камолга етмаганлар, таъбир жоиз бўлса, камолот ден-

гизининг соҳилида турибдилар. Ҳали бу денгиз сувига бармоқларини теккизганлари ҳам йўқ. Камолга етмоқ учун эса бу денгизни заҳмат билан сузиб ўтиш лозим бўлади. Гафлат иллати бу биродарларимизнинг кўнгилларига жаҳл ва гуурни солиб қўйган. Зеро, улар ўз хаёлларига магрур бўлиб, асл мақсаддан узоқлашишган. Гап шундаки, намоз ўқийдилар, рўза тутадилар-у, тиллари гийбат ва игволардан бушамайди, қалбдаги ҳасад ўти ҳам ўчмаган. Ҳамонки, намоз бандани ёмонликлардан қайтарар экан, бу тоифа эса қайтмаётган экан, демак, ибодатлари юзаки экан.

«Тарихи Мұхаммадий» китобида ибратли фикрлар бор: «Инсон асли яратилишида икки тарафлик сифат билан яратилмишдур. Яъни, жисмоний-ҳайвоний ва руҳоний-малаконий сифатларга эгадур. Ҳар икки томоннинг тарбияти ўзига хос гизоси (озуқа) билан бўлур. Яъни, емак-ичмак инсоннинг жисмоний тарбияти бўлганидек, намоз-рўза, тоат-ибодат унинг руҳоний тарбиятидур. Инсон боласи жисмоний сифатлари томонидан қаралса, ҳайвон боласидан ҳеч қандоқ фарқи йўқдур. Агар инсон ҳайвоний сифати билан қўйилса, ул ҳолда ўзидан бошқа ҳеч нарсани танимайдур. Бошқа бирорлар учун қайғуриш унинг эсига ҳам келмайдур. Очлик-chanқоқлик энг оғир ишдир. Бунинг қийинчилигини ҳар ким ақди билан билса ҳам бўлур. Лекин очликни татиган киши уни татимаганлардан яхшироқ билур. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳар йили бой-чагой, шоҳугадо демай, бир ой рўза тутмоқни барчага бир текис фарз қилди. Ҳаммага очликнинг аччигини totқизди. Очлик қандоқлиги тотиганларга очлик

билан эзилган ожизларни эслатди. Энди рўзанинг руҳоний томонига қарасак, агар шароити риоя қилинган тақдирда унинг киши қалбига, руҳига бошқа ибодатларга қараганда тезроқ таъсир қилишида ҳеч шак йўқдур. Ибодат, риёзат таъсир қилди, демак, қалб, руҳ қувват топиб, ёмон хулқлардин пок бўлди демакдур. Инсонда доимо қарама-қарши икки тортишув бордур: биринчиси — раҳмоний ақл, иккинчиси — шайтоний нафсдур. Буни Пайгамбаримиз (с.а.в.) «Ламмаи раҳмония, ламмаи шайтония» дедилар. Бу икки куч одам боласини доимий суратда талашурлар. Ҳақиқатда эса буларнинг бири — жаннат, иккинчиси — дўзахдур. Бу икковидан қайси бирига қўшилса, бандада ихтиёр бордур. Лекин шуни билмоқ керакким, намоз, рўза, тоат-ибодат билан раҳмоний ақл қувват топади. Агар булардан ажраб, фисқ-фасод, нафси-ҳаво йўлига кирса, шайтоний нафси ривожга киради. Мана бу икки қувватнинг қайси томони ривожлик, кучлик бўлса, инсон шу томонга мойил бўлур...»

Ривоятга кўра, ҳазрати Али (р.а.) дараҳт соясида ўлтирас эдилар. Бир фақир келиб ўз ҳолидан шикоят қилди. Ҳазрат Али ердан бир сиқим қум олиб, дуо ўқидилар-да, уни фақирга узатдилар. Фақир қумнинг олтинга айланиб қолганидан қувониб: «Эй амиралмўминин, Аллоҳ ризоси учун менга бу дуони ўргатинг», деб ёлборди. Ҳазрат Али ўқилган дуонинг Фотиҳа сураси эканини айтишлари билан ул фақир бир сиқим қум олиб, айнан сурани ўқиб дам солди, аммо қум олтинга айланмади. Шунда у ажабланиб сўради:

– Бунинг сири нимада?

Жавоб бердилар:

– Иккимиз ҳам айни бир сурани ўқидик. Демак, фарқ оғиз ва қалбларимиздадир.

Гоят гўзал жавоб! Иймон ва жоҳиллик орасидаги фарқни ҳам шундай ажрим қилсак бўлар.

Нуқсонли кишигина ўзини комил ҳисоблади. Уз нуқсонини исбот қила олган киши эса ҳақиқий комил саналади. Камолотга эришганлар ўз камолотлари ҳақида мақтанимайдилар, аксинча, бу ҳолат жоҳилларда мавжуд. Бундай кишилар ўзларини олим деб атаганлари билан аслида жоҳиллар. Уз камолоти билан мақтаниш жаҳолатдан ўзга нарса эмас. Такрор айтамиз: кимки ўзини комил деб ҳисоблар экан, у албатта нуқсонидир. Ана шу нуқсон унга камолотга етишиш учун йўл бермайди. Зеро, қуёш ҳам туш пайтида ўзини баркамол кўриб, энг юксак нуқтага кўтарилдим деб ўйлади, аммо шу ондаёқ унга завол юзланади — у пастга қараб бота бошлайди. Негаки, унинг чиндан ҳам камолоти бор эди. Аммо уни кўрган заҳотиёқ заволга юз тутди. Ўзини комил деб кўраётган киши гўё ёмон одамнинг ўзини яхши кишига нисбат этганидек бир гап. Бундайларни тузатиш осон эмас. Чунки уларнинг биноси кибр ва гуурурдан қад кўтаргандир. Бундайлар билан баҳслashiшнинг фойдаси ҳам йўқ. Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Бирор жоҳил одам сўзлайвериб, олимни сукут эттирса, таажжуб қилмаслик лозим, чунки тош гавҳарни синдира олади. Жоҳил киши сукут билан жоҳиллигини яширсайди, ўртача ақлли одам ҳисобланган бўларди. Лекин жоҳиллик

билин сукут иккиси бир одамда жам бўлолмас экан.

Афлотунга дедилар:

– Кечаги зиёфатда фалончи сизни мақтади.

Буни эшитган Афлотун бошларини қуий солиб, фикру хаёл уммонига гарқ бўлибдилар.

– Эй ҳаким, мен нима дедимки, бунчалик фикру андишага берилдингиз?

Афлотун дедилар:

– Мени сен айтган сўзлар ўйга толдиргани йўқ. Мен қилган ишларимни ўйлаб ўтирибман: қанақа жоҳилона иш қилган эканманки, бу қилмишим у жоҳилга ёқиб тушибди ва у мени мақтаб юрибди? Бирор аҳмоқлик қилмасанг, ҳеч бир аҳмоқ сени мақтамайди ва кўкларга кўтармайди.

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

– Ҳикматли сўзларингиз, одоб-ахлоққа доир ваъз-насиҳатларингиз билан кўпларни яхши йўлга солдингиз, насиҳатларингиз кор қилмай ўзининг ёмон феъл-атворини ташлай олмаган киши ҳам борми?

Луқмони Ҳаким жавоб бердилар:

– Бор. У — жоҳил, бадфеъл одам. Уни шу ярамас хулқдан қайтаришга ҳар қанча уринсан ҳам фойдасиз бўлиб чиқди, тузатишдан ожиз бўлдим.

Ривоят қилурларким, бир шаҳардаги олим, фозил қози вафот этиб, унинг ҳурмати юзасидан ўғли қозилик мансабига тайин қилинди. Ўтил багоят жоҳил ва нодон эди. Янги қозининг жоҳиллигидан уялган қариндош-уруглари унга илм ўргатиш, адабли, тарбияли қилиш учун бир муаллимни тайин этдилар. Бир куни тил қоидалари дарсида муаллим мисол келтирди:



– Ўглим, мана бу гапга диққат қилинг: «Аҳмад Маҳмудни урди» деган жумладаги қайси сўз эга, қайси бири кесим?

Бу саволни эшишиб, қози газабланиб кетибди:

– Вой, Аҳмад нима учун Маҳмудни уради? Нега шу пайттacha ҳеч ким менга хабар қилмайди? Бечора Маҳмуд калтак еб индамай кетаверадими?

Муаллим бу жоҳилнинг сўзларидан кулишни ҳам, кулмасликни ҳам билолмай, ажабланганича тушунтиromoқчи бўлди:

– Масала сиз ўйлагандай эмас, бу ерда урган, урилган киши йўқ, фақат мазкур жумладан эга ва кесимни топиш учун келтирилган бир мисодиди.

– Бекор айтибсиз! Ҳозир одам юбориб, Аҳмадни топтириб келтираман-да, унга жазо бераман. Ўзингиз «Аҳмад Маҳмудни урди», деб гувоҳлик бериб турибсиз-ку? Энди нега сўзингиздан қайтяпсиз?

– Тушунсангиз-чи, «урди» сўзи ҳақиқий эмас...

– Нима? Ҳақиқий эмас, дейсизми? Сиз Аҳмаддан пора олганга ўхшайсиз, унинг томонини олиб, айбини беркитмоқчисиз. Мен қозилигим вақтида бундай зулмга, бундай бевошликларга йўл қўймайман! – деб муаллимни ҳинданбаанд қилишга, Аҳмад деган кишини эса топтириб келишга буюрди.

Воқеадан хабардор бўлган жоҳил қозининг қариндош-уруглари етиб келиб, минг машаққат билан ҳақиқий ҳолатни англатиб, муаллимни озод этдилар.

Байт:

Жаҳлдан одамга кўп қайгу-алам етар,  
Жоҳил одам сұхбатидан алҳазар,  
минг алҳазар.

Жоҳиллик ҳақида сўз кетар экан, зиёрат одобида йўл қўяётган хатоларимизни четлаб ўтсак, инсофдан бўлмас. Халқимиз улуғлар қабрларини зиёрат қилишни гоят хуш кўради. Кимники бошига бир ташвиш тушса, зиёратта отланади. Зиёратга доир одоб мавжудлигини, бу одобга риоя қиласлик туфайли киши гуноҳкор бўлиб қолиши мумкинлигини билганилардан кўра билмаганлар кўпроқ. Билмаганлари туфайли савоб топаман деб, ширк келтириб қўйиш ҳолатлари кўп учрайди. Зиёратчиларнинг бири дейди: «Баҳоуддин балогардонга аatab қўй сўйдим». Бу жоҳилнинг ниятда адашганини ким тушунтириб қўйиши керак? Қурбонликнинг Аллоҳ ризоси учунгина сўйилмогини англатиш, ўзга нарсаларга аatab сўйилган қўй гўшти ҳаром эканини билдириш кимнинг вазифаси? Яна бир зиёратчи қабр яқинидаги дарахт шоҳларига рўмолча bogлаб, валийдан фарзанд талаб қиласди. Нимаики сўраш лозим бўлса, Аллоҳдан сўраш шартлигини билиш у қадар мушкул эмас-ку? Кейинги йилларда улуғлар дағи этилган жойларнинг атрофлари обод этилди. Зиёратгоҳлар кўпайди. Аммо бу борадаги жоҳиллик сира камайгани йўқ. Ҳали ҳам ҳазрат Алиниң қабрини зиёрат қилиш учун Фаргонанинг Шоҳимардонига борадилар. Ушнинг Новқат аталмиш жойида ҳам баъзилар ҳазрат Алиниң қабрлари бор деб ўйладилар. Айримлар балаңд қояга ул зот минган отнинг туёқлари изи тушиб қолган, деб тошларни юз-

ларига сурадилар. Ахир тарих илми бу ҳолнинг жоҳиллик эканини айтиб турибди-ку? Энг ажабланарлиси — Увайс Қараний ҳазратларининг қабрлари Ўзбекистоннинг икки ерида мавжуд. Ҳар икки зиёратгоҳнинг ўз шайхлари бор. Яманда яшаб, вафот этган улуг зотнинг қабри қандай қилиб Ўзбекистонда пайдо бўлиб қолганини, эҳтимол, тарихни яхши билувчи уламоларимиз тушунтириб беришар? Наманганинг Чорток аталмиш гўшасида ҳатто Увайс Қараний оналарининг қабри бор, деб ишонтиришмоқчи бўлишади. Бу зиёратгоҳга келганлардан сўраб кўрилса, валий зотнинг ким эканлигини билмайдилар. Ҳатто зиёратгоҳни тирикчилик манбаига айлантириб олиб, ўзига «шайх» унвонини берганлар ҳам билмайдилар. Қабр устига пуллар сочилган. Енгиз, кўкраги очиқ кўйлак кийган, бошяланг аёллар, бетаҳорат эрлар бу қабрда ётган марҳумдан ниманидир сўраб, илтижолар қиласидар. «Шайх»лар эса ўзларича ёд олган оятларни ўқиб, тирикчилик қилишдан чарчамайдилар. Эллик қадам наридаги чойхонадан бемаъни, ҳатто беҳаё қўшиқлар жаранглайди... Ана сизга жоҳилликнинг гўзал манзараси! Ўтган тузумдаги атеистлар динга қарши курашда айнан шу манзараларни дастак қилиб олар эдилар. Улар айнан шу манзарани диннинг асл кўриниши деб ишонтиromoқчи бўлишарди. Шўролар жамияти динни худди шу жаҳолатдангина иборат деб билиб, зиёратгоҳларни оёқ ости қилишга амр берган эди. Энди замон ўзгарди, атеистлар ҳам йўқ бўлди деб тахмин қиласилек. Бу жоҳиллик қачон йўқ бўларкин? Бу саволга ким жавоб берга олади?

\* \* \*

«Ақлли одамларнинг душманлиги өз одамларнинг дўстлигидан кўра яхши ўз; Жаҳолат башарият фикри учун қоронги бир кечава ҳар турли разилликларнинг онасидир», дейдилар. Бугунги кунда XXI асрдаги мавжуд барча жамиятлар ҳақиқий жоҳилият даврини бошларидан кечирмоқдалар десак, янглишмаймиз. Ҳа, фан-техника юксак дараҷада. Аммо асримиз инсони умидсиз, изтиробли, гамгин. Урушлар, янги турдаги мустамлакачилик сиёсалари, ваҳшийликлар, зулму зўрвонликлар, фаҳшнинг кенг тарқалиши, жиноятларнинг ва жиноят турларининг кўплиги ва ваҳшийлашуви, ўз жонига қасд қилишлар, давоси йўқ хасталиклар... Бу иллатлар қайси мамлакатда йўқ, қайси ривожланган мамлакат «бизда жаҳолат йўқ» деб мақтана олади? Энди қарайлик-чи, инсоният азалдан соғиниб келган ҳузур-ҳаловат, тентглик ва биродарлик, инсоф ва тавфиқ, раҳму шафқат, ўзаро муҳаббат қаерда, қачон ва қандай топилади? Жаҳолат, ақл ва туйгулар мажруҳлиги ҳозирги пайтда ахлоқий иллатга айланмоқдаки, дунё оқиллари бундан ташвишланмоқдалар ва зулмат аро нур изламоқдалар.

Фан-техника ривожини тилга олдик. Бундай тараққиётга етишиш ечими оғир масала эмас. Агар бир мамлакатда фан ва техника пароканда аҳволга тушиб қолган бўлса, бир неча юз ёки бир неча минг иқтидорли илм эгаларининг саъи-ҳаракатлари билан бу тубанлиқдан кўтарилиш мумкин. Лекин мамлакат маънавияти тубанликка юз туттган бўлса, жаҳолат ботқогига бўғзига

қадар ботган бұлса, бир неча минг олимнинг ҳаракати кифоя қылмайды. Бу ботқоқликдан якка-ёлгиз чиқиши ҳам қийин. Барча бараварига ҳаракат қилиши шарт.

Олимларнинг пайғамбарлар вориси эканлиги ҳақидағи шарафли ҳадисни күпчилик билади. Сұхбатимиз аввалида тилга олғанимиз жоғил имом ҳам бу ҳадисни тақрор-тақрор айтишни хуш күрадики, очиқ айтмаса-да, үзини ана шундай меросхұр олимлардан ҳисоблады. Биз ҳам эринмай, меросхұрлық мартабасига етишмоқлик амал билан бўлишини тақрор эслатамиз. Қуръони каримни юзаки билиш, бир неча ҳадисларни ёдлаб олиш ҳали олимлик эмас. Чанқоқ одам ҹашмага қарагани билан чанқоги босилмайды. Бир-икки қултум ичгани ҳам кифоя этмайды. Күп ошхоналарда турли ноз-неъматларнинг сурати осиб қўйилган бўлади. Шу суратга қараб қоринни тўйғизиш мумкинми? Яҳудий, насронийлар орасида шундай шарқшунослар борки, Ислом тарихини, Қуръони каримни, шарафли ҳадисларни мукаммал биладилар. Хўш, уларни ҳам пайғамбарлар меросхұри бўлмиш олимлар деб ҳисоблаймизми?

Ислом илми, хусусан, маданияти ўтмиш асрларда дунёга ўз таъсирини ўтказған ва инсоният маданиятининг ривожланишида беқиёс катта роль ўйнаган. Таъбир жоиз бўлса, Европани ҳам уйготганки, буни замона олимлари ҳам тан оладилар. Шулардан бири Сигрид Хункс «Европа ёнида туғилған Ислом қуёши» асарида шундай ёзади: «Айтмоқчиманки, Қуръон келмаса, ислом маданияти юзага келмасди. Ислом маданияти

бўлмаса, бугунги маданият шаклланмасди. Инсоният ҳали ҳам зулмат ва қоронгилик ичида яшарди».

Буларнинг ҳаммаси — аксиома, яъни исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат.

Европанинг ривожланиши ислом миллатининг ўз қобигида қолгани ҳамда унинг Қуръонга зид тарзда илм ва илм аҳлидан узоқлаша бошлагани туфайли содир бўлди. Ўрганилган билимлар билан кифояланиб, тақрорлашни маърифат деб ҳисобловчилар ислом оламида ҳуқмрон бўлдилар. Уларнинг жоҳилликлари туфайли та-наззул бўлди. Аввалги бобда насронийларга хос инквизиция даврини тилга олган эдик. Исломдаги жаҳолат билан насронийлардаги инквизицияни таққослаш ўринсиздир. Лекин жаҳолатнинг ислом оламига кўрсатган ва кўрсатаётган зааридан кўз юмиб бўлмайди.

Улуг Туркистонда Мирзо Улуғбек «кўк билимларининг кўкига чиқар экан», ундан кейингилар илм саройларини барбод этдилар. Улугбекдан сўнг Туркистон кўп хонларни кўрди, аммо олимларни кўрмади. Ислом маданиятининг таянчларидан ҳисобланган Туркияда ҳам шунга ўхшаш ҳол юз берди. Илм ошиги ва олим Фотиҳ Муҳаммадхондан кейин набираси Салимхон даврида илм-фанга эътибор сусайиб кетиши юртни Оқшамсиддиннинг оқ иқлимидан Абус-сууднинг зулматига келтирган дейишади. Қозизодалилар Мурод IV каби қудратли хонга таъсир ўтказиб, мадрасалардан «бидъат, гуноҳ» дея турли фанларни чиқариб ташлаганлар. Албатта, у мутаассибларга қарши чиқувчилар ҳам бўлган, аммо кучлар тенг келмагани сабабли енгилишган. Ислом дунёси ривожланишининг

сустлиги сабабини бошқа жойдан қидиришнинг ҳожати бормикин? Афсусли ери шундаки, бу каби жаҳолат бугунги кунда ҳам ислом оламига ўзининг заарини етказиб турибди.

Жаҳолатни турли разилликлар онаси, дедик. Жаҳолатнинг суюмли фарзандларидан бири — мутаассиблик (фанатизм)дир. Мутаассиблик илмсизлик булогидан сув ичади. Қаердаки аниқ илм бўлмаса, у жойда фаразлар ҳукм суряди, ҳар ўн фаразнинг тўққизтаси эса хато бўлиши мумкин. Мутаассиблик аввало дин кушандасидир, сўнгра эса жамият жигаридаги қуртдир. Мутаассиблик фақат динга хос тушунча эмас. Дунёни ташвишга солиб турган футбол фанатлари, рок фанатлари каби бевошликлар шулар жумласидандир. Мутаассиблик деганда кўпчиликнинг кўз ўнтига фақат ислом дини келади. Уруш майдонларида ўзини портлататётганлар келади. Ҳолбуки, Фаластинда биринчи бўлиб ўзини портлатган араб қизи насоро динига мансуб бўлган. Бугунги кунда бошқа динларда ҳам мутаассиблик авж оляптики, Токио метросидаги заҳарланиш фожиаси фикримизга далил бўлар. Кенг миқёсдаги жаҳолатга қарши онгли равишда кураш мутаассиблик илдизини қирқа олади. Мутаассиблик ҳамма замонларда турли жамиятларни ларзага солиб келганини эътиборга олсак, бу курашнинг узлуксиз давом этиши шартлиги аён бўлади.

Жаҳолатнинг яна бошқа фарзандлари ҳам барча динларда тугилиб турибди. Барча динларни янгидан-янги пайдо бўлаётган турли оқимлар силласини қуритяпти. Диндаги ҳар қандай оқим — жаҳолатdir. Чунки одамларнинг

турли оқим ёки гурухларга бўлинниб олиб, низода юришларини Аллоҳ тақиқлайди. Аллоҳ бандаларининг иттифоқликда умр кечиришларини истайди. Диннинг асосий вазифаси одамларни Аллоҳнинг паноҳи остига жамлаш. Низо, зиддиятлар шайтон паноҳида гуллаб-яшнайди.

Отангиз узоқ сафарга кетса-да, у ердан туриб сизга хат ёзиб юборса, айрим ишларни буюрса, насиҳат қилса, ёмонликлардан қайтишни таъкидлаб турса, сўнг сафардан қайтиб юзма-юз бўлганида буюрган вазифаларнинг бажарилган ёки бажарилмаганини сўраганда десангизки:

— Отажон, хатингизни ўқидим. Айрим жойларини (ёки ҳаммасини) ёдлаб ҳам олдим, лекин буюрган ишларингизни бажармадим.

Шундай дейишингиз отангизга ёқармикин? Шунга кўра Қуръони каримни ёдлаш билан ҳам вазифа бажарилмайди. Унга ҳам амал керак. Тўлиқ амал қилиш учун эса Қуръонни тушуниш шарт.

Мазкур мавзудаги суҳбатимизни якунлашдан аввал Азҳоб сурасидаги бир оятни эсласак-да, тафсир ёрдамида маъносини тушунишга уриниб кўрсак:

«Биз бу омонатни осмонларга, Ерга ва тогларга тақлиф этдик. Улар бу омонатни ўз зиммаларига олишдан чекиндилар, унга хиёнатдан қўрқиб, андиша қилдилар. Инсон уни ўз гарданига олди. Чунки у жуда золим (ўзига зулм қилувчи) ва жоҳилдир».

Муҳтарам шайхимизни дуо қилган ҳолда «Тафсири ҳилол»га мурожаат этамиз:

Оятдаги «омонат» калимасидан мурод — шариат исломиядаги тоат-ибодатлар, яъни Аллоҳнинг фарзлари, кенгроқ маънода айтилса:

Аллоҳ таолонинг ўз ҳақига, инсонларнинг ҳақига ва бошқа махлуқларнинг ҳақдариға bogлиқ амрларини, кўрсатма-таълимотларини ва ҳукмларини ўз жойига қўйиш бўйича таклифи демакдир. Бу омонатни кўтариш шунчалик огир эдик, улкан, пишиқ, қувватли осмонлару замин ва тоглар уни кўтаришдан қўрқдилар. Инсон эса бу омонатни кўтарди! Ҳа, чексиз осмонлар кўтаришдан қўрқсан омонатни уларнинг остида яшайдиган кичик зарра — инсон кўтаришга жазм этди. Фоят улкан бўлган Ер бу омонатни кўтаришдан чекинган эди, унинг устида яшаётган, умри қисқа, кичик бир жонзот — инсон чекинмади. Салобат ва қувват рамзи бўлган тоглар кўтаришдан қўрқсан омонатни уларнинг орасида яшайдиган заифгина махлуқ — инсон кўтарди! Инсон жоҳиллиги туфайли омонатни адo этолмасдан, мувофиқ иш юрита олмасдан ўзига ўзи зулм қиласди.

Жаҳолат фақат диний тушунча эмас. Дунёвий илмларга ҳам тааллуқли. Масалан, физик олимнинг фақат ўз қобигига ўраниб олиши ёки фандаги кашфиётларни жамиятга, одамийлик зиддига ишлатиши ҳам жоҳилликдир. Ядро физикасининг буюк кашфиёти дастлаб яхшиликка хизмат қилишни назарда тутган. Лекин ундан кўпроқ ёвуз мақсадда фойдаланадилар. Лазер нури табобатда мўъжизалар яратгани ҳолда лазер қуроли инсониятни қириб таішлашга тайёр турибди.

Жаҳолатнинг ҳар бир оиласидаги кўриниши ота ва онанинг фарзандига бўлган муносабатида кўринади. Абдулла Авлоний «Тарбияни кимлар қилур? Қайдা қилур?» деган савони бериб, ўзлари «Отасига нима дерсиз?» деган жавобни

қайтариб, сүнг бу изоҳни баён қиласилар: «Қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур». Ўтган асрда афсус билан ёзилган бу сатрлар ҳозирги кунимизга ҳам мос келяпти. Афсусларким, айримларимизнинг кўнгилларимиз кўчага болланган. Улфатга муҳаббат оиласа бўлган муҳаббатдан ортиқ. Чойхоналарда, ресторандарда, турли зиёфатларда яйрашга умримизнинг ҳисобсиз соатларини беҳуда сарфлаймиз. Бола тарбиясига эса вақтни қизганамиз. Муаллим айтарки: «Ўглингизнинг ўқиши пасайиб кетяпти, бирга дарс тайёрланг». Ота дейдики: «Вақтим йўқ, тирикчилик ташвишидан ортмайман». Кунда, кун ора чойхонада улфатчилик қилиши ҳам «тирикчилик ташвиши»га кирадими? Аксинча, фарзандининг илм олиши тирикчилик ташвишининг аввалида туриши керак. Жаҳолатга доир афсусли кўп гапларимиз, армонларимиз бор. Буларни ўзингиз ҳам биласиз. Шу боис жиддий фикрлар баёни билан сиз азизларни толиқтиrmай, танаффусга чиқайликда, бу мавзу ҳажв оламида қандай кўриниш олиши билан танишайлик. «Кимга қийин, ота бечорага!» деб ачинарсиз балки...



## ОТА-ОНАЛАР МАЖЛИСИ

Мактаблардаги «ота-оналар мажлиси»га фақат оналарнинг бориши ҳеч кимни ажаблантирмай қўйган пайтда «Оталар мажлиси» деган гап чиқди-ю, Олтмишбойнинг тинчи бузилди. Хотини билан қизи бир ҳафта давомида мажлисга бориши шартлигини эслатаверишиб, бошини огритиб юборишиди. Якшанба куни чойхонада ошлари бор эди. Қандай чора топишни билмай ошхўр ошналарига қўнгироқ қилса, уларнинг бошлари ҳам шу мажлис билан огриётган экан. Ошни икки соат кейин дамлашга келишиб олишиди.

Кўчада қўшнисига ҳамроҳ бўлиб мактабга борди. Муаллимлар мажлисга келганларни рўйхатга олишаётган экан. Олтмишбой уларга яқинлашиди. Фамилиясини сўрашган эди, айтди. Қизининг шу мактабда ўқишини ҳам айтди. Аммо «Қайси синфда?» деган саволга келганда қоқилди. Қўшнисига қараган эди, у «Менинг қизим саккизинчида ўқииди», деди. «Менинг қизим ҳам бирга ўқиса керак» деган ўйда:

- Саккизинчида, – деди.
- Саккизинчи «А»ми, «Б»ми? – деб сўрашди.

Олтмишбой аниқ жавоб бермагач, ҳар иккала синф рўйхатини қарашиди. Унинг қизи рўйхатда йўқ эди.

- Балки саккизинчи «М»дадир? – деб сўрашиди.

Олтмишбой ажабланди.

- Синфларинг шунчалик кўпми? – деб сўради.

– Кўпмас, учта саккизинчи бор. «М» — маҳсус синф деганимиз.

Олтмишбой «Махсус синфда махсус фанлар ўргатилса керак» деб ўйлади. «М» синфида мартабали оиласлар фарзандлари ўқишини хаёлига ҳам келтирмади.

– Амаки, қаерда ишлайсиз? – деб сўрашди.  
– Қурилишда, устаман, – деди Олтмишбой.  
– Унда қизингиз «М» синфида эмас экан, – дейишиди.

Олтмишбойнинг боши қотиб турган эди, қўшниси:

– Қизингиз ўттиз иккинчи мактабда ўқийди шекилли? – деб қолди.  
– Йўғ-э? – деб иккиланди Олтмишбой.  
– Ҳа шунаقا, – деди қўшниси. – Кўчанинг у бети ўнинчи мактабга, бу бети ўттиз иккинчига қарайди.

Кўшниси шундай дегач, гапини исбот қилиш мақсадида ёнидан телефонни чиқариб, Олтмишбойникуига қўнгироқ қилди.

Олдиндан огоҳлантирумагани учун хотинини койиган Олтмишбой ўттиз иккинчи мактабга бормай, чойхонага йўл ола қолди.

Мен чойхонада сабзи тўғраб ўтирган эдим, бечора бир пиёла чой ичиб олгач, ҳасратини менга тўқди. Унинг арзини эшига туриб, турк адаби Азиз Несиннинг бир ҳикоясини эсладим-у, айтиб бера бошладим.

\* \* \*

Икки ўт орасида қолсам ҳам бу азобда қийналмаган бўлардим. Нима қилишни билмай бошгинам қотди: ота-оналар мажлисига борайинми ё бормайнми? Борай десам, у ерда айтишга арзигулик гапим йўқ. Гапим бўлганда ҳам тўртта одамнинг орасида гангиди,

айтадиганимни айтольмай довдираб қоламан.  
Бормай десам, хотиндан балога қоламан.

Хуллас, ўйлай-ўйлай боришга қарор қылдим.  
Үйчи ўйига етгунича таваккалчи түйига  
етибди деганлариңдай, мактаб остонасига қадам  
құйғанимда мажлисга кечикканимни англаң, яна  
тұхтаб қолдим. Бир оз иккиләниб турғач, синф  
эшигини астагина очиб, ичкарига мұраладим.  
Оқ сочли хоним ўрнидан туриб, менга норози  
қиёфада қаради. Бу ҳам камлик қылғандай  
муштимини тұтды, бу ҳам етмагандай:

— Кечиккапсиз, жаноблар, кечиккапсиз! — деб  
танбек өберди.

Уятдан қизарып кетдим. Нимадир деб ўзимни  
оқлашым керак эди, унинг бақиришига жавобан  
мингириладим:

— Автобус йўқ... такси ҳам анқонинг уруги...  
Айб мендә эмас...

— Бунақанги баҳоналар маъмуриятни мутлақо  
қизиқтирилади!

Хонимнинг гапини яхши тушунмадим: автобус  
маъмуриятини айтаптими, ё таксичиларни на-  
зарда тутяптими? Сұрашга истиҳола қилиб, бүш  
жойга ўтира қолдим. Хоним эса кескин оқанғда  
гапини давом этди:

— Мактаб маъмуриятининг ота-оналардан  
норозилиги шундаки, қанча гапирмайлик, қанча  
огоҳлантирумайлик, бари бир, болалар дарсга ке-  
чикиб келишапты. Яна эслатаман: мактабда дарс  
соат роппа-роса тұққызыда бошланади.

Хоним «Тушунарлимис?!» дегандай рұпараси-  
даги аёлга қараб қолған эди, у ўтирган жойида  
гап ташлади:

— Қыздарнинг юпқа түр пайпоқ кийишини  
мутлақо тақиқлаш керак. Фақат қыздар әмас,  
кatta хотинлар ҳам киймасин!

— Мен мұхтарама хоним афандининг гапларига құшиламан, — деб юборганимни үзим ҳам билмай қолдим.

Шундай дейишишга дедим-у, гапимдан уялиб, ерга қарадим. Шу онда юпқа түр пайпоқ кийишни тақиқлашни талаб қылған хотиннинг оёгига күзим тушиб қослами! Шу ёшга кириб бунақа беүхшов оёқни күрмаган эдим. Болдир билан сон үртасида тизза дегани бұларди. Бу хонимнинг болдири семизлигидан тиззани босиб ўтиб, сон билан бирлашиб кеттан эди. Кийиб олган қалин қора пайпоги бармоқдай-бармоқдай бўртиб турган томирларини яширишга ожиз эди.

— Ҳамма қызылар қалин қора пайпоқ кийишлари шарт, — деб юбордим мен яна. Нега шундай деганимга үзим ҳам ҳайрон бўлдим. Мажлисга отланаётган пайтимда гапиришни режа қилмаган эдим.

Ёнимда ўтирган жанобнинг энсаси қотиб, менга «Калланг жойидами?» дегандай галати қараб қўйди. Бошқаси эса шарт ўрнидан туриб, эътиroz билдириди:

— Мұҳокама қилишимиз зарур бўлган бошқа муаммолар ҳам бор. Пайпоқ-майпоқ деб бошни бекорга қотирмайлик. Биз бугун чет тилларни ўқитиш масаласини ҳал қилиб олайлик. Менингча, барча дарслар немис тилида олиб борилиши шарт. Мен Германияда ҳам яшаганман. У ердаги барча мактабларда дарслар немис тилида ўқитилади.

Мажлиста кечикиб кирганимдаги хижолатлик мени ҳали тарк этмаган эди. Айбимни ювиш учун яна гапга аралашишни истаб қолдим.

— Мен Германияда яшамаганман, — дедим ба-ланд овозда, — лекин жанобнинг талабини маъ-қуллайман. Нимага деб сўрарсиз? Чунки дунё тараққиёти, айниқса, техника тараққиёти не-мисларнинг хизмати билан бўлди. Агар немис болалари мактабларида немис тилида ўқима-ганларида...

Фикримни охиригача баён қила олмадим. Кўзойнакли жаноб гапимни шарт бўлди:

— Жаноблар, мажлисимиз мавзуси чегара-сидан чиқиб кетяпсизлар. Дарсларни қайси тилда ўқитиш масаласини ҳал қилиш вазир-ликнинг вазифаси. Биз бугун бу ерга мактаб ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатини белгилаш учун йигилганмиз.

— Бу мактабда немис тили неча соат ўқитида-ди? — деб сўради Германияда яшаб келган жа-nob.

— Ҳар синфда ҳар хил, — деди кўзойнакли жаноб. — Биринчи синфда олти соат, еттинчи синфда саккиз соат.

— Кам, — деб эътиroz билдириди жаноб.

— Жуда кам, — деб мен уни қўлладим.

Шу онда орқа томондаги қария бақирди:

— Мактабда футбол ўйнашни тақиқлаш ке-рак. Болаларнинг оёгига пойабзал етказиб бўл-маяпти! Ҳар ойда янгисини олиб беравериб, силлам қуриди.

— Бизнинг қизларимиз футбол ўйнашмайди, — деди оқ сочли аёл.

— Ўғил болалар ўйнайди-ку! — деди қария бў-гилиб.

— Ўғил болалар билан ишимиз йўқ. Бу ер қиз-лар мактаби! — деди аёл ўжарлик билан.

— Нима? Қызлар мактаби дедингизми? — ажабланди қария. — Үнда... бу ерда кичик набирал үқиркан. Бу ерда қызлар үқийдими ё үгил болаларми, бари бир футбол үйнашни тақиқлаш керак. Болалар қадимги аңъаналаримизни унтушиб қўйишпти...

— Энг ёмони — болалар дарсга келмай қўйишпти, — деди муаллима ачиниш билан. — Ота-оналар бунга жиддий эътибор беришлари шарт.

Чап томонимда ўтирган одам мендан секингина сўради:

- Зиёфат қачон бошланаркан?
- Билмадим, — дедим. — Директордан сўранг.
- Директор ким экан?
- Билмадим... Рўпарадаги учала одам ҳам келбатидан директорга ўхшайди, — дедим.

Ёнимдаги одам рўпарадаги басавлат кишига мурожаат қилди:

- Жаноб директор, зиёфат қачон бошланади?
- Директор қани? — деб сўради басавлат киши атрофга аланглаб.
- Жаноб директор бетоблар, мажлисга кела олмадилар, — деди кўзойнакли аёл.

Ёнимдаги одам энди ундан сўради:

- Зиёфат қачон бошланади?
- Қанақа зиёфат? — деди аёл ажабланиб.

Ёнимдаги одам уялиб, жойига ўтирди.

— Вой бетамиз-ей! Уйга борганимда адабини бермасам бўлмайди. Бунақа аҳмоқ қиз калтакка лойиқми ё йўқми, ўзингиз айтинг? — деб сўради мендан.

— Бир нима дейишим қийин, қизингизнинг айби нима?

– У мени лақиљатибди. «Мактабда ота-оналар зиёфати бўлади, зиёфат пайтида мен рақсга тушиб бераман», девди. Онаси ҳомиладорлиги учун келолмай, мени жўннинг эди.

Ёнимдаги ҳасратини бошлаган пайтда юпқа пайпоқ душмани бўлган қалин пайпоқли хоним гапга тушиб кетиб, даъвосини исботлай бошлаган эди. Айни дамда немис тили ўқитиш тарафдори ҳам тинмай сўзларди. Ким кимни эшитаёттанини аниқлаш амри маҳол эди. Орқа томонда ўтирган йигит мендан аста сўради:

– Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман, бу ерда нима бўляпгти ўзи?

Мен орқамга ўтирилиб, юпқа пайпоқ душманинг, футбол душманинг даъволарини, немис тили тарафдорининг талабини эрин-масдан тушунтирудим.

– Оббо! – деди йигит уф тортиб. – Бу ерга адашиб келиб қолибман. Мен касаба шўросининг йигинига боришим керак эди, бу ернинг мактаблигини билмабман. Яхшиям сўз сўрамаганим. Энди бу ердан қандай чиқиб кетсан экан?

Сочига оқ оралаган аёл ўрнидан туриб, ҳаммани тинчиди-да, мақсадини баён эта бошлади:

– Жаноблар, бу мактабда камбагал оиласар-нинг болалари ҳам билим оладилар. Олти юз етмиш ўқувчининг ярми дарслик сотиб олишга қурби етмайди. Биз ҳеч бўлмаса юз ўқувчини бепул овқат билан таъминлашни хоҳлардик. Бу борада сизларнинг ҳимматларингизга муҳтожмиз.

Бу гап бир хотиннинг сабр косасини тўлдириб-тошириб юборди. Шарт ўрнидан турди-ю, газаб билан гапира кетди:

– Бу қанақаси! Худонинг берган куни ёрдам сўрайсизлар-а?! Қизим ҳар куни пул сўрайди. «Пул бермасангиз, мактабга бормайман, дуғоналаримдан уяламан», деб хархаша қилади. Мен сизлардан сўрамоқчиман: бу пуллар қаёқ-қа кетяпти? Ҳар куни кимгадир ёрдам бераверамизми? Ёрдамнинг чеки-чегараси борми? Яххиси, бир ойда шунча пул берасизлар, деб белгилаб қўйинг. Шунга қараб тўлайлик.

– Тўгри, жуда тўгри таклиф! – деб маъқулладим мен.

Оқ сочли аёл менинг хитобимга аҳамият бермай, пул ҳақида гапирган хотинга юзланди:

– Қизингизнинг исми-насаби нима?

– Гултан Яшоба.

– Ҳм... – деди оқ сочли аёл лабини қимтиб. – Учинчи «Б» синфида ўқийдиган Гултан Яшобами? Демак, гап бундай хоним афандим: қизингиз таътилдан кейин фақат бир ҳафтагина мактабга келди. Шундан бери қорасини қўрсатмади. Биз сизни огоҳлантириб хат жўнатган эдик.

– Нималар деяпсиз? Демак, мен ёлгон гапи-раётган эканман-да? Қизим кимларгадир ёрдам бериш учун мендан ҳар куни пул сўрайди, – у норози оҳангда, шундай деб ёнидаги хотинга қараб давом этди: – Уйга ҳам келмайди. Қаёқда санқиб юради? Дадаси билан ажрашганмиз. Дадаси билан туради у...

Мажлисда ўттизга яқин одам иштирок этаётган эди. Ҳар бири ўзига хос муаммосини билдириш мақсадида қаттиқроқ бақириб, бошқаларнинг овозини босишга ҳаракат қиласади. Оқ сочли аёл эса барчани инсофга чақиришдан бўшамасди:

– Жаноблар, бозор қилиб юбординглар-ку, ахир! Галма-гадан гапиринглар!

Инсофга кирган жанобу хонимлар тинчидилар-у, сўз сўраб барварига қўл кўтардилар. Биринчи сўз навбати қарияга тегди:

– Муҳтарама муаллима хонимлар, муҳтарама муаллим жаноблар, – деб салмоқ билан гап бошлади у. – Биринчи бўлиб футбол ўйинини ким бошлаган, биласизларми? Билмасангиз билиб олинг: жаҳаннам хизматчилари бошлашган. Ул малъунлар ҳазрати имом Ҳусайн бошларини танадан жудо қилиб, тепиб ўйнаганлар. Бу футбол ўйини ёшларни ўша бузукликка етаклайди. Футбол ўйнаш улуг гуноҳ саналади.

Унинг эзмалиги шу қадар кўп давом этдики, ўтирганлар чидаи олмасдан: «Бўлди қилинг, биз ҳам гапирайлик!» деб бақира бошладилар. Шундан сўнг басавлат жаноб ўрнидан туриб, сўз бошлади. У ҳар икки болага бир нонушта беришни таклиф қилиб, бу борадаги муаммони баён этди:

– Шундай қилсак, камбагал оиласарнинг болаларига ҳиммат қилган бўламиз.

У таклифни амалга ошириш гоят қийин масала эканини исбот этиш мақсадида қимматчиликда бирорга яхшилик қилишнинг ўзи бўлмаслигини, сифатли сариёг топиш қийинлигини, кўмир масаласи ҳам оғирлигини айта бошлаганда барчанинг тоқати тоқ бўлди. Бироқ, уни гафдан тўхтатиш осон бўлмади. Жойига зўрлаб ўтқизиб қўйишса ҳам жаврашдан тинмади.

Қарасам, бунақада менга гап навбати тегмайдиганга ўхшаб қолди. Шу сабабли шарт ўрнимдан туриб қичқирдим:

– Хонимлар ва жаноблар!

Мен мажлис аҳлиниң диққатини тортиш учун гапни Насридин Афанди латифасидан бошладим. Лекин латифа яримлаганда охирини унтугиб, довдирағ қолдим. Шундай бұлсаям сир бой бермай:

– Воқеанинг нима билан тутаганини үзингиз биласиз, такрорлашнинг ҳожати йүқ, – деб латифани якунлагандай бўлдим-у, мақсадга ўта қолдим: – Агар болалар имтиҳонлардан ўта олмай, иккинчи йилга қолишса, бунга муаллимлар эмас, ота-оналар айбдордирлар! – мен гапга шунчалар берилиб кетдимки, тўхтатишга уриниб ҳам кўришмади. – Ота-оналарнинг болалари билан ишлари бўлмай қолди. Боласининг неchanчи синфда ўқишини билмайдиган отани ким деб аташ мумкин?

Бу гапидан кейин ўқитувчилар қарсак чалиб юборишиди.

– Мажлисимиз чўзилиб кетди, қолган гапларни кейинги мажлисда ҳал қиласмиш, – деди оқ сочли аёл.

– Фикримни якунлаб берай, ҳали гапим кўп, – дедим мен.

Ижозат беришмади, лекин кетаётганимда муаллимлар менга раҳмат айтиб, иззат билан кузатишиди. Мажлисдаги ишимдан қувониб қайтдим. Бироқ, остона ҳатлашим билан хотинимнинг газаб ўқларига дуч келдим:

– Қаёқларда санқиб юрибсиз?

Соатга қарасам ўндан ошибди.

– Санқиганим йўқ. Ўзинг айтдинг, гапингга кириб, ота-оналар мажлисига бордим. Мажлис чўзилиб кетди. Менам гапирдим. Гапим ўқитувчиларга жуда ёқди, раҳмат ҳам дейишиди.

Қарагин-а, ота-оналар болаларининг тақдирига қизиқмай ҳам қўйишибди. Болалари бир синфда икки йил ўқиса ҳам парволарига келмайди-я! Яна ҳамма айбни бечора муаллимларга тўнкашади. Инсоф деган нарса йўқ ўзи буларда.

Хотиним гапимга маҳлиё бўла бошлагандা қизим хонасидан чиқиб, менга норози қиёфада қаради.

– Дада, нега мажлисга бормадингиз? Ўқитувчиларим мени яна уришишади, – деди лабини буриб.

Унинг гапи хотинимнинг тутаб турган газаб ўтига мой бўлиб сепилди:

– Ҳали уялмай-нетмай боланинг олдида ёлгон гапиряпсизми? Ярим кечагача аллақаерларда санқиб келиб, мени лақиллатмоқчи бўляпсизми?

– Қизим, ҳазиллашмагин, мажлисингга бордим-ку? Зўргапларни гапирдим. Ўқитувчиларинг қойил қолишибди-ку, ахир?!

– Дада, борганингиз йўқ. Келишингизни кутиб роса пойлаб ўтирдим.

– Унақа дема, қизим, гимназиянгга бордим, мажлисда гапирдим.

– Дада, нималар деяпсиз?! Мен гимназияда эмас, Боязид лицейининг охирги синфида ўқийман-ку! – деди қизим йигламсираб.

– Нима? – деб ажабланди хотиним. – Қанақа лицей? Мен сени гимназияга ўқишга берувдим-ку?

– Ойижон, мени у ердан ҳайдаб юборишганига икки йил бўлди.

– Қанақа ақлсиз қизсан ўзинг! – деб бақириб юбордим мен. – Қаерда ўқишингни, қандай ўқиётганингни ота-онангга билдириб қўйсанг бўлмасмиди? Вой, тавба! Қандай замон

бүлди ўзи? Бу болаларга нима бўлган, тушуна олмаяпман...

\* \* \*

Учта сабзини тўграб бўлгунча бу ҳикояни якунлаб, Олтмишбойга қарадим. Олтмишбой ўйланиб қолган эди. «Ҳикоя қаттиқ таъсир қилибди-да», деб ўзимдан ўзим мамнун бўлиб сўрадим:

- Ўшанақа болалар бизда ҳам бормикин?
- Қанақа болалар? – деб ажабланди Олтмишбой.
- Ҳозир айтдим-ку?
- Узр, акахон, хаёл олиб қочибди. Гапингизни эшифтабман.
- Хаёл қаёққа олиб қочибди?
- Гуручини Ходдор бетайин олиши керак эди, яхши тайинламабман. Агар «Кенж» ўрнига «Девзира» олиб келса, ошни расво қиласди...



## АҚЛНИ ВА ОҚИЛНИ АСРАЙЛИК

Донишманд дебдиким: «Ақлинг билан қара, күз хоиндор, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончиидир!» Фикр ақлнинг күзгусиидир. Эндиғи суҳбатимизни шу йұналишда давом эттиреңсак.

Ақл билан иш күрүвчи одамни «ақлли» деб шарафлаймиз. Бунинг муқобилидагини баъзан «аҳмоқ», баъзан юмшоқроқ тарзда «ақлсиз» ёки «эси паст» ёки «эси йүқ» деб қўянимиз. Аҳмоқ билан ақлсизнинг (эси паст, эси йўқнинг) мавқеи бирми? Йўқ. Ақлсиз, эси паст, эси йўқ — одамнинг табиий камчилиги. Айб ҳам, гуноҳ ҳам эмас. У табиатан ақлсиз яралган. Одамнинг жисмоний қуввати турлича бўлганидек, ақл қуввати ҳам ҳар хилдир. Агар бир одам ақлсизлиги туфайли бирон айб иш қиласа, айтайлик, биронни сўкса, унинг бу иши узрли. Агар ақли бутун бўла туриб, айнан шу ишни қиласа, уни «аҳмоқ» деймиз.

Қуръони каримда икки хил аҳмоқлик хусусида сўз юритилган. Уларнинг биринчиси кофир ва мушриклар тоифаси бўлиб, Аллоҳ таоло улар ҳақида Бақара сурасида: «Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар» деб; Ёсинда эса «...улар иймон келтирмаслар. Дарҳақиқат, биз уларнинг бўйинларига то иякларигача етадиган кишанларни уриб қўйдик, бас, улар кўра олмаслар» деб марҳамат қилган. Улар аслида кар эмаслар, қулоқлари яхши эшитади, аммо ҳақ сўзларни эшитмагандай юрадилар. Соқов эмаслар, аслида тиллари бурро, аммо калимаи шаҳодатни айтмай яшайдилар. Кўзлари очиқ, аммо ҳидоят йўлини кўра туриб, ўзларини

кўрмаганга оладилар. Булар жоҳилият замони вакиллари Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Мугира ибн Валид каби кимсалар. Уларнинг қалблари муҳрли бўлгани учун ҳам ҳидоятта ета олмадилар. Улар ҳақиқатни кўра туриб, била туриб: «Ҳаққа ишонсан, хотинларимиз олдида масхара бўламиз» ёки «пайғамбарлик аслида бизларга берилиши керак эди, чунки бизларнинг молмулкимиз ва бола-чақамиз янада кўпдир» деган ақлсиз ва мантиқсиз сўзларни сўзлайвердилар. Улар ўз қабилаларидан чиқсан Инсоннинг ҳақ пайғамбар эканликларини билганлари ҳолда аҳмоқликлари туфайли инкор этувчи ўжарликларидан қайтмаганлар.

Қуръони каримда зикр қилинган иккинчи тоифа аҳмоқлар эса ўзларини гоят ақлли деб биладиган кишилардир. Дунёвий орзулар уларни гафлатга етаклагани учун кўзлари ҳақиқатни кўрмайди. Бундай кишиларнинг фақат айримлари бирон-бир фалокатга учраганларида гина кўзлари қисман очилиши мумкин.

Мавлоно Жалолиддин Румий аҳмоқлар ҳақида шундай деган эканлар: «Аҳмоқлардан қочингки, Ийсо алайҳиссалом улардан қочгани каби. Аҳмоқлар билан суҳбат қилиш натижасида неча чарта қонлар тўкилгандир».

Ўрни келганда Ийсо алайҳиссаломнинг аҳмоқдан қочишлари баёни билан танишсак:

Марямнинг ўғли Ийсо худди арслон қувалаган би тог томонга югуриб борар эдилар. Кўчадан таётган одамлардан бири унинг орқасидан турди ва деди:

– Нима бўлди сизга? Ҳуркитилган қуш каби тиб бормоқдасиз?

кўрмаганга оладилар. Булар жоҳилият замони вакиллари Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Мугира ибн Валид каби кимсалар. Уларнинг қалблари муҳрли бўлгани учун ҳам ҳидоятга ета олмадилар. Улар ҳақиқатни кўра туриб, била туриб: «Ҳаққа ишонсак, хотинларимиз олдида масхара бўламиз» ёки «пайгамбарлик аслида бизларга берилиши керак эди, чунки бизларнинг молмулкимиз ва бола-чақамиз янада кўпдир» деган ақлсиз ва мантиқсиз сўзларни сўзлайвердилар. Улар ўз қабилаларидан чиққан Инсоннинг ҳақ пайгамбар эканликларини билганлари ҳолда аҳмоқликлари туфайли инкор этувчи ўжарликларидан қайтмаганлар.

Қуръони каримда зикр қилинган иккинчи тоифа аҳмоқлар эса ўзларини гоят ақлли деб биладиган кишилардир. Дунёвий орзулар уларни гафлатга етаклагани учун кўзлари ҳақиқатни кўрмайди. Бундай кишиларнинг фақат айримлари бирон-бир фалокатта учраганларидағина кўзлари қисман очилиши мумкин.

Мавлоно Жалолиддин Румий аҳмоқлар ҳақида шундай деган эканлар: «Аҳмоқлардан қочингки, Ийсо алайҳиссалом улардан қочгани каби. Аҳмоқлар билан суҳбат қилиш натижасида неча марта қонлар тўкилгандир».

Ўрни келганда Ийсо алайҳиссаломнинг аҳмоқдан қочишлари баёни билан танишсак:

Марямнинг ўғли Ийсо худди арслон қувалаган каби тог томонга югуриб борар эдилар. Кўчадан ўтаётган одамлардан бири унинг орқасидан югурди ва деди:

– Нима бўлди сизга? Ҳуркитилган қуш каби учуб бормоқдасиз?

Ийсо алайхиссалом шу қадар тез чопар здиларки, шошилганларидан бу одамнинг саволига жавоб бера олмадилар. Ул зотнинг бу тарзда югуришларидан баттар ҳайратта тушган одам ниҳоят яқинлашди ва яна сўради:

— Ё Руҳуллоҳ! Аллоҳ ризоси учун бир он тўхтанг ва ҳолингиздан бизга хабар беринг? Кимдан ва нима учун қочмоқдасиз? Ахир орқангиздан қувлаётган арслон ҳам, душман ҳам, қўрқадиган бошқа бирон нарса ҳам йўқ-ку?

Бунга жавобан Ийсо алайхиссалом дедилар:

— Бир аҳмоқдан қочмоқдаман, аҳмоқдан! Үзимни у билан сухбатлашишдан қутқаряпман. Мендан узоқроқ турки, үзимни қутқарай.

Бояги киши яна сўради:

— Дуолари билан кўрларга ва карларга шифо берувчи Ийсо сиз эмасми?

— Ҳа, мен ўша масиҳман, — дедилар Руҳуллоҳ.

— Маънавий сирларнинг тилсимини билган ва шунинг учун ҳам «Руҳуллоҳ» номини олган маънавий зот сиз эмасми? Ахир сиз дуо қилганда ўлганлар ҳам худди ўлжасини туттган арслон каби қабрдан сакраб чиқарди-ку?

Бунга жавобан ҳазрати Ийсо дедилар:

— Ҳа, ўликларни тирилтирган менман.

— Эй Ийсо! Лойдан қуш ясаб, уларга жон бағишлиаган сиз эмасми?

— Ҳа, менман, — дедилар Ийсои Руҳуллоҳ.

— Эй тоза руҳ! Үзингиз истаган нарсага қодир бўла туриб, яна кимдан қўрқиб қочмоқдасиз?

Ийсо алайхиссалом яна жавоб қилдилар:

— Аввало руҳни ва сўнгра вужудни яратган Жаноби Ҳақча ва унинг сифатларига қасам ичамки, сен айтган бу дуони, яъни исми Аъзамни

кар ва кўрларга қилган эдим. Улар тузалдилар. Сўнг бу дуони баланд чўққили тоқقا қилган эдим, дуонинг кучидан ўртасидан ажралиб кетди. Сўнгра ўлик бир жасаднинг қаршисида ўқиган эдим, майиттирилди. Ҳеч бир нарсаси бўлмаган фақиррга ўқиган эдим, бой-бадавлат бўлди. Лекин бу дуони аҳмоқ бир қалбга минг дафъя шафқат ва марҳамат ила ўқисам ҳам ҳеч фойда бермади. Бу аҳмоқ қоратош каби қаттиқ туриб олди ва қора феълидан асло воз кечмади. Оҳак тўкилган қум каби ундан бир ўт ҳам ўсиб чиқмади.

Бу сўзларни эшигтан у одамнинг қизиқиши янада ортиб, ҳазрати Ийсадан сўради:

– Исми Аъзам бу қадар киши ва нарсаларга таъсир қилиб, фойда бергани ҳолда нега аҳмоқликка таъсир қилмади? Ҳолбуки, қолганлар ҳам хаста эдилар. Уларнинг даво топиб, аҳмоқнинг эса даво топмаслиги сабаби ва ҳикмати недир?

Саволга Рұхуллоҳ бундай жавоб бердилар:

– Эй инсон! Билгилки, аҳмоқлик иллати Худонинг қаҳридир. Қолганлари эса қаҳри илоҳийга дуч келмаган хасталиклардир. Бало ҳам хасталиқдир, лекин у ҳам мубталосидан шифо топади. Аҳмоқликка келадиган бўлсак, бу «Ҳатамаллоҳу ала қулубиҳим ва ала самъиҳим ва ала абсориҳим гишаватун» ояти билан қаҳри Худодирки, аксарият ҳолларда бу хасталиқдан бошқалар зарар кўрадилар. Аҳмоқлик тамгаси Аллоҳнинг улар қалбига урган бир муҳридир. Уларнинг кўзларида ва қулоқларида пардалар бордир. Унга ҳеч кимса чора топа олмайди. Ягона чора — ундан қочмоқлиқдир.

Бу ҳикматни рамзий маънода тушунмоқ лозиммикин? Яъни, аҳмоқдан жисмонан эмас, руҳан қочмоқлик жоиз. Чунки жисмонан қочиб қутулиш мумкин эмас. Қайси даврага яқинлашманг, ақллилар орасида бир ёки бир неча аҳмоқ топилади. Аҳмоқлардан руҳан қочмоқлик — иймонни, вижданни, диёнатни уларнинг салбий таъсиридан эҳтиёт қилиш дегани бўлади. «Қозонга яқин юрсанг — қораси юқади» деганлари бежиз эмас. Қулоқлари ҳақиқатни тинглашдан, оғизлари ҳақиқатни сўзлашдан, қалблари ҳақиқатни севишдан завқ ололмайдиганлардан қочмоқ шарт экан. Чунки уларнинг руҳиятидаги қасофат соглом қалбга чўкиб, кишини абадий хасталикка дучор қилиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам Ийсо алайҳиссалом ҳаворийларга: «Сизни қабул этмасалар ва сизни тингламасалар, кетингиз. Кетаётганингизда оёқларингиз чангини қоқингиз» деганлар. Расулумлоҳ (с.а.в.) «Оқил — дўстим, аҳмоқ — душманим» деб марҳамат қилганлар. Аҳмоқларнинг суҳбати қаргалар сингари бир ўлакса атрофига тўпланиш кабидирким, мажлислари фасоддир, суҳбатлари гийбат, бўхтон, амаллари эса қон тўқмоқлиқдир.

Одам боласи аҳли диллардан бўлгани гўзал. Аҳли дилнинг мажлислари гул, суҳбатлари муҳаббатdir. Уларнинг амаллари яхшиликка йўғрилгандир. Инсонийликнинг улуг фазилати фақат шундайлар ёнидан топа олинади. Оқилга йўлдош бўлиш, аҳмоқдан қочиш инсонни икки дунё саодатига эриштиражагини ҳеч қачон унугтаслик керак.

Орифлардан бири ҳикматлар ва ибратлар кўргазмаси бўлган бу оламни ақллилар учун

гүзәллик сайридан, ақлсизлар учун эса ейиш ва шағватдан иборатдир, деб таърифлаган. Мавлоно Румий «Маънавий маснавий» куллиётларида бундай ёзадилар (насрый маъноси):

«Құнғиз гүңг титкилагани учун ҳам хүшбүй ҳидлардан қочади. Унинг дориси күнгил бузувчи ҳидлардир. Чунки шундай шароитта ўрганган, гүңг жон-у тани бўлиб қолган. Ақлли кишилар ҳам ақлсизларни тўгри йўлга солиш учун уларга ҳикматли сўзлар билан насиҳат қиласидилар, хүшбүй ҳидлар билан тарбия қилмоқчи бўладилар. Кимга хүшбүй ҳидли нарсалар ёрдам бермаса, демак, бундай одам бадбўй ҳидларга ўргангандир. Сен ҳам яхшилиқдан, нурдан насибангни ол. Бурнингни гүнгга тиқиб, қўнгизга айланиб қолма. Инсон бўл, инсон!»

«Ақл қувватининг мўътадиллиги тадбирнинг чиройли, зеҳннинг тиник, фикр-ўйларнинг тўгри ва ишончли бўлишини таъминлайди, амалларнинг нозик, нафс одатларининг махфий жиҳатларини англашни ўргатади, – дейдилар ҳазрат Имом Газзолий. – Ақлнинг ҳаддан ошиши макр-ҳийлага, фирибгарлигу айёрикка бошлияди. Агар ақл меъёрдан паст бўлса, бефаҳмлик, хом гайрат, аҳмоқлик ва жунун пайдо қиласди. «Хом гайрат» деганда дунё ва охират ишларидағи тажрибасизлик, яъни фойда-зарарни фарқлаш қувватининг заифлиги назарда тутиляпти. Дарҳақиқат, инсоннинг тасаввур ва хаёл қилиш қуввати нечогли соглом бўлмасин, тажрибасизлиги туфайли баъзан касалга ўхшаб қолади. Аҳмоқлик ва жиннилик ўртасидаги фарқ шундаки, аҳмоқнинг мақсади тўгри, лекин уни амалга ошириш йўли нотўгри. Чунки аҳмоқ

мақсадга олиб борувчи йўл хусусида тўгри қа-  
рашга эга эмас. Жинни эса танлаш лозим бўл-  
маган нарсани танлайди. Аслида жиннидаги  
танлов ихтиёрининг асоси бузуқ».

Ақлли, ақлсиз ва аҳмоқнинг фарқини билиб  
олгандай бўлдик. Энди ақл хусусида фаҳмимиз  
етганича ақллашайлик. Дастваб «Калила ва  
Димна»га мурожаат қиласиз:

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган,  
уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган  
тўрт нарса будир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат.  
Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нар-  
сани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга;  
тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё,  
олижаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг  
ҳақ-ҳуқуқини билмоқ — қаноатга; тўғрилик,  
ваъдага вафо, ззгу ишлар қилмоқ ва яхши  
хосиятли бўлмоқ — адолатга тегишилидир. Бу  
сифатларнинг бариси бир одамда мужассам  
бўлса, дунёдаги энг буюк мавқе ҳам уни гангитиб  
қўймайди. Энг катта кулфат ҳам уни саросимага  
сола билмайди. Бундай одам атрофида ўзини  
қувонтирумайдиган нарсаларнинг борлигидан  
гам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум  
бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса,  
ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат — битмас-  
туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у  
камаймайди. Асраранинг билан унга нуқсон  
етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг  
билан эскирмайди (Ниҳояси йўқроҳ роҳат  
ҳисобланмиш ҳикмат хусусинда суҳбатимиз  
сўнгида яна батафсилоқ сўз юритамиз).

Ақл эса саховат эшиклари ва саодат хази-  
наларининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу

уқубатларидан ҳалос бўлиш, боқий дунёning ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша аҳли ҳукмронлик қилиши керак. Ақлини йўқотган куни ўзини фалокатта отган бўлади. Ақлсиз бошнингазобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири — табиий, онадан тугма бўлади; иккинчиси — қасбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёгочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди. Ёгочга ўт қўйилмаса, ёнмайди. Шунга ўхшаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса ўзини кўрсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идроқини камолга етказади, деганлар.

Усмон Нурий Тўпбошнинг «Маснавий боқчасидан» китобидан бу сатрларни келтирамиз:

Ҳақиқий ақллилар илоҳий амрга итоат қилиш бўлиб, асл истиқбол айнан шу итоатдадир. Бу айни замонда абадий ҳаётга жиддий ҳозирлик кўриш ҳамдир. Чунки Қуръони каримда Аллоҳ таоло ақл ҳақида бундай марҳамат қиласи: «Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар» (Бақара сураси); «...ақл эгаларигина эслатма оладилар» (Раъд сураси).

Бир одамни Пайгамбар (с.а.в.)га жуда кўп мақтадилар. Уни ҳар мақташганида Расулуллоҳ (с.а.в.) «Ўзи ақлими?» — деб сўрар эдилар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ақлли киши нафсини ҳою ҳаваста бермаган, ўлимдан кейинги охират ҳаёти учун ҳозирланган кишидир», дейилади.

Аллоҳ таоло аҳли донишларга ибратли ҳодисалардан ўrnak олишлари лозимлигини марҳамат қиласи. Бу дунёning алданиш ва хусрон

үқубатларидан халос бўлиш, боқий дунёning ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғлиқдир. Инсонга ҳамиша ақди ҳукмронлик қилиши керак. Ақлинни йўқотган куни ўзини фалокатта отган бўлади. Ақлсиз бошнингазобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири — табиий, онадан тугма бўлади; иккинчиси — қасбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ухшайди. Ёгочга ўт қўйилмаса, ёнмайди. Шунга ухшаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса ўзини курсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идрокини камолга етказади, деганлар.

Усмон Нурий Тўпбошнинг «Маснавий боқча-сидан» китобидан бу сатрларни келтирамиз:

Ҳақиқий ақллилик илоҳий амрга итоат қилиш бўлиб, асл истиқбол айнан шу итоатдадир. Бу айни замонда абадий ҳаётга жиддий ҳозирлик кўриш ҳамдир. Чунки Қуръони каримда Аллоҳ таоло ақл ҳақида бундай марҳамат қиласи: «Ваъз-эслатмаларни фақат аҳди донишларгина оладилар» (Бақара сураси); «...ақл эгаларигина эслатма оладилар» (Раъд сураси).

Бир одамни Пайгамбар (с.а.в.)га жуда кўп мақтадилар. Уни ҳар мақташганида Расулуллоҳ (с.а.в.) «Ўзи ақлими?» — деб сўрар эдилар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ақлли киши нафсини ҳою ҳавасга бермаган, ўлимдан кейинги охират ҳаёти учун ҳозирланган кишидир», дейилади.

Аллоҳ таоло аҳди донишларга ибратли ҳодисалардан ўrnak олишлари лозимлигини марҳамат қиласи. Бу дунёning алданиш ва хусрон

мамлакати, ҳаёти эса бешик билан тобут орасидаги тор йўлак эканлигини билдиради. Шунингдек, бу дунё унга (яъни, шу дунёга) бандалик қилишга арзимаслигини ва инсон қандай яшашидан қатъи назар сўнгги манзили қабр бўлишини таъкидлайди.

Қуръони карим мезонига амал қилган ақл бир неъматdir. Салоҳияти ва иқтидорини Қуръони каримга бўйсундирмаган ақл эса ўз эгасини аҳмоқлик сари судрайди. Тарих ўзини ақлли ҳисоблаб, нафсини сигинувчи бутта айлантирган, дунёни охиратдан устун қўйган золим, гаддор ва аҳмоқлар билан тўлиб-тошгандир. Қуръони каримни зийраклик билан ўқисак, пайгамбарлар ҳақидаги қиссаларда бундай шахсларнинг аҳмоқона ҳоллари ибрат ўла-роқ келтирилганига гувоҳ бўламиз.

Ҳақиқий маънода ақлли бўлиш Аллоҳ берган истеъодни Қуръон ва суннатга мос равишда ишлатишидир. Ақл маънавият билан йўғрилсагина ўз қадрини билади ва ҳийлалардан ўзини ҳимоя қила олади. Акс ҳолда нафснинг тузогига тушиб, унинг орзуларига асирик кишсанлари билан боғланиб қолади.

Инсон ақли турли кўринишларда намоён бўлади:

- Назокатли ва мулоийим муомалада;
- Ўзи ким эканлигини билиб, шунга риоя қилишда;
- Одил шоҳларга риоя қилиб, уларнинг орзуистакларини амалга оширишда;
- Ўз сирларини дўстга билдириш ёки билдиримасликни билишда, яъниким, ақлсизнинг сири бўлмайди, ҳар нарсаси тилида туради;

- Ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда;
- Шоҳлар саройида эҳтиёт бўлиб, сарой аҳлига ширин тил билан муомала қила билишда;
- Тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда;
- Мажлисларда жим ўтиришини одат қилиб, суралмаган нарсаларни айтмаслик ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланишда.

Ақлли одам қиласиган ишининг охири нима билан ва қандай тугашини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Қаерга боражагини йўлга чиқишидан аввал билиши шарт. Акс ҳолда у йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади. Фалокатдан бошқасига йўлиқмайди.

Аждодларининг ҳаётидан ибрат олиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланган одам ақлли ҳисобланади. Ақлли одам бошқаларнинг хатосидан ҳам ибрат оладиким, «Аҳмоқдан ақл ўрган» деб бекорга айтмаганлар. Мақонни тўғридан-тўғри тушунишга уринсак, ажабланамиз, чунки аҳмоқдан аҳмоқликни ўрганиш мумкин. Мақоннинг чуқур маъноси шундайки, аҳмоқнинг гапларини эшитиб, аҳмоқона ҳаракатлари туфайли эл олдида шармандали ҳолга тушини кўриб, мулоҳаза юритиш ва у қилган аҳмоқликларни такрорламаслик керак. Ақл эгаси кўрганидан ибрат, эшитганидан сабоқ оладики, оқибатда ўтган хатоликлари учун фақат ҳасрат ва надомат чекавермай, аксинча, бу ишларни такрорламаслик чораларини кўради. Ҳазрат Навоий деганлар: «Ақлли одам эл хатосини кўриб, хулоса чиқаради ва тўғри йўлни танлайди. Буни у хатосини бошқалар сезишидан ва юзига солишидан олдинроқ қиласи:



*Оқил чу кўрса элда хато ижтииноб этиб,  
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин.  
Қўймас анинг хатосига эл айлаб эътироуз,  
Айтурга юзи үтрусида саҳвининг сўзин.*

(Оқил бошқаларда хато кўрса ўзини тортади. Ўзини тұғри йўл сари мойил қиласы. Унинг хатосига эл эътироуз билдириб, юзига қараб айбини айтишга ўрин қолдирмайды).

Одам боласининг ўзбилармонлиги ақлнинг заиф, күчсизлигидан дарак беради. Ўзбилармон одам ҳамиша машаққатда яшайди. Зиёнли ҳар нарсада бир фойда ҳам бор, деб айтадилар. Энг яхшиси, бошқаларнинг кўрган зиёнларини назарда тутиб, уларнинг фойдали тажрибаларидан истифода этишдир.

Афсуски, ҳаётда аксини кўриб турдимиз. «Бирор томдан ташласа, сен ҳам ташлайсанми?» деган нақл бор. Кўриб турибмизки, бир одам аҳмоқлик қилиб томдан ташлади. Ўлмаган тақдирда ҳам лат еди, азоб чекди. Биз ҳеч қачон ўзимизни аҳмоқ санамаймиз, бироқ ўша томдан бир ташлаб кўришга интилаверамиз, баъзан ташлаймиз ҳам. Бу мисолни аниқроқ тарзда ифода этсак: қўшнимиз ёки қариндошимиз дабдабали тўй қилди ва қулогига қадар қарзга ботди. Тўйдан кейинги роҳат ўрнига азобли кунлар бошланганини ўзимиз ҳам кўриб, унданда дабдабали тўйга ҳаракат қиласиз. Ундан кўпроқ қарз кўтарамиз. Бу қилмишимииздан «Сен бир қаватли уйнинг томидан ташласанг, мен тўққиз қаватли уй томидан ташлайман, аблажагим чиққанини ҳамма кўрсин» деган маъно чиқмайдими? Кимлардир бизларни бу нодонликдан тўхтатмоқчи ҳам бўлади, «аҳмоқлик

қилма», деб танбек берса, биз унга «ўзинг аҳмоқсан», деб катта кетамиз. Ўзининг ниҳоятда ақллилигига астойдил ишонган одам деярли ҳамиша ақли паст ёки бутунлай беақл одамлар тоифасига киришини билсак, эҳтимол бундай жавоб қилмасдик. Ҳазрат Умар (р.а.): «Ақлли инсон яхшиликни ёмонликдан ажратадиган одам эмас. Ҳақиқий ақл соҳиби иккита ёмон ишдан қайси бирининг зарари кўпроқ эканини билган одамдир» деган ҳикматларни унумасак, ўзимизга фойдалидир. Ҳар ким ақлу фаросат этагини маҳкам ушласа, мартабаси ошади ва эл ўртасида обрўли, эътиборли бўлади. Нафс буйргига бўйин эгса, хор-зорлик гирдобида ҳалок бўлади. Чунки ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди. Арслон йиртқичлиги, тулки айёрги, инсон эса ақлу ҳикмат, одоб ва ахлоқи билан кун кечиради. Ақл ва фаросат қуёшга ўхшайди. Бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган додларга ўрин қолдирмайди.

Айрим пайтларда бир аҳмоқнинг аҳмоқона ишини бошқа аҳмоқ «Ақлли иш қилибсан», деб мақтаёттанига ҳам гувоҳ бўламиз:

– Фалончи бир йилдан бери қарзини қистаб келавериб, жонимга тегди. Бергани бир ярим минг доллар-у, даъвоси осмонда. Кеча келганида бир оз кайф қилиб ўтирган эканман, газабим қўзиб орқасига иккита тепиб, жагига бир мушт урувдим, қораси ӯчди.

– Ақлли иш қилибсан, бунақа нокаслардан қарз сўраш керакмас.

Икки аҳмоқ учрашганида яхшилик тугилишини умид қилиш — хўроздан ҳар куни тухум кутиш билан баравар. Бошқачароқ айтсак: икки

құлма», деб танбек берса, биз унга «ұзинг аҳмоқсан», деб катта кетамиз. Ұзининг ниҳоятда ақллилигига астайдыл ишонган одам деярли ҳамиша ақли паст ёки бутунлай беақл одамлар тоифасига киришини билсак, әхтимол бундай жавоб құлмасдик. Ҳазрат Умар (р.а.): «Ақлли инсон яхшиликни ёмонликдан ажрата оладиган одам әмас. Ҳақиқий ақл соқиби иккита ёмон ишдан қайси бирининг зарари күпроқ эканини билган одамдир» деган ҳикматларни унұтmasak, ұзимизга фойдалидір. Ҳар ким ақлу фаросат этагини маңкам ушласа, мартабаси ошади ва эл үртасида обрұли, әзтиборли бұлади. Нафс буйругига бүйин згса, хор-зорлик гирдобида ҳалок бұлади. Чунки ақл улугликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклады. Арслон йиртқичлиги, тулки айерлиги, инсон зса ақлу ҳикмат, одоб ва ахлоқи билан күн кечиради. Ақл ва фаросат қүёшға үхшайды. Бепарволик туфайли тушиши мумкин бұлған дөгларға үрин қолдирмайды.

Айрим пайтларда бир аҳмоқнинг аҳмоқона ишини бошқа аҳмоқ «Ақлли иш қилибсан», деб мактаётганига ҳам гувоҳ бұламиз:

– Фалончи бир йилдан бери қарзини қистаб келавериб, жонимга тегди. Бергани бир ярим минг доллар-у, даъвоси осмонда. Кеча келганида бир оз кайф қилиб үтирган эканман, газабим құзиб орқасига иккита телиб, жагига бир мушт урувдим, қораси үчди.

– Ақлли иш қилибсан, бунақа нокаслардан қарз сұраш керакмас.

Икки аҳмоқ учрашганида яхшилик тугилишини умид қилиш — хүроздан ҳар куни тухум кутиш билан баравар. Бошқачароқ айтсак: икки

аҳмоқнинг учрашувидан яхшилик ҳосил бўлишига учинчи аҳмоқгина ишониши мумкин. Агар қарздорнинг зулмини эшитган биродари:

— Дўстим, бир гуноҳ устига иккинчи гуноҳни орттирибсан. Дарҳол жабрдийданинг ҳузурига узр сўраб бор. Аллоҳга тавба қил. Тез кунлар ичи қарзингни ҳам қайтар-у, биродарлик ришталарини тиклаб ол! — деб айтса, унинг ақди намоён бўлади. Бунаقا ҳолатларда ақл покиза қалбга қўшилса, фазилатга айланади. Акс ҳолда ақл фазилат эмас.

Бирон-бир ҳиссиёт, хусусан бойишга майл уйғонганида гоят эҳтиёт бўлмоқ даркор. Агар ақл бўлмаганида ҳиссиётлар одамнинг тинқамадорини қуриттан бўларди. Бемаъни ҳиссиётларни жиловлаш учун ҳам одамга ақл берилган, шундай эмасми? Куч — ақдада. Ақлсиз бош — бамисоли шамсиз шамдон, дейдилар. Инсон жасадидаги ақл дараҳтта ўхшаркан. Дараҳт соглом ва серҳосил бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқищдан бошқа нарсага арзимайди.

Инсоннинг бошида кўз, қулоқ, оғиз, бурун каби қийматли аъзолар жойлашган. Лекин инсонийлик моҳияти гўзал кўз ёки бежирим қулоқ билан эмас, балки ақлу заковат, маънавият ва қувваи ҳофиза билан юзага чиқади. Бу эса миядан ўрин олган бир жавҳар бўлиб, Аллоҳнинг инсонга тақдим этган буюк неъматидир. Миядаги кичкина бир иллат туфайли киши телбага айланади, ҳайвонлар қилмаган ишларни қиласди. Инсоният ҳануз бу сирнинг тагига етолгани йўқ. Ҳаётни йўқдан бор қилган Холиқи Зулжалол ҳамма нарсани гўзал интизом

билан яраттан. Бунинг қадру қийматини англамаган кимса нодондир. Аллоҳ таолонинг кучқудратини ҳар бир одам ақли ва қалби билан танимоги ва белгилаб берган ҳудудларидан четта чиқмаслиги лозимлигини бир нафас ҳам унутмаслик даркор!

Ҳазрат Навоий ақлни гавҳарга қиёслаганлар ва деганларки:

«Гавҳар балчиққа тушгани билан қиймати камаймас. Эшакмунчоқ тожга таққан билан феруза ўрнини тутмас ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмас».

*Зевар била шакли хўб бўлмас,  
Ҳар қизки эрур йамон лиқолиг.  
Ҳар неча қоронгу бўлса ҳужра,  
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиг.*

Дейилмоқчиким: қиз агар хунук бўлса, безак билан чирой топа олмайди. Ҳужра ҳар қанча қоронги бўлса ҳам шамнинг равшан нурини бўга олмайди, аксинча, қоронги ҳужрада шамнинг нури қадрлироқ бўлади.

Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл туфайли яхшилик ва ёмонликни идрок эта оламиз. Шунинг учун ихтиёrimизни яхшиликка сарф этиш — ақлимиз қўлидадир. Киши молсизликдан қашшоқ бўлса-да, ақлдан бой бўлишга тинмай интилиши керак. Чунки мол билан бой бўлгандан ақлан бой бўлган афзалроқдир. Ақл билан мол тўпласа бўлади, мол билан ақл тўплаб бўлмайди.

Бу ўринда баён этилажак шарафли ҳадисни Абу Ҳурайра (р.а.) Расули Акрамдан (с.а.в.)

ривоят этганлар. Расулумлоҳ (с.а.в.) бундай мар-  
ҳамат қилдилар:

Сизлардан аввалги умматлардан уч кимсанинг:  
абрас, кал ва кўрнинг аҳволидан ҳикоя қилиб  
бераман. Аллоҳ таоло имтиҳон қилиш учун  
уларнинг олдига бир малакни юборди. Малак  
абрас касаллигига мубтало бўлиб, баданига оқ  
тушган одамнинг олдига келди-да сўради:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истай-  
сан?

– Бу хасталикдан қутулиб, танамга гўзаллик  
қайтишини, одамлар мени кўрганларида ирган-  
май қувонадиган чирой соҳиби бўлишни истай-  
ман. Фоний дунёда бундан бўлак хоҳишим йўқ.

Малак бу одамнинг баданини силади ва абрас  
хасталигидан халос этиб, уни гўзал бир вужуд  
соҳиби қилиб қўйди-да:

– Энди сенга давлат бераман. Қандай молни  
яхши кўрасан? – деб сўради.

– Туяни яхши кўраман, – деди абрас.

Малак унга ўн ойлик ургочи туяни берди-да:  
«Бу туяни Аллоҳ сен учун баракали этсин», деб  
дуо қилгач, калнинг олдига борди:

– Дунёда жону дилинг билан нимани истай-  
сан?

– Бирдан-бир умидим чиройли сочга эга бў-  
лиш. Бунинг учун ҳеч нимамни аямайман, – де-  
ди кал.

Малак уни ҳам силади. Калнинг бошидаи чи-  
ройли соч ўсиб чиқди.

– Энди сенга давлат бераман, нимани хоҳлай-  
сан? – деб сўради малак.

– Сигирни яхши кўраман, бир сигирим бўли-  
шини қачондан бери орзу қиласман, – деди кал.

Унга бир сигир берилди. Малак: «Бу согин сигирни Аллоҳ сен учун баракали этсин», деб дуо қилгач, хайрлашди-да, кўрнинг олдига бориб сўради:

— Дунёда жону дилинг билан нимани истайсан?

— Энг орзу қилганим — кўзларимнинг кўришидир, — деди сўкир умид билан.

Малак уни ҳам даволади, кўзларини очгач:

— Сенга бойлик бераман, нимани яхши кўрасан? — деб сўради.

— Энг яхши кўрганим қўйдир. Қўй сурувларим бўлишини орзу қиласман.

Унга совлиқ берилди. Туя — бўталоқ, сигир — бузоқ туғиб берди, қўй қўзилади. Бу уч одам шунчалик бойиб кетдиларки, кўп вақт ўтмай учаласининг ҳам бир водийни тўлдирадиган туялари, сигирлари, қўйлари бўлди. Уларнинг ҳар бирлари бир водийга эга бўлиб, фарогатда яшаётган кезларда Малак яна Ерга тушди. Абрас хасталигидағи бемор қиёфасига кирди-да, бир пайтлар шу касаллиқдан азоб чеккан одамга рўпара бўлиб ўтинч билан деди:

— Эй бадавлат инсон! Мен бир гариб мусо- фирманин. Кўп юрдим. Менга Аллоҳ ризолиги учун бир туя бер, манзилимга етиб олай. Сенинг рангинг ва баданингни чиройли қилгани ҳаққи менга кўмаклаш.

— Сенга берадиган нарсам қолмаган, ҳамма нарсани бериб бўлганман, — деди абрас.

— Мен сени таниётганга ўхшайман. Сен ҳамма ҳазар қиладиган, одамлар ирганадиган абрас эмасмисан? Сен жуда камбагал эдинг. Аллоҳ сенга ургочи туя бериб, бадавлат қилмадими? — деди Малак.

– Йўқ, мен у одам эмасман. Бу мол менга отамдан, бобомдан қолган.

– Агар ёлгон сўзласанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга келтириб қўяди, – Малак шундай де-дида, ундан нари кетиб, қалнинг олдига борди. Абрасга айтган гапларни унга ҳам айтди, ёрдам сўради. Кал ҳам худди абрас қаби рад жавобини берди. Малак унга ҳам «Агар ёлгон гапирсанг, Аллоҳ сени аввалги ҳолингга қайтарсин», деди-да, кўрнинг олдига борди. Унга сўқир ҳолида рўпара бўлиб ёлборди:

– Мен фақир, йўқсил одамман, йўлдан қол-дим. Юртимга қайтишга имконим йўқ. Менга Аллоҳ ризоси учун ёрдам бер. Сенинг кўзла-рингни очган, равshan қилган, сенга давлат бер-ган Жаноби Ҳақнинг ризоси учун менга битта қўй бер.

Аввал сўқир бўлган, Аллоҳнинг марҳамати билан кўзи очилиб, бойиб кетган одам тиланиб келган кишига қараб гоят ачиниб, дедики:

– Эй гарид! Мен аввал худди сен қаби кўр эдим. Аллоҳ кўзларимни равshan қилди. Мен фақир эдим, Аллоҳ менга бир совлиқ берди. Бундан давлат орттиридим. Аллоҳ ризоси учун битта эмас, истаганингча қўй ол.

Ақлини йўқотмаган бу одамга қараб Малак шундай хитоб қилди:

– Қўйларинг ҳам, барча давлатинг ҳам ўзингга буюрсин. Аллоҳ баракатини янада оширсин. Бу сизлар учун Аллоҳ томонидан бир имтиҳон эди. Танишларинг имтиҳонда панд еб, Аллоҳнинг газабига учрадилар...

Бу шарафли ҳадис ақл эгалари учун беқиёс ибрат дарсиdir. Атрофимизга қарайлик-чи, қадим замонларда яшаган ўша абрас ва кал-

га ўхшаганларни ҳозир учратармикинмиз? Афсуски, учратамиз. Кимки улардан ёрдам сўраса, ақл ўргата бошлайдилар, ёрдам ўрнига насиҳатларни қалаштириб ташлайдилар. Не гамки, бундай аҳмоқлар узоқ мозийдан бери бор. Аллоҳнинг бу ҳикматини кўринг: ёмон феъллиарнинг, яъни аҳмоқларнинг феъллари бир-бирига айнан ўхшайди. Аллоҳ! Аллоҳ! Бизларни ундаилардан қилма! Субҳаноллоҳ!

Оқил киши ўз умрини озгина мол билан хуррам ва шодликда ўтказади. Нодон киши ҳисбсиз молу давлат билан доимо гам-алам тортиб, саргардонлик билан кун кечиради. Барча нарсанинг кўнгилдагидек тугаши ақлга bogлиқ. Шунинг учун оқил киши барчадан улуг ва муҳтарамдир. Ақл — нафснинг зиндани, ҳою ҳавас эса оромгоҳи ҳисобланади. Ҳою ҳавас турли хил иштиёқ ва орзуларни нафс олдига туҳфа қилиб олиб келади. Аммо бу беҳуда ҳавасларни АҚЛ ман қиласди. Демак, кишининг нафси ҳою ҳавасга мойил, ақлдан эса узоқдир. Шунинг учун оқил инсон нафс кўйига кирмай, ақл садосига қулоқ солади. Ишнинг оқибатини ўйлади. Киши баҳт-саодатга нафс орқали эмас, балки ақл орқали эришажагини тарих беҳисоб тарзда исбот этганки, бу ҳам бизлар учун ибратдир. Алломаларнинг бу гўзал фикрига қулоқ тутинг:

Бадан — нафс ўлкаси ва шаҳридир. Қалб шу ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса ўлканинг ёритувчи фонусидир. Ақл — уни тўгри йўлга бошловчи вазир. Истак ва орзу хизматкорларнинг ризқини мувофиқлаштирувчи восита. Жаҳл ва газаб шу ўлканинг

миршабларидир. Газаб инсонга тұгри йүлни күрсатаётгандек туоладиган, аслида эса ёмонлик ва тузоқ ҳозирлаб құйған қулдир. У аввал насиҳат қилиб туради, кейин үлдиради. Қалбни оқкүнгіл вазирига қарши қайрайди. Ақлнинг олди қисмидаги ҳаё құриқчи мисолдир. Ақл үртасида эса фикрлаш қуввати мавжуд. Эслаб қолиш қуввати эса ақлнинг орқа қисмидә жойлашган. Тил таржимон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчилари дир. Уларнинг ҳар бирига муайян вазифа топширилган. Күз ранглар оламида, қулоқ овозлар оламида, бошқа аъзолар ҳам тегишли оламлар вазифаларни баҗаришади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳабар манбаидир. Улар ўzlари билган нарсаны нафсга етказадиган эшикбон сингариidlар. Подшоҳ мартабасидаги Қалб дуруст бұлса, құл остидагилар ҳам дуруст, аксинча, бетавфиқ бұлса, құл остидагилар ҳам шундай бұлади. Қалбин, газаб, сабрсизлик, ҳирс, ортиқча орзу ва тақдирдан рози бұлмаслик каби ботиний хасталыклардан фориг бұлсагина нажот топиб, ҳаловатта эришади.

Ақл — Аллоҳ берган энг буюк инъом. У бизни эҳтиросларимиз ва нұқсонларимиздан баланд тутибина қолмай, фазилатларимиз, истеъдод ва әзгуликларимиздан мақсадға мувофиқ фойдаланишда ёрдам беради. Зоро, ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими — бор ақлни ишлата билиш керак. Донолар орасида: «Айримларда ақл зўриқиши туфайли барбод бўлади. Аксарият инсонларда эса ишлатилмаганидан могорлаб кетади» деган гап ҳам бор. Ҳаётда чарчаш туфайли барбод бўлишни

кам учратамиз, аксинча, ақлнинг мөгорлаб кетгани кўп учрайди. Баъзи одамларда ақл бутун умри давомида ташландиқ ер каби қаровсиз қолаверади. Ҳолбуки, ақл мулоҳаза юритиш, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий bogлаш, «Нима учун?» деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, қонуниятларни очиш, кутилмаган ҳолатларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш қудратига эга. Шу туфайли инсон танасидаги соглом ақл энг кичик вужудда жамуљам бўлган бекиёс буюклик саналади.

Қадим замонда бир шаҳарда Қосим исмли меҳнаткаш одам яшарди. Кеча-кундуз ишлаб, меҳнати орқасидан бойлик ҳосил қилди, ортирган пулларини «бирон кунимга асқотар» деган умидда кўзачага жойлаб, бегона кўздан нари деган мақсадда жар ёқасидаги чилонжийда дарахтининг остига кўмиб қўйди.

Орадан бир неча кун ўтгач, пулга муҳтоҷ бўлди-ю, кўзачани олиш учун дараҳт остини кавлади. Не мусибатки, кимдир кўзачани кавлаб олиб кетибди. Бундан Қосимнинг ёруг куни тунга айланиб, боши гангиди. Унинг фозил бир биродари бор эди. Дарҳол унга учраб, арзи ҳол қилди. Фозил киши Қосим билан дараҳт ёнига келди. Ўйлади. Бироқ, бирон тайин фикрға кела олмади. Бу онда уларга дарвишсифат бир одам, сўнг ёш бола яқинлашдилар. Воқеадан уларни ҳам боҳабар этдилар.

— Чилонжийданинг илдизи турли хасталикларга дори бўлгани учун шифо истагидаги кимдир кавлаб олган, — деди у киши. Унинг фикрини бола қувватлади:



кам учратамиз, аксинча, ақлнинг мөгорлаб кетгани кўп учрайди. Баъзи одамларда ақл бутун умри давомида ташландиқ ер каби қаровсиз қолаверади. Ҳолбуки, ақл мулоҳаза юритиш, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий боғлаш, «Нима учун?» деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, қонуниятларни очиш, кутилмаган ҳолатларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш қудратига эга. Шу туфайли инсон танасидаги соглом ақл энг кичик вужудда жамулжам бўлган бекиёс буюклик саналади.

Қадим замонда бир шаҳарда Қосим исмли меҳнаткаш одам яшарди. Кеча-кундуз ишлаб, меҳнати орқасидан бойлик ҳосил қилди, ортирган пулларини «бирон кунимга асқотар» деган умидда кўзачага жойлаб, бегона кўздан нари деган мақсадда жар ёқасидаги чилонжийда дарахтининг остига кўмиб қўйди.

Орадан бир неча кун ўтгач, пулга муҳтоҷ бўлди-ю, кўзачани олиш учун дараҳт остини кавлади. Не мусибатки, кимдир кўзачани кавлаб олиб кетибди. Бундан Қосимнинг ёруг куни тунга айланиб, боши гангиди. Унинг фозил бир биродари бор эди. Дарҳол унга учраб, арзи ҳол қилди. Фозил киши Қосим билан дараҳт ёнига келди. Ўйлади. Бироқ, бирон тайин фикрга кела олмади. Бу онда уларга дарвишсифат бир одам, сўнг ёш бола яқинлашдилар. Воқеадан уларни ҳам боҳабар этдилар.

– Чилонжийданинг илдизи турли хасталикларга дори бўлгани учун шифо истагидаги кимдир кавлаб олган, – деди у киши. Унинг фикрини бола қувватлади:



— Табиблардан сўраш керак, қайси табиб кимга чилонжийда илдизидан дори тайёрлаб берган бўлса, дарахтнинг тагини кавлаётиб кўзачани топган ҳам ўша киши бўлади.

Қосим ҳам, унинг фозил дўсти ҳам йўловчи одам ва нотаниш боланинг ақл-фаросатларига таҳсинлар айтиб, табиблар ҳузурига бирмабир бориб суриштириллар. Табиблардан бири уларнинг муаммоларини тинглагач, дедики:

— Ҳожи Ҳайдар исмли хаста одамни муолажа қилмоқ учун чилонжийда илдизини топиб келтиришни буюриб эдим. У киши келтирди, мен дори тайёрлаб бердим. Иншоolloҳ, дардига шифо топгай.

Табиб айтган манзил бўйича бориб, ҳожи Ҳайдарни топдилар.

— Шифо илинжида чилонжийда илдизини кавлаб олмоқчи эдим, бир кўзача чиқди. Дарахт бирон bog ичида бўлсайди, bog эгасидан суриштирадим. Эгасиз, жар ёқасида бўлгани учун кўзачани уйга келтириб қўйдим. Аслида кўзачага тегмаслигим жоиз эди. Бироқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган бирор одам қўлига тушиб қолса, эгаси чирқирамасин деган мақсадда олдим. Омонатга хиёнат қилишдан Аллоҳ сақласин!

Қосим кўзачанинг ҳажми, рангги ва ичидағи тангаларнинг миқдорини айтгач, ҳожи Ҳайдар бойликни эгасига қайтарди. Қиссадан . ҳисса шуки, ҳар қандай муаммо ақл ила ҳал қилинур.

Ҳар бир одамнинг оз бўлса-да, ўз ақли бўлгани яхши. Чунки Фирдавсий ёзганлариdek:

Ақлдан гамгинлик, шодлик, ўқтамлик,  
Ақлдан борлигу йўқлигу камлик.



Инсон дунёда ўз ақли билан яшамоқ учун тугилади. Ақл ўргатувчиси күп бўлган ишдан фойда кам. Кимнингки ўз ақли йўқ экан, унга ҳамма одамларнинг бирваракай ақли ҳам наф беролмайди. Кўзи ожиз одам бу нуқсонини ёнидагилар ҳисобига тўлдиролмайди. Қаерда ақл етишмаса, у ерда ҳамма нарса етишмайди. Бу ўринда фақат ўз ақлига маҳлиё бўлиб, ўзбилармонлик билан кун кўришни ўз ақли билан яшашга интилишдан фарқлаб олиш керак. Яъни, ҳар нарса меъёрида бўлиши афзал. Меъёрдан ошилса, биринчи ҳолатда магуррлик ва кибр, иккинчисида эса танбаллик, лоқайдлик нишоналари кўринади.

«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», «Оғзи куйган қатиқни ҳам пулаб ичади» деган мақоллар магзини чақиш керак. Бу мақоллар ақлли одамларга нисбатан айтилган. Ҳар қандай ақлли одам ҳаёт йўлида озми-кўпми, қоқилиб туради. Ақлли одамлар тубан ва ярамас муҳитта тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишлари зарур. Муайян вазиятда ақлини йўқотмаган одам умуман ҳеч нарсани йўқотмайди. Кимки кўр-кўронга номаълум йўлга чиқса, халқнинг тўгри кетаётган йўлидан узоқлашади ва қанча кўп йўл юрса, шунча кўп адашади. Агар бир одамнинг кўзига тикан кирса ва бу тиканни чиқариб олмасдан, уни аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб кўзини ишқай бошласа, мутлақ кўр бўлади. Ақлли одам кўпнинг раъий билан ҳисоблашиб, унга ишониши лозим. Шу билан бирга, ақл ва тажрибанинг сўзларига ҳам қулоқ солиши зарур. Ақлли одам ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмаслиги шарт. Чунки ҳар бир ишнинг ўз мукофоти ва оқибати

мавжуд. Ақл билан фалокатнинг олдини олган, саросимага тушмаган одам бахтиёрdir. Ақл ва иродага таянмаган одам бундай пайтларда нажот топа олмайди. Бахтсизлик юз берганда одамга ақлдан бошқа ҳеч нарса ёрдам бера олмайди. Шу боис ҳам донолар: «Ақл барча эзгу ишларнинг асоси, саодат дарвозаларининг калитидир», дейдилар. Бу хислат кимда бўлса, унга илм ва ҳилм фазилати қўшилса, у одам шаън-шавкатга, иззат ва ҳурматга сазовор бўлади. Юнон файласуфи Демокритнинг «Тана гўзаллигини, агар унинг заминида ақл ётмаса, ҳўкиз гўзаллигига ўхшатиш мумкин» деган фикрини эътиборсиз қолдирмаганимиз дуруст. Бу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки: жасоратсиз ақл — аёлга хос хислат. Ақлсиз жасорат эса ҳайвонга хос хислат. Баён этилмиш фикрларнинг тасдигини «Қутадғу билиг»да ҳам ўқиймиз:

*Билиглик уқушлуқ киши ул киши,  
Онингда нору борча йилқи туши.*

Маъноси будир: инсон дегани — илмли, ақлли кишиларга берилган номдир. Қолганлари йилқи сифатдир (яъни, ақлли, илмлидан бошқасини йилқига қўшиб қўй, дейилмоқчи).

\* \* \*

Тирик одамнинг вазифаларидан бири ҳақ билан ботилни ажратса олиш. Ҳақиқатни эса фақат ақл нури билангина кўриш мумкин. Чунки инсонга хос барча фазилатларнинг энг олижаноби ва муҳими ақлдир. Ер юзида қанча инсон бўлса, ҳаммасида ўзига яраша ақл бор.

Аммо барчанинг ҳаракати ҳам фақат инсонга хос гўзал ҳаракат эмас. Кимдир ўз ақли даражасида ҳўқизга, кимдир оловга, кимдир ёғоч санамларга топинади. Кимдир пайгамбарни Худонинг ўғли, бошқаси императорни қуёшнинг ўғли деб сигинади. Кимдир ақли туфайли шараф тожига эришади, яна кимдир ақли қосирлиги туфайли ё гиёҳванд бўлади ёки зинокорлитининг мукофоти сифатида «СПИД» каби хасталикка чалиниб, дунёни шармандалик либосида тарк этади.

Ривоятки, эшак билан тия ҳамроҳликда борар эдилар. Рўпараларидан дарё чиқиб, биринчи бўлиб тия сувга тушди.

— Дарё чуқур эмас экан, сув қорнимдан келяпти, сенам тушавер, — деди тия эшакка.

Эшак дарё томон юрмай, орқасига тисарилиб деди-ки:

— Эй дўстим, дарё сен учун чуқурмасдир. Ҳар ҳолда қорин билан қориннинг фарқи бор. Сенинг қорнингдан келган сув мени кўмиб юборади-ку!

Ҳар ким ўз ақли ва қобилиятига қараб иш тутса, тўгри йўл танлаган бўлади. Акс ҳолда аввалроқ баён қилганимиз «Сен ўзингни томдан ташлабсан, менинг сендан кам ерим борми, мен ҳам ташлайман!» деганлар каби ақл неъматидан йироқлашамиз.

Ақл тенгсиз неъмат, аммо усталик билан фойдаланишни талаб этади. Барчада ақл бор, бироқ аксарият инсонларнинг ақли қисқа, заволли, ярим-япалоқдир. Чунончи, файласуфларни олайлик: минг хил дунёқараш, минглаб бир-бирига зид фалсафий оқимлар, мафкуралар, башарий тузумлар, адабиётлар, қонун-қоидалар...

Донолар ақлнинг мақбулини «ақли салим» деганлар. Ҳар ақл мақбул дейилмайди, мақбул эмаси ҳам мавжуд. Мақбул бўлмаганларини биз аввал баён қилганимиздек, «ақлсизлик» ёки «аҳмоқлик» дейишга одатланганмиз. Биз бир инсоннинг ҳаракатига «ақлсизлик» деб баҳо берамиз, аммо унинг ўзича бу иши ақлдандир. Инсон ўз ақли даражасида кўп нарсаларни ўйлаб топиши мумкин. Кўп ишларни амалга ошириши ҳам мумкин. Аммо гап у амалга оширган ишнинг жамият учун маъқул ёки маъқул эмаслигида. Бошқача айтилса, ҳақиқатта мослигида ёки мос эмаслигида. Ақлнинг маҳсулотлари ҳақиқат тарозисида ўлчанади. Ақлли одам билан аҳмоқнинг фарқи шуки, ақлли доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради. Аҳмоқ эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Ақллининг тили ҳамиша фикрининг измида. Аҳмоқда бўлса бунинг акси. Ақллининг тили — тафаккурнинг тилмочи, аҳмоқнинг тили эса гап ташувчи ва гийбатчидир.

Ўрни келганда кўп хонадонларнинг шўрини қуритаётган бир аҳмоқлик ҳақида ҳам гапириб ўтайлик. Ислом ақлни муҳофаза қиласди. Масалан, маст қилувчи ичимликларни ичиш ҳаром, яъни ман этилган. Чунки ичимлик ақлни кетказади. Майхўрлик аҳмоқликнинг улуг кўришиларидан бири, десак янглишмаймиз. Мана, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг:

Майхўр бир одам маст ҳолда, сийдиги билан қўлини, юзини юва бошлади. Ундан: «Нима қиляпсан?» деб сўрадилар. «Покланяпман», деб жавоб берди у.

Бошқа бир майхўрнинг дудоқларини ит ялай бошлади. Маст итга: «Эй жанобим, сен мени сийляяпсан, Худо сени сийласин!» деди. Ит мастилинг юзига қараб чоптирди. Маст итнинг бу иши учун ҳам ташаккур айтди.

Бу икки воқеага ишонмагандирсиз ёки латифа ўрнида қабул қилгандирсиз. Эҳтимол, лоффдир? Нима бўлганида ҳам масти одамнинг ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, бундан баттар ҳолатларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. «Мастлик — ростлик» деб бежиз айтмаганлар. Бизнингча «Мастлик — аҳмоқлик!» Мастлик инсоннинг ақлини олиб қўяди ва уни ўзлигидан, яъни инсонлиқдан узоқлаштирадиган аянчли бир ҳолга келтиради. Ит мастилинг юзига сияётганда у аҳмоқ одам юзимни бир меҳрибон юваяпти деб роҳатланди. Мастиларнинг бадбўй оғизларидан қандай уят сўзлар чиқишини билмайдиган одам йўқ. Масти ака-укалар бир-бирларини «онангни...»лаб сўкишяпти. Ё, алҳазар! Ўз оналарини-я? Қайси аҳмоқдан бундан баттарроқ аҳмоқлик кутиш мумкин? Масти одам номус ва шарафини сақламайди, чунки ўша пайтда ақлидан айрилган бўлади. Мастилик қанча давом этса, аҳмоқлик ҳам шунча давом этади. Масти бундай пайтда нима қилаётганини билмайди. Номус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кетади-ю, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли қиз-жувонларнинг номуси мастиликда булғанади. Бундай чиркин хатарларни эшишиб-кўриб юраверамиз. Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чақса — ўлдиради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун Ислом ичкиликнинг барча турларини

жаром — ман қылган. Майхұрларнинг аксари қиёматда жағаннамга боражакларини, ёниб кул бұлажакларини билсалар ҳам үзларини тийиб ололмайдилар. Бу қандай ахмоқлик? Балки «касаллик» дерсиз? У ҳолда нима учун жигари оғриган инсон даволаниш чорасини излайди, ҳаракат қиласы-ю, майхұр нафсини енгиш чорасини қидирмайды? Ажаб, ичкиликни чақиб үлдірадиган илонга үхшатдиг-у, айни чогда үйланиб қолдик: илон ахмоқлигі учун бирорни чақмайды, жонини ҳимоя қилиш учун чақади. Майхұрлықдан қайтмаёттан ахмоқ одам эса жонини авайлашни үйламайды.

Жаброил · алайхиссалом Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Жаъфари Тайёрий түрт фазилати туфайли Аллоҳнинг мақтовига сазовор бўлди», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаъфари Тайёрийдан бу мартабага қандай эришганилигини сўрадилар. У дедики:

— Қарасам, ичкилик ақдни йўқотади. Шунинг учун ичкиликни ичмадим. Бут-санамларга қарадим, фойдаси йўқ, шунинг учун уларга сигинмадим. Оиласми рашик эттаним сабабли бошқалар билан зино қилмадим. Ёмон оқибатга олиб келишини билганим учун ёлгон сўзламадим.

Эътибор қилинг: сабабларнинг аввалида ичкилиқдан юз ўтириш турибди. Агар инсон майхұрлықни ташламаса, бут-санамларга ҳам сигинаверади. Юзига чоптирган итта миннатдорлик билдирган мастнинг бутга сигиниши қийин эканми? Ишонмасангиз, синаб кўринг: хумор тутиб азобланыёттан майхұрга бир пиёла ароқни кўрсатинг-да, «Шу бутга сигинсанг, ароқ сеники», денг. Сигиниш нима экан, шу

бир пиёла ароқ учун ўша ёгоч бутни ялай-ялай адо қилиб беради. Майхўр одам зинодан ҳам, ёлгондан ҳам қайтмайди.

Аҳмоқ одам асли иродасиз одамдир. Кимки аҳмоқ бўлса, уни бошқалар алдайди, ихтиёрини олади, эзиг ишлатади. Фақат ақл соҳибигина чинакамига озод ва мустақиллар. Чунки ақл эркисизликка чидай олмайди. Зотан, қаерда ақл бўлса, қудрат ҳам ўша ердадир. Ақл ҳар қандай ёт таъсирлардан соҳибини ҳимоя қиласди. Ақл ҳар қандай фитна устидан голиб бўлади. Ақл Тангрини танитади. Яъни, Ер юзида яралмиш барча нарсада Тангри таолонинг мўъжизасини, қудратини кўради. Кўриб, фикр қиласди ва ёмон йўллардан тийилади. Ўзликни, сўнг Яратганни таниш, англашни бир чўққи қиёс этсак, бу чўққи фақат ақл йўли билан забт этилади. Агар ақл инсонни бу баҳтга йўлламас экан, унинг боши кулфат ботқогидан чиқмайди.

Ақлнинг кучига ишонмаслик — ақлсизлик белгиси. Ақл-идроқдан маҳрум бўлган бош сув-сиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит эса эгар-жабдуқсиз отга, шарм-ҳаёсиз жувон тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим хушбўй гули йўқ бўстонга ўхшайди. Донишманддан сўрадилар:

— Бировнинг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?

Донишманд деди:

— Уч хислатнинг биридан билса бўлади: у юборган элчисига қараб, ё ёзган мактубига қараб ёки юборган совгасига қараб. Элчи — унинг ўзи демак; мактуби — унинг нутқи; совгаси эса — ҳимматидан дарак.

бир пиёла ароқ учун ўша ёғоч бутни ялай-ялай адо қилиб беради. Майхұр одам зинодан ҳам, ёлғондан ҳам қайтмайды.

Ақмоқ одам асли иродасиз одамдир. Кимки ақмоқ бұлса, уни бошқалар алдайды, ихтиёрини олади, әзіб ишлатади. Фақат ақл соҳибигина чинакамига озод ва мустақилдир. Чунки ақл әркисизликка чидай олмайды. Зотан, қаерда ақл бұлса, құдрат ҳам ўша ердадир. Ақл ҳар қандай ёт таъсирлардан соҳибини ҳимоя қиласы. Ақл ҳар қандай фитна устидан голиб бўлади. Ақл Тангрини танитади. Яъни, Ер юзида яралмиш барча нарсада Тангри таолонинг мұъжизасини, құдратини күради. Кўриб, фикр қиласы ва ёмон йўллардан тийилади. Ўзликни, сўнг Яратганни таниш, англашни бир чўққи қиёс этсак, бу чўққи фақат ақл йўли билан забт этилади. Агар ақл инсонни бу баҳтга йўлламас экан, унинг боши кулфат ботқогидан чиқмайди.

Ақлнинг кучига ишонмаслик — ақлсизлик белгиси. Ақл-идроқдан маҳрум бўлган бош сув-сиз чашмага, адабсиз, тарбиясиз йигит эса эгар-жабдуқсиз отга, шарм-ҳаёсиз жувон тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим хушбўй гули йўқ бўстонга ўхшайди. Донишмандан сўрадилар:

— Бирорнинг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?

Донишманц деди:

— Уч хислатнинг биридан билса бўлади: у юборган элчисига қараб, ё ёзган мактубига қараб ёки юборган совгасига қараб. Элчи — унинг ўзи демак; мактуби — унинг нутқи; совгаси эса — ҳимматидан дарак.

Комил ақла эга бўлган киши ўзини паст мартабадан юқори мартабага кўтарида. Раъий-ақли кучсиз бўлган киши эса ўзини баланд мартабадан қути ташлайди. Суқрот ҳаким вафотларидан олдин шогирдларига бундай насиҳат қилибдилар:

— Фароғат, шодлик кеч келиб, тез кетади, қайгу-алам тез келиб, анча узоққа чўзилади. Ҳар одамнинг иффат ва парҳезкорлиги бўлмаса, ҳар қанча зийрак ва доно кўринса ҳам, унинг ақли камолга етишган ҳисобланмайди. Шунга кўра, оқил ва камол иффатли, тавфиқли бўлмоги шарт. Қилган ёмонликлари, фисқу фуржурларини ҳар ерда мақтаб, гердайиб сўзлаб юрган одамдан узоқлашинг. Комил, ақлли одам бузуқ хаёлларни кўнглига келтирмайди, ақлхуш қуввати билан уларни рад этади.

Ҳакимнинг бу ибратига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир. Бири йўқолса, иккингчисини топиб бўлмайди. Дунё дунё бўлиб яралганидан бери ҳали комил ақл эгасининг беҳаёлик қилганини ёки аксинча, беҳаё одамнинг комил ақл эгалари мартабасида эъзозланганини кўрган эмас. Фузайл ибн Ниёз (қ.с.) «Ҳар нарсанинг закоти бор. Ақлнинг закоти — охират андишасидир» деганлар. Бу закот — андишага хиёнат қилмаганлар ақл комиллигига эришган баҳтиёр зотлардир.

Ривоят: Ҳазрати имом Абу Ҳанифа Қуфий (қ.с.) тошлоқ йўлдан бораётган эдилар. Қаршиларидан бир ҳўқиз келаверди. Абу Ҳанифа йўлдан четландилар. Ҳамроҳлари дедиларки:

— Ё имом! Бу парҳез нимадандир?

Дедилар:

— Менинг ақлим бор, унинг эса шохи!

Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир ишонасиdir. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлайвермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришилик соглом ақлли ҳар бир инсон учун голибият ва саодат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанлиқdir.

Луқмони Ҳаким дебдилар:

— Эй ўғил, одамлар сўзга устамонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор: ақлнинг далили — фикрнинг далили — сукутдир.

«Ақлли одамлар подшоҳларнинг марҳаматига ишонч билдиrmайдилар, — деб ёзадилар ҳазрат Навоий. — Донишманд кишилар тентакларнинг гап-сўзига ишонишни ўринли демайдилар. Зеро, у бир нима қилса — ихтиёри ўзидаидир. Тентак эса беихтиёрdir. Аммо ақлли одам иккаласидан ҳам эҳтиёт бўлиши яхшидир.

*Ул чу соҳиб ихтиёр үлди-ю, бу беихтиёр,  
Иккисида хазму ҳикматнинг хилофи ошкор.*

Дейилмоқчи: униси — ихтиёр эгаси, буниси эса ихтиёrsиз. Лекин иккисида ҳам ақл билан ҳикматнинг тескариси бор.

Ўзини донишманд ҳисобловчи биродарларимиз қайсиdir даврада тентак ёки жоҳилга рўпара келганларида бу доно фикрни ёки ҳазрати Абу Ҳанифанинг йўл четига чиқиб турганларини эсласалар, ақлга хилоф иш қилмаган бўлур эдилар.

Ақл фойдаланилмагунича соҳибига фойда бермайды ва киши лайлак ҳолига тушади.

Дараҳт тепасига ин қурған кабутар тухум қўйиб, бола очган чоғда тулки келиб дагдага қилди:

– Жишларингни ташламасанг, дараҳт тепасига чиқаман-да, ўзингни ҳам, болаларингни ҳам ейман.

Кабутар ўз жонидан қўрқиб, болаларини тулкига ташлади. Кейин яна тухум қўйиб, бола очди. Тулкининг ёмонлигидан қўрқиб ўтирганда, лайлак учиб келиб паришонлиги сабабини сўради. Кабутар тулкининг дагдагаларини айтиб берди. Лайлак унинг нодонлигидан кулди-да, ақл ўргатди:

– Тулки яна келса, «Болаларимни ташламайман. Истасанг ўзинг дараҳтга чиқиб еявер, мен учиб кетаман, мени ея олмайсан» десанг, аҳмоқлигича қолаверади.

Кабутар лайлак айтгандай қилди.

– Бу гапларни сенга ким ўргатди? – деб сўради тулки.

Кабутар ақл ўргатувчиси ким эканини айтгач, тулки лайлакни излаб кетди. Уни дарё қиргогидан топиб, сўради:

– Эй лайлак, шамол ўнгдан эсса, бошингни қандай сақдайсан?

– Бошимни чапга бураман, – деди лайлак дошишмандлик билан.

– Шамол чапдан эсса нима қиласан? – деб сўради тулки ўзини гўлликка солиб.

– Бошимни ўнгта бураман ёки орқамни ўтираман, – деди лайлак унинг нодонлигидан кулиб.

- Шамол орқадан эсиб қолса нима қиласан?
- Бошимни қанотларим орасига оламан.
- Йүт-э, мени лақиллатяпсанми? Бошни қанотлар орасига олиш мумкин эканини билмас эканман. Агар алдамаёттан бўлсанг, бир кўрсатчи?

Лайлак бошини қанотлари орасига олди. Тулки пайтдан фойдаланиб, унга ташланди. Бир ҳамлада ўлдириб, қорнини обдан тўйғазиб олдида, ерда сочилиб ётган патларга қараб деди:

- Эй лайлак! Кабутарга ақл ўргатишни билибсан-ку, нечун ўзингга ўргатмадинг?

Шу ўринда, азизларим, қисқагина танаффус эълон қилиб, бутунги кунимизда ақлни ўз ўрнида ишлатмасликка доир мисолга, аслида ҳеч қаерда содир бўлмаган ҳангомага ҳажв қўзи билан астагина мўралаб қараб олайлик.



## ИЛМЛИ БОЗОР

Нафасингдан айланай, бу Йўққулобод деган жойда не-не ажойиботлар бўлмайди. Мана, бозор деганда биз қандай манзарани кўз олдимизга келтирамиз? Бир мошин қовунни туширгач, эски чопонини буклаб, тагига якандоz қилиб олиб, носни отволиб, савдо қилувчи деҳқонними? Садаганг кетай, Йўққулободда бошқачароқ, у томонларда бозор илмийлашиб кетган. Шунақасини эшиитмаганман, дейсизми? Менам эшиитмаганман, лекин Йўққулободдан бир ҳангома келиб қолган эди, ишонищдан ўзга чорам қолмади. Кeling, менга бегона эмассиз, сиз ҳам эшитиб кўринг: биз ўзимизнинг бозорда «бозоркўм» деган мартабали одам бўлишини биламиз. Йўққулободдаги бозоркўм мактабни аранг битирган, ўнта бармогини бир амаллаб санай оладиганлардан эмас. Аксинча, нақ филология фанлари номзоди! Сал оширвординми? Майли, унда омади чопмаган олий маълумотли шоирлардан биридир. Йўққулободда бошқача бўлиши мумкинмас, чунки бозорга гапдон, сўзамол одам керак. Бир куни Йўққулободдаги катта бозорга қўшни сайёрадан меҳмонлар келди. Бозоркўм уларни айлантириб юриди. Яхшики, меҳмонлар «Сиз қандай қилиб бу мартабани эгалладингиз?» деб сўрашмади. Сўраб қолишсами, номзоди бозоркўмлик рўйхатида турган иккита иқтисодчи, учта биологии доғда қолдирганини айтишга мажбур бўлармиди? Шунда ҳам киндиги юқори мартабали бир одамнинг киндиги билан уланганлигини айтмай,

суваб кетарди. Аслини олганда меҳмонларга бунинг қизиги ҳам йўқ. Хуллас, бозоркўм ўзига тобе салтанатини қойилмақом қилиб танишириди:

— Мана, гўшт бозорининг салоҳияти билан танишинг: калла гўшти сотаётган йигит тўрт йил район қасалхонасида невропатолог бўлиб ишлаган. Каллага доир барча илмларга эга. Анави мол оёқларини сотаётган синглимиз икки йил давомида медицина институтида травмотология бўлимида ўқиганлар. Насиб бўлса, бу йил ўқишни контракт асосида тиклаб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илм олишни давом эттирадилар. Энди бу томонга қаранглар: рўмол сотаётган биродаримизни кўряпсизми? Бу киши кимё фанлари номзоди бўладилар. Ҳар қандай матодаги табиий ип билан сунъий кимёвий толаларни бирпасда ажратиб берадилар. Бу кишининг завжай муҳтарамалари ҳам кимёгар бўладилар. Бу хоним ширин ичимликлар сотуви билан бандлар. Аммо бугун келмаганлар, аммалариникида бешик тўйи экан. Энди электр бўлимига ўтайлик: сим ўлчаётган кишига эътиборингизни тортамиз: бу киши нақ йигирма йил мактабда ёш авлодга физикадан дарс берганлар. Электр буюмларининг сарасини ҳамма шу кишидан олади. Радио буюмлари билан савдо қилаётган дўстимиз бозоримизнинг фахри. У Йўққуlobod чемпионларини ҳам ютиб ташлайдиган шахматчи робот ясаганлардан. Чойнак-пиёла сотаётган синглимиз геология соҳасида диссертация ёқламоқчи бўлганида озгина билими етишмай қолган

экан. Биз бозор аҳли номидан бу синглинизга топшириқ берганмиз. Бу йил қандай қилиб бұлса ҳам диссертация ёқлашлари керак. Биз бозоримиздаги фан номзодлари сонини күпайтиришга ҳаракат қилишимиз шарт. Чунки құшни вилюят бозоридагилар бу соҳада биздан анча илгарилаб кетишган. Аммо биз юк ташувчилар орасыда олий маълумотлилар күплиги бүйича улардан олдиндамиз. Бу ҳам бизнинг фахрли күрсаткичимиздир.

Бозоркүм шундай илҳом билан таништира-ётганида ёnlаридан эски пахталик кийиб олган паттачи йигит ўтиб қолсами? У паттачини танимайдигандай тескари қараб олди. Агар меҳмонлар «Бу ким?» деб сұрашса, нима дерди? «Еттинчи синфнинг ярмидан кейин мактаб нималигини билмай юрган бола бу», дермиди? Илмли бозор деган номга бу тұгри келадими? Аслида бозоркүм бу паттачининг баҳридан ўтса бұларди. Математик құшниси бу ишга аңчадан бери харидор. Пича хамир учидан патир ҳам беріб қўйған. Аммо нима қылсин, ноилож бу бечора. Агар шу паттачи ўзининг күёви бўлмаганида аллақачон бу саводсизнинг баҳридан ўтиб юборган бўларди-я!

Ана шунаقا, Йўққулободдан юборилган ҳангоманинг қисқа баёни билан танишиб ҳам олдингиз. Бирпасда қандай ажойиботларга гувоҳ бўлдик-а? Энди садаганг кетайлар, бу гаплар орамизда қола қолсин. Тасаввуримиз дарвозаларини ёпиб қўя қолайлик. А, лаббай?

\* \* \*

Қисқа танаффусни ниҳоясига етқазиб, мавзуга қайтамиз:

Ақл әгалари олимлар, фозиллар ва тадбирли ҳұнармандаларнинг суҳбатларидан күп-күп баҳраманд бўлади. Донишмандалар суҳбати мушк-анбар демакдир. Шоир айтмоқчи:

*Ҳам тавозелик бўлиб, ҳам баодаб,  
Яхшиларнинг суҳбатин қилгил талаб!*

Ақл әгаси кўршапалак табиатли жоҳиллар билан улфатчиликдан қочади:

*Ёғ ичига тушса гар сув, нолалар қилгай чирог,  
Суҳбати ножинс бўлгай боиси озору дод.*

Донолар мажлисида, улуглар суҳбатида ўзига муносиб жойда ўтириш ҳам донишмандикдан дарак беради. Ақл-идрок әгаси бошқаларнинг мартабаларини иззат қиласди. Девоналар каби андишасиз сўзлаш шармандалиқдан нишон беради. Сабабсиз, ўринсиз кула бериш эса пушаймонлик билан натижаланади.

*Суҳбатга лойиқ эмас ҳар кимса  
ўринсиз кулса,  
Гар кавуш кулса, оёқдан бўладир  
шаксиз узоқ.*

Суҳбатимиз аввалида ҳикмат хусусинда қисман тўхталанган эдик. Якунида яна шу мавзуға қайтсак, чунки ақл ва ҳикматни айри-айри кўриш номаъқулдир. Афлотун ҳаким дебдилар:

«Баданнинг қуввати — овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади». Донишмандлар ҳикматни бундай таъриф қилиб ўтганлар:

Ҳикмат — ҳар бир ишда тўғрини хатодан ажратиш ёки бир нарса ҳақида энг тўғри ҳукмни топиб чиқаришдир. Ҳикматни яхшироқ англаш учун мана бу бир неча фазилатларни билиш лозимдир.

❖ Зеҳн поклиги — исталган нарсанни ўйлаб чиқаришда нафснинг хуружига бўйин эгмаслиkdir. Қадим адабиётда бу «Зеҳн сафоси» дейилиб, бир масала, жумбоқнинг ечими ёки бир ишнинг натижасини қийналмай осон ва тез ўйлаб топиш тушунилади («Зеҳн» — идрок, тезфаҳмлик, «сафо» эса поклик, тиниқлик, равшанлик маъноларини англатади).

❖ Зийраклик — ишнинг аввалидан охирига қадар зеҳннинг чақмоқ янглиғ тез ҳаракатидир.

❖ Гўзал тасаввур — бир нарсанни англаб чиқаришда унга дахли бўлмаган бошқа нарсанни қориширмасдан яхши англаш қувватидир.

❖ Осонлик билан ўрганиш — ортиқ машаққатланмасдан исталган нарсанни ўрганиш қувватидир.

❖ Ёдда сақлаш — ўқиб англанган нарсанни эсдан чиқармасдан ёдга олишдир.

❖ Эсга тушириш — ёдга олинган нарсанни исталган вақтда дарров эсга туширишдир.

Ахлоқ илми бўйича биз англайдиган ҳикмат шу саналган хулқ ва фазилатлар билан топилади. Ҳикмат эгаси бўлганлар «ҳаким» деб аталадилар.

Мисол тариқасида «Гулистан»да бу ҳикматни ўқиши мумкин:

«Бир киши Ануширвонга мундоқ хушхабар еткурдики, Худойи таоло фалон душманингни жаҳондин кўтарди. Ануширвон анго деди: «Ҳеч эшитдингмуки, Худойи таоло мени жаҳонда доимий қўйрму?»

Байт:

*Гар адув ўлса анго бўлмасмен асло шодмон,  
Ким ўзим доги жаҳонда қолмагумдир жавидон.*

Бу жавоб ақл ва ҳикматнинг гўзал кўриниши, шундай эмасми? Буни ўқиганимда тогам — Мирзакалон Исмоилий ёдимга тушдилар. Шароф Рашидов вафот этган куни кимдир телефонда бу воқеа билан тогамни хушнуд қилмоқчи бўлганда «Бир кишининг ўлимига ҳам қувонадими?!» деб газабланган эдилар. Бир нодонлик асрлар оша айнан бир кўринишда яшар экан, инсониятнинг ҳикматга бўлган муҳтоjлиги сақланиб қолаверади.

Турли давра гурунгларида инсонга хос «тўрт фазилат» деган иборани эшитиб турамиз. Сухбатимиз аввалида «Калила ва Димна»дан мисол келтирганимизда бу тўрт фазилат — ҳикмат, ақл, қаноат, адолат деб белгиланган эди. Қадим адабиётнинг бошқа манбаларида бу фазилат — ҳикмат, шижаат, иффат, адолат деб таҳлил қилинади. Одам боласига сув билан ҳаводай зарур бўлган бу тўрт фазилат баёнида қисман фарқ бўлса-да, мантиқан фикр ягонадир.

“Ҳикмат ҳам назарий, ҳам амалий қувватлардан иборат бўлиб, зако, зеҳн сафоси, ҳусн-и тааққул ва таҳаффуз деб аталган тўрт хислатни ўз ичига олади, — деб ёзганлар Алийбек Рустамий. — Назарий қувватдан мурод — кишининг мавжудот ҳақиқатини англаб, ўз имконияти доирасида мутлақ борлиқни идрок этишидир. Ҳикматнинг амалий қуввати эса шахснинг ўз ахлоқини яхшилаши ва эзгу ишларга ўзини одатлантира олишидир”.

«Зако» дейилганда ўткир ақллилик, зийраклилик, синчковлик тушунилади. Синчков, сезгир, ақлли кишиларни «закий» дейдилар. «Зако хайли» дейилганда заковатли кишилар англашилади. Киши кўп ўқиши, билиши натижасида онги бойийди, сезгилар орқали билинадиган нарсалар ана шу билим ёрдамида мантиқан таҳдил этилиб, хуносалар чиқарилади. Бундай ҳолат илмда кўп учрайди. Масалан, Ибн Сино ҳазратлари ҳали заррабин (микроскоп) йўқ пайтида микроблар борлигини айнан зако туфайли кашф этганлар. У зот касалнинг тарқалиш жараёни ва хусусиятларини кузатиб, шу хуносага келганлар. Ёки лазер нурининг кашф этилиши ҳам шундай. Олимлар нур бир ерга тўпланса, кучли қувват ҳосил қилишини англаб, сўнг шу илмий тахмин асосида тажрибалар ўтказганлар.

«Ҳусни тааққул» деб тўғри фикр юритиб, хатто ва янгилишишлардан сақланишга, ақлни яхши томонга ишлатишга айтилади. Чунки ният бузилса, киши ақлинни суиистеъмол қилиши мумкин. Бу ҳолда киши онгида хато, янгилиш

фикрлар пайдо бўлади. Мафкура бузилади, на-тижада киши ҳикматдан узоқлашиб, йўлдан озади («Ҳусн» — гўзал, «тааққул» — идрок, фикр юргизиш, яъни ақл билан иш юритмоқ демакдир).

«Таҳаффуз» деганда кўрган, билиб олган ва ўргангандар нарсаларни яхши эслаб қолиб, керак бўлган пайтда тезда эсга келтириш тушунилади.

«Ҳикмат» сўзининг асл маъноларидан бири — донишмандлик, донолиқдир. Яна бир маънени — яширин сабаб, сирдир. Яна бири — илму-маърифатдир. Яна бири — тадбирдир. Фалсафа илмини қадимда «ҳикмат илми» деб ҳам атаганлар. Ҳикмати илоҳий — Аллоҳнинг хоҳиш-иродасини англатади. Ҳикмати шукуҳи — билим шуҳрати, машҳурлиги демак. Ҳикмату ақл — илм ва ақл дегани. Ҳикмат суйи урмоқ — муолажа қилмоқдир.

Донишмандларни, илму ҳикмат соҳибларини қадимда «ҳикматгард» ёки «ҳикматжўй» деб атаганлар. Донишманд, файласуф, олим, ҳакимларни «ҳикматмаоб», «ҳикматпараст», «ҳикматпеша», «ҳикматсоз» деб ҳам шарафлаганлар. Билимдонларнинг суюнчиғи, ҳомийси — «ҳикматпаноҳ», билимдонларнинг сезгири — «ҳикматқиёс» дейилган. «Ҳикматобод» ҳикматта тўла маконни англатган.

Булар «ҳикмат» атамасига доир тушунчалар. Дунёда ҳикмат эшитган, эшитганидан тўлқинланиб, бошқага айтиб юрган одамлар кўп. Бу ҳам яхши фазилат. Аммо ҳикматга амал қилувчилар озким, афсусимиз айнан шунда.

Сүҳбатимиздан аён бўлаяптики, ақл-идрок ва ҳикмат эгалари — икки дунё саодати мукофоти билан тақдирланадиган баңдалар экан. Уларнинг сафларида бўлмоқлик барчаларимизга насиб этсин, деган муножот билан сүҳбатимизга якун ясаймиз.

### Дую қилайлик:

— Аллоҳим, бизларга ақл, зеҳн, заковат, қобилият каби улут нейматлар бердинг, Ўзингга шукур! Бизларни илмдан бегона қилмадинг, Ўзингта шукр! Аллоҳим, ўзингга зорланиб илтижо қиласиз: ўзимизни то қиёматта қадар туғилиб яшайдиган зурриётларимизни илм олишга муҳаббатли қил. Бешикдан то лаҳадга қадар илм оловчи солиҳ баңдаларинг қаторида бўлишимизни насиб эт. Кимгаки илм олиш баҳтини берибсан, улардан бу баҳтни олиб қўйма. Кимки бу баҳтдан бенасиб экан, уларни бу баҳтдан баҳраманд эт. Ҳузурингга борилган чоги «Эй, баңдам, сенга илм олмогинг учун берган ақлни нималарга сарф этдинг?» деган савол берилганда уялиб қолмайдиган баңдаларингдан қил. Аллоҳим, бизларни қалбларини нуринг билан ёритган, маърифат денгизидан насиба берган, лутф ва қарамингга лойиқ кўрган баңдаларингдан айла! Илм олишга дангасалик қилмайдиган, олган илмини нафс орзуларига сарф этмайдиганлардан қил. Илм йўлини нопокликлардан асра. Олган илмимиз туфайли Ўзингнинг розилигингга етишмоқлик, қиёматда Ўзингнинг жамолингни кўрмоқлик баҳтини бизларга насиб эт, Аллоҳим! Устозларнинг шогирдлар ҳузуридаги ҳақини, шогирдларнинг устозлар ҳузурларидағи ҳақларини ҳалол ва холис адo этишларини насиб эт!

— Аллоҳим! Бизлар бу дунё имтиҳонидаги ожиз баңдаларингиз. Жаҳолат довули билан синаганингда йиқилиб қолмайдиган солиҳ баңдаларингдан қил бизларни. Шайтон алайҳилаънанинг ёмонлигидан ёлгиз Ўзингдан паноҳ тилаймиз. Шайтон қуролларидан бўлмиш жаҳолат ҳужумидан ҳам Ўзингдан паноҳ тилаймиз. Аллоҳим! Бизларга жаҳолат нима эканини англаб ета оловучи идрок бер. Аллоҳим! Жаҳолатта рўпара келганимизда уни енгиб ўта оловучи ирода қувватини бер. Жаҳолат исканжасидаги биродарларимизга бу бадбахтликдан қутулишлари учун ҳидоят бер. Уларга қиёматдаги дўзах азобларини бегона қил. То қиёматта қадар туғилиб яшайдиган зурриётларимизни жоҳиллик балоларидан аспра. Бизлардан аввал вафот топганларнинг ҳаётлик чоғлари жоҳилликлари туфайли қилиб қўйган гуноҳларини кечир, Аллоҳим! Биз топган савоблардан у марҳум зотларнинг аъмол номаларига ёзиб қўймоқлигингни Ўзингдан илтижо қилиб сўраймиз, бизларни ноумид қилма, Аллоҳим! Бизлар жоҳиллигимиз туфайли қилган гуноҳларимизни лутфи караминг билан афв эт. Ер юзини ўраб турган жаҳолат булутидан ёгувчи томчилардан баҳра оловчилар борки, уларга инсофу тавфиқ бер, жоҳилликлари туфайли юмилган кўзларини илм өва ҳидоят нурлари билан оч. Ер юзига соя ташлаб турган жаҳолат булутларини Ўзинг бартараф этиб, тинчлик ва омонлик нурларига чўмдир. Ўзингнинг «Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тавба қиласиганларнинг тавбаси


Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қиласди» деган ваъдангга кўра, бизларни истигфор айтувчилардан ва тавбалари қабул бўладиганлардан қил.

— Ё Аллоҳ! Биз — баандаларингта ақл ато этиб, ўзга махлуқлардан кўра шарафлироқ марта-бани берганинг учун Ўзингта чексиз шукрлар қиласмиз. Барчаларимизни баҳтиёрликнинг биринчи шарти бўлган ақл қуввати билан қувватлантири. Ийсо алайҳиссалом қочган аҳмоқлардан бизларни Ўзинг ҳимоя қил. Иблиснинг ёмонлигидан ва аҳмоқларнинг таъсиридан Ўзингнинг паноҳингта қочамиз. Берган неъматинг — ақлни бизлардан олиб қўйма. Ақдини қадрламаётган дўстларимизга ҳидоят бер. Уларни ҳам комил ақл-идрок эгалари сафига қўш. Омийн, йа Раб ал-оламийн!



## **МУНДАРИЖА**

Гафлат уйқуси .....	3
Яшасин, мүйлов!	26
Инсонийлик тожи .....	34
Янги харита .....	52
Дард устига чипқон .....	76
Ота-оналар мажлиси .....	136
Ақұнни ва оқылни асрайлык .....	148
Илмли бозор .....	180



**УУК: 821.512.133  
КБК 84(5У) + 72.3(5У)  
М22**

M22      **Малик, Тоҳир.**  
Олим бўлиш... қийин / Т. Малик.  
— Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2014. — 192 б.

ISBN 978-9943-4311-0-2

**УУК: 821.512.133  
КБК 84(5У) + 72.3(5У)**

## **Маънавий-маърифий нашр**

**Тоҳир МАЛИК**

**ОЛИМ БЎЛИШ... ҚИЙИН**

«Одамийлик мулки»га доир суҳбатлар

Бош муҳаррир Асрор Мўмин  
Масъул муҳаррир Хосият Ражабова  
Мусаҳдиқ Лола Шаймова  
Дизайнер Жаҳонгир Абдужалилов  
Саҳифаловчи Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами AI-№ 213  
2014 йил 17 марта нашриётта топширилди.  
2014 йил 16 апрелда босишга руҳсат этилди.  
Бичими 84x1081/32 «Baltica APP» гарнитураси.  
Шартли босма табоги 10,08.  
Нашриёт ҳисоб табоги 7,10. Адади 2000 нусха.  
881-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

**Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа  
уйида тайёрланди.**

**"DAVR PRESS" НМУ МЧЖният матбаа бўлимида  
офсет усулида чол этилди.**

**Маизил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-үй.  
Тел: + (99871) 120-1299;  
Маркетинг бўлими: + (99871) 120-1233; 120-1202.  
Web: [www.davtpress.uz](http://www.davtpress.uz)  
E-mail: [davt-press@mail.ru](mailto:davt-press@mail.ru)**



Илмга интилган киши энг яхши инсондир. Илмдан юз үгириш — инсонийликдан юз үгириш демак. Чунки илм инсонийлик тожи ҳисобланади. Инсон илм билан шараф топади. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради.



ISBN 978-9943-4311-0-2

9 789943 431102